

66.3
ГР 95 ГЧЧ
A-PDF Merger DEMO : Purchase from www.A-PDF.com to remove the watermark

М. О. Фуломова

**ЎЗБЕК
ЗИЁЛИЛАРИНИНГ
КАМОЛОТИ**

~~34764~~
~~34765~~
~~34766~~
~~34767~~
~~34768~~

66.3
E 95
F 94

М. О. Фуломова

J(G) L.80
81.2

466 #5486
F 95 Гуломова М.О 10756
Узбек зиёлчарининг
камолоти. 1992 60F
34764

34764

20156

45486

ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ КАМОЛОТИ

ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ КАМОЛОТИ

Демократияның үтиш жарығы баштады көзінде, бұлардың болын жақтаудар 20-жылдар жалпығы бір жында үшшеб кетті. Шу закондың тәркесінде активтердің уәттілешлерінің дәстүр қабындаған негізде шу сабактың орын жаңынан аныкталған. Анықтауда таңылған жаңырмайтын мөрзе жаңынан аныкталған. Анықтауда таңылған жаңырмайтын мөрзе жаңынан аныкталған.

SCIENCE ALI'NDI'-2013

11/11/2019 Page 1 of 1

**Совет художников Узбекистана
НОВЫЙ КОЛЛЕКЦИОННЫЙ Альбом
по коллекционированию творческих работ
художников Узбекистана**

66.3(2)1
F 79

Жамоатчилик асосида
масъул муҳаррир — тарих фанлари доктори,
профессор К. О. ОҚИЛОВ

Тақризчилар: тарих фанлари доктори А. Ю. ИБРОҲИМОВА
тарих фанлари номзоди Т. Р. РАҲИМБОБОЕВА

Муҳаррир З. ҲАКИМОВА

СЕКРЕТАРИЯ ДИПЛОМАТИЧЕСКОГО ИТОГОМА

Гуломова М. О.
F 79 Ўзбек зиёлиларининг камолоти.—Т.: Ўзбекистон,
1992.—136 б.

ISBN 5-640-01040-1

Ушбу китоб Ўзбекистон зиёлилари муаммоси, улар янги
турханинг таркиб топиши тараққиётидан, тарихидан лавҳалар,
архив ва бошқа янги материаллар асосида ёртилган.

Китоб кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Гулямова М. А. Формирование узбекской интеллигенции

66.3(2)1

№ 947—91
Навоий номли ЎзЖ
Давлат кутубхонаси

F 0503020904—163 92
M351 (04)91

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1992 й.



Библиотека, йадро, аудиосекундажи, вакъе, музикантни
фильми ва ихтимониёт босадиган, кирсан оли, кўнгиллар
номи, музикантини, кўнгилларни таъсирни таъсирни
вазифаси. Ўзбекистон тарихини сизиб турибиз. Ўтмишни ҳаққоний
таҳдил этиш йўли билангина ҳақиқатни аниқлаш, ҳозирги
кўпгина кулфатларимиз ва қийинчиликларимиз кейинги ўн
йилликлар давомида умуминсоний қадриятлардан чекиниш оқиба-
ти эканини ҳам тушиниб олиш мумкин.

Ўтмиш асрлардаги илгор ижтимоий тафаккурнинг, маданий
ютуқларнинг вориси бўлмиш зиёлиларимиз халқ билан бирга
огир тарихий йўлни босиб ўтдилар. Бу — катта сафарлар ва
аянчли жудоликлар билан ўтган. Кашибиётлар қилинган ва қўпол
хатоларга йўл қўйилган, халқ ижоди барқ уриб яшнаган ва
ҳуқуқий қатағон авж олган йиллар бўлди.

Ҳозир мамлакатимиз ўтиш даврини бошидан кечирмоқда, бу
даврнинг баъзи жиҳатлари 20-йиллар даврига бир мунча ўхшаб
кетади. Шу даврнинг тажрибаси иқтисодий ўзгартишларнинг
ҳаётий қобилиятини исботлади, шу сабабли биз жамият қури-
лишининг ҳозирги тажрибасида ўша даврдаги энг ибратли ва
ҳозирги заминда нақд мева бера оладиган энг муҳим жиҳат-
лардан фойдаланишимиз мумкин.

Шу муносабат билан жамиятшунос олимлар, жумладан, та-
рихчилар олдида мазкур муаммони янгича идрок этиш ва
ёритишда, айниқса Ўрта Осиё жумҳуриятларида бу муаммони
ҳал этишнинг янги қоидалари мажмумин ишлаб чиқиши соҳасида
катта ва масъулиятли вазифалар турибди, чунки Совет ҳокимия-
тининг дастлабки йилларида мазкур муаммо бениҳоя ўткир ва
долзарб бўлган эди.

Совет ҳокимияти йилларида зиёлилар жамиятимизнинг катта
ижтимоий гуруҳи бўлиб қолди. Улар жамиятни ривожлантириш
ва такомиллаштиришга тобора кўпроқ ҳисса қўшиб келдилар.

Ўзбекистон зиёлилари тарихий зарурят таъсири оқибатида
келиб чиқсан алоҳида ижтимоий-тарихий тоифа бўлиб, жамият
ижтимоий-синфий тузилишининг таркибий қисмидир. Мана шу
қудратли ижодкор куч ўзининг бунёдкорлик фаoliyatiini
мехнаткашларнинг туб манбаатларига узимат жилдирмоқда.

Жумҳуриятимиз зиёлилари тарихининг зиддиятилиги, муз-
инVENTAF № 34764

ракаблиги ва етарли равишда ишлаб чиқилмаганлигини эътиборга олиб, муаллиф унинг ҳамма жиҳатларини қамраб олишга интилмади, балки ўз олдига 20—30-йиллардаги маъмурятчилик-бўйруқбозалик системаси шароитидаги зиёли кадрларининг вужудга келиши ва ривожланишига оид баъзи қонуниятлар ва хусусиятларни кўрсатиб бериш мақсадини қўйди.

Ўзбекистон жумҳуриятининг ташкил топиши натижасида ҳалқ ҳўжалигни ва маданий қурилишни ривожлантириш учун ўн ва юз минглаб ўқитувчи ва муҳандислар, агроном ва зоотехниклар, олимлар ва врачлар, меъморлар ва техниклар, ёзувчилар ва артистлар, социалистик қурилишга қўшила оладиган, ҳалқнинг маънавий маданиятини равнақ топтиришга кўмаклашадиган, меҳнаткашларнинг ёш авлодини тарбиялайдиган бошқа кўпгина мутахассислар керак бўлди.

Ўзбек совет зиёлиларниң шаклланиш жараёни мураккаб, зиддиятли, ўзига хос тарихий, моддий ва маданий-маший шароитда рўй берди. Бу қийинчиликлар баъзида ҳалқ оммаси ва зиёли арбоблар кучи ва иқтидори билан бартараф қилинган бўлса, шу даврларнинг ўзида янги чигалликлар ва муаммолар пайдо бўлди...

Шундай қилиб, миллий зиёли кадрларни вояга етказиш иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётининг умумий вазифаларига мувофиқ амалга оширилди.

Ўзбекистон зиёлилари байналмилалчилик шароити негизида шаклланди, унинг кўп миллатли эканлиги қийинчиликларни енгаб камол топганлигининг ўзига хос белгиларидан бирини ифодалайди, бу воқелик эса жумҳуриятининг иқтисодий ва маданий тараққиёти, ундаги барча миллатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратди.

Катта ёшдагилар орасида саводсизликни тутатиш, шунингдек болалар учун умумий мажбурий мактаб таълимини жорий қилиш — кенг зиёлилар оммаси амалга оширган ҳалқчиликка садоқат ифодаси бўлиб қолади. Шу муносабат билан ўқитувчи кадрлар тайёрлашга асосий эътибор қаратилди.

Миллий зиёлиларнинг сафлари эски зиёлиларни қайта тарбиялаш, янгиларини ўқитиш ва кўтариш йўли билан ўсиб борди. Жумҳуриятимизда турли-туман мактаблар, дорилфунунлар, ишчи факультетлари, билим юртлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари кўплаб ташкил қилинди. Соғлиқни сақлаш тизмасини қарор топтириш жараёни жадаллашди.

Ёзувчилар ва шоирлар ўзаро шахсий алоқалар ўрнатиб, ҳамкорликни кенгайтирилар, Ўрта Осиё ва Қозогистон адаби-

ётларининг ўзаро алоқаси мустаҳкамланди. Ўзбек адабиёти ўзининг илк тараққиёт босқичига кирган эди, кўп миллатли совет адабиётининг бир қисми сифатида таркиб топа бошлаган эди. Ўзбек совет адабиётининг ривожланишига жаҳон классик ва прогрессив адабиёти, жумладан прогрессив рус адабиёти баракали таъсир ўтказди, санъаткор зиёлилар кадрлари камол топа бошлади. Зиёлилар ҳалқа сидқидилдан хизмат қилиб, энг муҳим ҳалқ ҳўжалик вазифаларини ҳал этишга, меҳнаткашлар оммасини ҳалқлар дўстлиги, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келдилар.

30-йиллар — жуда зиддиятли давр бўлди. Мамлакатимиз тарихида катта асорат қолдирган шу даврда рўй берган воқеаларни холисона баҳолаш жуда мушкул. Бу йилларда одамлар зўр гайрат билан меҳнат қилишди, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаб, мамлакатни равнақ топтириш учун, уни индустрлаштириш ва деҳқон ҳўжаликларини колективлаштириш, маданий инқолобни амалга ошириш, кўп миллатли давлатни мустаҳкамлаш учун меҳнаткашлар сидқидилдан кураш олиб бордилар. Аммо айни шу даврда Сталиннинг мустабид диктатураси қарор топди ва шу диктатуранинг сиёсатлари — қулоқ қилиш, очарчилик, оммавий қатағонлар оқибатида миллион-миллион одамлар бсхуда ҳалок бўлди.

Шундай қилиб, янги шароитларга мос келадиган янги зиёлиларни вужудга келтириш жараёни шонли, мураккаб ва суронли даврларни босиб ўтди.

Баъзи партия ва совет раҳбарларининг ижодкор зиёлилар фаолиятига аралашуви ҳам салбий таъсир қилди.

Шу даврда кўпгина таникли давлат арбоблари Ф. Хўжаев, А. Икромов, Т. Рисқулов, Т. Хўжанов ва бошқа кўпгина кишилар туҳмат қурбони бўлдилар. Ўзбек ҳалқининг истеъоддли намояндалари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Боту ва фанимиз, адабиёт ва санъатимизнинг бошқа ўнлаб ёрқин намояндалари шафқатсизларча таъқиб қилинди. Шахсга сигиниш йилларининг энг аянчли жиҳати шу бўлдики, эски зиёлиларнинг совет ҳокимияти билан бажонидил ҳамкорлик қила бошлаган қисми қатағон қилинди.

Ҳалқ маорифи соҳасида ҳам кўпгина бузгунчиликлар содир бўлди. 20-йилларнинг охирида араб алифбосидан лотин ёзувига, сўнгра 30-йилларнинг охирида лотинчадан рус алифбосига ўтилганлиги ўзбек ҳалқининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа ҳалқларнинг ҳам маданиятини ривожлантиришга салбий таъсир қилди, миллий зиёли кадрларни тайёрлаш жараёнини орқага сурди.

Маҳаллий йигит ва қизларни мамлакатнинг марказий олий ўқув юртларига, ундан олдинроқ ҳатто чет мамлакатларга ўқиш учун юбориш катта аҳамиятга эга бўлди.

20—30 йиллар давомида амалга оширилган ташкилий ишлар, ажратилган маблаглар муаллимларнинг сафларини янада тўлдириш, илмий ва тиббий кадрларни етиштириш, ўзбек миллий ва бошқа миллатлар адабиёти ва санъати арбобларини камол топтириш, уларнинг республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун мустаҳкамланинг таҳкам пойдевор яратди.

Ўзбекистонда янги илмгоҳлар, мавжуд марказий олий ўқув юртларининг бўлимлари, асосан техникага оид ўқув юртлари очилди, уларнинг моддий техникавий базаси мустаҳкамлани, ўқув режалари ва дастурлари мутахассисларнинг янги рўйхатига мувофиқ қайта ишлаб чиқилди, кўп предметлилик қисқартирилди.

20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларидаги партия ҳужжатларида мамлакат ижтимоий ва маданий тараққиёти тажрибасига асосланиб совет зиёлиларини камол топтириш маданий революцияни амалга оширишнинг асосий вазифаларидан бири деб таърифланди. 30-йилларнинг охирида РКП(б) марказий комитети партия XVIII съездига ҳисобот докладида янги халқ зиёлилари вужудга келтирилганлиги — мамлакатимиздаги маданий инқилобнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлди, деб таъкидлади. Зиёлиларни вужудга келтириш жараёнининг маданий инқилобни амалга ошириш билан бевосита боғлиқлиги халқ маънавий салоҳиятини кўпайтиришда зиёлиларнинг аҳамияти катталигини таъкидлабгина қўймасдан, шу билан бирга уларнинг ижтимоий ва жамоат кучи сифатидаги аҳамияти ҳам кўтарилиб борганлигини билдирап эди.

Хозирги вақтда совет халқи жамиятнинг бутун тизмасини инқилобий тарзда ўзгартироқда. Қайта қуриш совет турмуши даражасининг истисносиз барча соҳаларини, юқоридан қўйигача бутун жамиятни қамраб олган. Зиёлиларнинг бурчи ва юксак вазифаси инқилобий қайта қуришда фаол қатнашишда, зиёлилар олдига қўйилган вазифалар юксакликда бўлишдан иборат.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг меҳнаткашлар оммаси, халқ зиёлилари ва маданий жабҳа ходимларининг бевосита, фаол иштирокида амалга оширилаётган вазифалари турмушимиз қоидаларига зид бўлган бу ҳолатларни тутатибгина қолмай, айни вақтда барча соҳаларидаги раҳбарлик усусларини янгичасига эгаллаб олишни ҳам талаб қиласди.

Мамлакатда вужудга келаётган янги маънавий-руҳий муҳит зиёлиларнинг маънавий қадриятларни қайтадан кўриб чиқишига, ижодий қайта идрок этишига кўмаклашади. Бутун жамиятда бўлгани каби зиёлилар орасида ҳам иқтисодиёт, маданият, илм-фандаги, ижтимоий соҳадаги ўзгартишларнинг йўллари ва усуслари ҳақида ҳизғин мунозара давом этмоқда.

Совет зиёлиларининг гоявий эътиқоди ва сиёсий онглилиги уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида давлатни, жамоат ва ишлаб чиқариш ишларини бошқаришдаги фаол иштирокида намоси бўлмоқда.

ИНҚИЛОБ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁЛИЛАРГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ

Янги ижтимоий-сиёсий муҳитда Ўзбекистон зиёлиларининг мавқеи

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг бир қисмини чор Россияси босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирган эди. Бу — чоризм мустамлакачилик сиёсатининг натижаси эди ва ўзининг объектив оқибати жиҳатидан Ўрта Осиё минтақасида яшовчи халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушини ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Ўлкада фабрика, завод саноати вужудга кела бошлади, тесмирийўллар қурилди, шу туфайли саноат пролетари тугилиб, шаҳар аҳолиси кўпайди. Айниқса Тошкент, Андижон, Қўйон, Самарқанд аҳолиси тез кўпайиб борди. Рус ишчилари, ҳунармандлари, давлат амалдорлари ва хусусий корхоналар хизматчиларининг мансилгоҳлари вужудга келди. Ривожлана бошлаган корхоналарда ўзбеклар, тоҷиклар, қозоқлар, бошқа маҳаллий миллат вакиллари рус ишчилари билан хизмат қилдилар. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан айни бир пайтда халқларнинг турмушида янгиликлар пайдо бўла бошлади. Бу ерда дунёвий мактаблар, кутубхоналар, музейлар, театrlар, почта ва телеграф, илмий жамиятлар, литография ва босмахоналар барпо этилди, европача тоифада янги бинолар қурилди. Дастлабки тиббий муассасалар очилди. Чунончи 1876 йилда Тошкентда Туркистон оммавий кутубхонаси очилди. Сал кейинроқ музейлар, расадхона, қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси, дўхтирихона ва шу кабилар барпо этилди.

Туркистон ўлкасида революциядан аввалги даврда 15 та

илемий жамият бор эди¹. Бу ташкилотлар Ўрта Осиё тарихи, иқтисодиёти, жуғрофияси, табиий бойликларини, бу ерда яшовчи халқларнинг ҳаёти, маданияти ва турмушини ўрганишга асос солди. Улар барча халқлар вакилларининг маҳаллий аҳоли билан яқинлашувига ҳам имконият яратди.

Ўрта Осиёни илемий ташкил қилиш тарихи ўзбек зиёлилари билан жўғрофия олимлари П. П. Семенов-Тяншоний, А. И. Краснов, геолог И. В. Мушкетов, Г. Д. Романовский, зоологлардан И. А. Северцев, В. Ф. Ошанин, ботаниклардан А. П. Федченко, Московцев, тарихчи адабиётшунослардан В. В. Бартольд, В. А. Жуковский, Н. И. Веселовский, В. В. Орлов ва бошқаларнинг номлари билан чамбарчас боғланган. Улар моддий маблаг бўлмаса ҳам, подшопараст мустамлакачиларининг менси-май, кўпинча тўғридан-тўғри душманлик билан қаравишидан қатъий назар, ўлкани илемий ўрганиш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

Шарқ илми ва маданияти буюк вакилларининг асрлари маҳаллий аҳоли орасида жуда кенг тарқалган эди. "Туркистан вилояти газети" орқали Ўзбекистон халқлари илғор халқларнинг атоқли шоирлари ва уларнинг ижодлари билан танишдилар. Шу газетада илм-фанинг турли соҳалари юзасидан илемий-оммабоп мақолалар босилиб турди. Саноат ривожланган сайин, завод ва фабрикалар тобора кўпроқ қурилган сайин бора-бора маҳаллий буржуазия майдонга келди.

Ўрта Осиё забт этилганидан кейин рўй берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар мамлакат халқлари маънавий турмушидаги эволюцияни белгилаб берди, XIX аср охири, XX аср бошларидаги ўзбек адабиётида ва ижтимоий тафаккурида илғор гояларнинг вужудга келиб, ривожланиши учун қулай замин яратди. Энг муҳими шуки, янги тарихий шароитдаги демократик руҳдаги илғор маданият вакилларининг таъсирида бутун Ўрта Осиё каби Ўзбекистонда ҳам меҳнаткаш омма манфаатини кўзладиган, ҳам феодал, ҳам буржуа дунёқарашидан бутунлай фарқ қиласидиган тараққийпарвар мафкура юзага келди ва ривожланди. Бу мафкура ўрта аср феодал тартиблари йўқола борган ва янги капиталистик муносабатлар аста-секин таркиб топа бошлаган вазиятда шаклланди.

Ўзбек зиёлилари орасида маърифатпарварлик оқими деб аталган оқим вужудга кела бошлади, бу оқим XVII асрдаги ва

XVIII аср бошларидаги тузумни фош қилувчи шоирлар — Турди, Гулханий, Маҳмуд Ҳозиқ кабиларнинг адабий анъаналарини инада ривожлантириди. Улар фирибгар бойлар ва судхўрларни танқид қилиб, фош этиш билан бирга меҳнаткаш халқнинг синфий манфаатлари ва орзу-умидларини ифодалашга, меҳнаткашларни жаҳон маданиятига ошно қилишга ҳам интилдилар.

Навоний, Турди, Махтумқули ва бошқа тараққийпарвар адаби-ларнинг энг яхши анъаналарини қабул қилган янги ижтимоий-фалсафий тафаккур зиддиятли ва мураккаб тарихий вазиятда шаклланди ва, табиийки, феодализм анъаналари таъсирида бўлди.

XX аср бошларидаги илғор мафкуранинг ўзига хос ҳусуси-тлари Фурқат, Муқимий, Дониш каби халқ манфаатлари учун жон куйдирган, дунёвий билимларни тарғиб қилган, илғор рус фани ва маданияти ютуқларидан ибрат олишга чақирган, Ўрта Осиёнинг маданий ва иқтисодий юксалишини орзу қилган шоирларнинг асрларида акс этгандир.

Дониш маорифни мамлакатнинг тараққиёт йўлидан ривож-ланиши учун асос деб ҳисоблади ва дунёни билиш мумкинлигига ишонди: "биз уммонларни забт этиш, ер ости бойликларини очиш, дунёнинг гаройиб жиҳатлари сиру асрорларини билиб олиш, унинг ҳамма қисмлари ва аҳолиси турмушидан одамларни ҳабардор қилиш учун дунёга келганимиз"², деб ёзган эди у.

Муқимий эса диёрдаги бойларга хизмат қилувчи тартибларни танқид қилиб, буржуазиянинг зулмига ҳам қарши сатира ўтларини сочди, меҳнаткаш халқни эксплуатация қилишнинг капиталистик усулларини қаттиқ қоралади. Ўз асрларидан бирида у "ахир бир кун яхши замонлар келиб мени ҳам ёд этарлар"² деган фикрни билдириди. Халқнинг асл фарзанди бўлган шоир хато қиласиди. Совет кишилари демократ шоирнинг хотирасини ардоқлаб эсга олмоқдалар. Тошкентдаги театрлардан бири унинг номи билан аталган, унинг асрлари ўрта ва олий ўқув юртларида ўрганилмоқда.

Шу билан бирга, демократ шоирларнинг тараққийпарварлик аҳамиятини юксак баҳолаганда, уларнинг табиат ва жамият тўғрисидаги қаравашларида гоявий ва сиёсий чекланганликлари, дунёқарашларининг зиддиятлилиги сезилиб туришини таъкидлаб ўтмоқ керак. Ўрта Осиёнинг сиёсий-иқтисодий қолоқлиги шароитда шундай бўлиши табиий эди.

¹ Б. В. Лунин. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Ташкент: изд-во АН УзССР, 1962, с. 6.

² Узбекистон ССР тарихи Т. П. Тошкент, 1968 йил, 413-бет.

Уша жойда, 417-бет.

Туркистон ўлкасининг олти миллионли аҳолиси Россиянинг иқтисодий турмушидаги анча муҳим роль йўнаганига шак-шубҳа йўқ. ...Бироқ мазкур меҳнатсевар ва тинчликсевар халқ сиёсий жиҳатдан озод бўлган тақдирда... Бу роль янада муваффақиятлироқ бўлади".

Мана шундай шароитда Туркистонда XIX ва XX асрлар маррасида илмий социализм гоялари оммалаша бошлади. Илгор жамоатчилик, адабиёт ва публицистика намояндайлари чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши, ўрта асрчилигига қарши ва буржуа миллатчилиги мағкурасига қарши ўзига хос шаклларда кураш олиб бордилар. Фурқат билан Муқимий илгор гояларининг бевосита вориси ва давомчиси бўлмиш сатирик шоир ва публицист Абдулла Солиҳ (1853—1921) шу даврда айниқса машҳур бўлган. Камбағал халқ орасидан стишиб чиққан ва бениҳоя мухтожлиқда кун кечирган, Завқий тахаллуси билан ижод қилган бу шоир инқилобни сидқидилдан табриклаб кутиб олди.

Шу тариқа халқчиллик кайфиятидаги ёзувчилар орасида ижтимоий адолат ва озодликнинг тантанасига ишонч тобора ошиб борди. Шу жиҳатдан олганда Хоразмда вояга етган шоир Аваз Ўтар ўғлининг (1884—1924) ижоди айниқса дикқатга сазовордир.

Аваз ижодидаги халқпарварлик, маърифатчилик ва инқилобий гоялар ҳукмрон доираларни газабга келтиради. Бунинг учун уни қаттиқ таъқиб этадилар ва ундан ўч олишга киришадилар. 1917 йил кўкламида, унга иккинчи бор тан жазоси берилганида ҳам шоир ўз ватанининг порлоқ келажагига ишонган эди. "Мен жисман ўларман, аммо авлодим илгарилаб бораверади",— деган эди у. Аваз Ўтар ўғли Хоразм халқ инқилобидан бир неча йил аввал вафот этди.

Тараққийпарвар шоирлар Завқий, Аваз Ўтар ва бошқалар маҳаллий буржуазияга, жадидлар раҳбарларининг консерватив-реакцион қисмига қарши чиқдилар, уларнинг халқ манфаатларига зид бўлган фикрларини фош қилиб ташладилар. Шу жиҳатдан олганда "Ал-ислоҳ" ойномаси теварагида тўплланган бир гурӯҳ кимсаларга қарши Завқий айтган гаплар дикқатга сазовордир. Шу ойнома саҳифаларида 1919 йилда Фурқат-Муқимий ва Завқийга қарши туҳмат, бўхтонлар тез-тез босилиб турган эди.

Инқилоб арафаси даврида маърифатпарвар ва демократ шоир ҳамда ёзувчилар билан бир қаторда ўзбек халқи орасида зиёлиларнинг бошқа туркумлари ҳам вояга ета бошлади. Аввало муаллимлар, ўрта техника ва агрономия ходимлари, хизматчилар шулар жумласига кирап эди. Мустақил равишда ўқиб таълим олган тадқиқотчи археологлар, тарихчилар ва шу кабилар ҳам

бор эди. Туркистондаги айрим илмий жамиятларнинг ишида маҳаллий миллат вакиллари (Олимхўжаев, Юнусов, Хўжа Юспов, Мирза Ҳаким ва бошқалар) ҳам қатнашдилар.

Самодержавиеси Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати аввало халқ маорифига тўсқинлик қилишга қаратилган эди. Масалан, 1914 йилда Туркистон ўлкасида маориф эҳтиёжларида 1,8 миллион сўз ёки ўлка бюджетининг 2,3 фоизи сарфланди, ҳолбуки, ҳарбий ва полиция идораларининг харажатлари бюджетнинг 86,7 фоизини ташкил этди. Самодержавиеси Туркистонда умумий таълим мактаблари ташкил этилишига онгли равишда қаршилик қилиди. 1912 йилда шу бепоён ўлкада атиги 502 та кичик-кичик бошлангич ва ўрта мактаблар бўлиб, уларда 41 мингдан сал кўпроқ ўқувчи таълим оларди, улар ҳам подшо амалдорлари ва маҳаллий бойларнинг фарзандлари эди. Маҳаллий меҳнаткаш аҳолининг фарзандлари ўрта асрлардан бўён мавжуд бўлиб келган бошлангич диний мактабларда ва маҳалла домлалари ва отин ойиларнинг мактабларида таълим олар эдилар.

Шундай қилиб, Россия чоризми ҳукмронлиги шароитида Туркистоннинг меҳнаткаш аҳолиси замонавий билим асосларини эгаллашдан маҳрум этилган, жоҳиллик ва забунликка маҳкум қилинган эди.

Туркистон ўлкасида ўрта ва олий таълимнинг аҳволи ҳам яхши эмас эди. Инқилобдан аввал 4,5 миллион аҳолиси бўлган ҳозирги Ўзбекистонда атиги 8 та ўқув юрти мавжуд эди. Маҳаллий миллатларнинг, асосан бадавлат оиласларнинг фарзандлари бу ўқув юртида камдан-кам учар эди. 1908/09 ўқув йилида эрқаклар гимназияларида маҳаллий миллатга мансуб ўқувчилар 1,7 фоиз, Тошкент реал билим юртида 1,3 фоиз, қизлар гимназияларида бундан ҳам оз — 08 фоиз эди.

Инқилобдан аввалигি Туркистонда юқори малакали мутахассислар жуда зарур бўлишига қарамай, биронта олий ўқув юрти йўқ эди, шу сабабли маҳаллий миллат ёшлари олий таълим олиш имкониятидан маҳрум эдилар. Инқилобгача атиги 3 нафар ўзбек йигити Россиянинг марказий олий ўқув юртида таълим олганига ажабланмаса ҳам бўлади. Шунинг оқибатида инқилобга қадар маҳаллий миллат зиёлилари жуда оз эди, улар ҳам асосан рус-тузем ва янги усул мактабларининг муаллимларидан, шоирлар, адиллар, журналистлар, котиблардан иборат эди. 1914 йилда ўлкада 704 нафар муаллим, 165 врач ишлар эди¹. Агар

1 Р. Е. Житов, В. Я. Непомнин. Мустамлака куллигидан социализм сари. Тошкент, 1939, 17-бет.

мазкур ўқитувчилар орасида 30 нафар маҳаллий миллат вакили бўлса, врачлар ва инженер-техник зиёлилар орасида биронта ҳам ўзбек миллатига мансуб мутахассис йўқ эди.

Подшо мустамлакачилари кенг халқ оммаси орасида дунёвий таълимни ривожлантиришдан, маданият ва фанни равнақ топтиришдан, малакали кадрлар тайёрлашдан мутлақо манфаатдор эмас эдилар. Чунки мустамлакалардаги ўзбек миллатига мансуб аҳолини маънавий қулликда, жаҳолат, нодонликда сақлаб туриш, уларни шафқатсизларча эксплуатация қилиш ва имкони борича кўпроқ фойда ундириб олиш чоризм сиёсатининг асосий мақсади эди.

Бироқ объектив равишида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, жамиятнинг синфий тузилишидаги силжишлар, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари кириб кела бошлаганлиги миллий маданиятни ривожлантиришга, миллий зиёли кадрларни шакллантиришга ҳам таъсир ўтказди.

Революциядан аввалги миллий зиёлилар ўзларининг моддий аҳволи, дунёқараши ва пролетар инқилобига муносабати жиҳатдан уч гуруҳга бўлинар эди.

Буржуа зиёлиларининг буржуазия мафкурасига содик бўлиб қолган имтиёзли вакиллари энг консерватив гуруҳга мансуб эди. Оз сонли руҳонийлар, қозилар, домла, эшонлар, уламолар ва бошқалардан иборат бўлган бу гуруҳ вакиллари ҳар қандай янгиликка, ҳар қандай илғор усуlldарга қарши чиқар эдилар. Улар "қадимиylар" деб аталар эди.

Инқилоб арафасида маҳаллий зиёлиларнинг бу қисмига Аҳмадхўжа Эшон (Тошкентдаги мадраса мударриси), Файзулло Ваҳобқори (қўёнолик руҳоний), О. Муфтизода (бухоролик руҳоний) бошчилик қиласар эдилар.

Зиёлиларнинг иккинчи гуруҳини миллатчи зиёлиларнинг жадидчилик ҳаракати (жадид — янги усул демак) вакилларидан иборат бўлиб, улар эндигина юзага келаётган миллий буржуазия манфаатларини ҳимоя қиласар эдилар.

1988 йил 22 декабрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида "Жадидизмнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва XIX аср охири ва XX аср бошларидағи мафкуравий кураш тарихида унинг ўрни" муаммоси юзасидан давра сухбати ўтказилди. Фикрлашувлар натижасида сұхбат

жатнашчилари 30-йиллардаги вулыгар, социологик фикрлардан воз кечиш кераклигини айтдилар. Кейинги 60 йил мобайнинда биринчи марта Ўрта Осиё ҳалқлари маданиятини ривожлантиришда стакчи роль ўйнаган мана шу оқимнинг моҳияти ва мазмунни, вазифаси ва мақсадлари, шунингдек ривожланиши ва маҳаллий хусусиятлари янгичасига таҳлил этилди¹.

Инқилоб арафасида Ўрта Осиёдаги жадидлар ҳаракати ичидаги инфоқ чиқиб, ажralиш рўй берган эди. Унинг ҳалқпарвар қисми инқилобни қўллаб-қувватлаганлиги (масалан, ёш бухороликлар) ва консерватив қисми буржуа-миллатчи аксилиңқилобий йўлга кирганилиги (масалан, "шўрои исломия") бир вақтлар буржуа советшуносларига жадидлар ҳаракатининг бўлинишига табақалаштириб ёндошиш учун асос бўлган эди.

Туркистон жадидларининг XIX аср бошлари XX аср охирларидаги маърифатпарварлик фаолиятини маориф ва маданият соҳаларига янгилик ва ислоҳчилик тусини бериш орқали ўлка ҳалқларининг миллий маданий онгини ва ижтимоий-сиёсий тафаккурини ўстиришга кўмаклашдилар. Эндигина тугилаётган миллий буржуазиянинг мафкураси бўлмиш жадидизм замирида гарчи зиддиятлар бўлса ҳам, умуман у революциядан аввалги Ўрта Осиё тарихида ижобий роль ўйнайди².

Ўзбек зиёлиларининг меҳнаткашлар оммасига энг яқин бўлган учинчи гуруҳини ишчилар орасидан етишиб чиқсан техник ҳодимлар, маориф муассасаларида ишловчи кўп сонли муаллимлар, подшо бюрократик аппаратининг қўйи идораларидағи хизматчилар ва шу кабилар ташкил қиласар эди. Жамиятнинг шу қатламлари инқилобнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз тақдирини ишчилар синфи ва деҳқонлар билан боғлади.

Ўзбекистон зиёлилари тараққийпарвар қисмининг онги ривожланишида бурилиш воқеаси бўлди. Уларнинг энг яхши намояндалари — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Завқий, Абдулла Қодирий, Акмал Икромов, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва бошқалар советлар ҳокимияти учун курашчилар лагерига ўтдилар. Янги тузум жарчилари бўлган бу ижодкорлар Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишида ҳам, фуқаролар уруши ва ажнабий ҳарбий тажовузкорликнинг қийин йилларида

¹ М. П. Ким. Совет маданияти 40 йил ичидаги М. 1957, 189-бет.

² М. Р. Ваҳобов. Ўзбек социалистик миллати, Т., 323-бет.

1 Ижтимоий фанлар. Т. 1990. 7-сон, 38-бет.

2 Ф. Ҳўжаев. "Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат" очерклари тўпламидаги "Жадидизм" мақоласи. М. 1926. 10—11-бетлар.

пролетариатнинг тарихий ғалабаларини сақлаб қолиш учун курашда ҳам фаол қатнашдилар.

Шундай қилиб, 1917 йилга келиб, Ўрта Осиё ҳалқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмушидаги каттагина ўзгаришлар рўй берди.

Ҳамиятнинг ижтимоий-синфи тузилишида муҳим силжишлар содир бўлди. Янги синф — маҳаллий буржуазия тарих саҳнасига чиқиб, ривожлана бошлади, буржуа зиёлилари — буржуазия синфининг мафкурачилари ва шу синф манфаатларининг ҳимоячилари вужудга кела бошлади. Илгор маърифатпарвар — ҳалқчил зиёлилар ҳам пайдо бўлиб, мустаҳкамлана борди, улар мазлум синфларнинг вужудга келиб, мустаҳкамлана бошлаган пролетариатнинг, батракларнинг, кенг деҳқонлар оммаси, ҳунармандлар ва бошқа йўқсил табақаларнинг мафкурачилари ва ҳимоячилари бўлиб майдонга чиқдилар.

Инқиlobнинг ғалабасидан кейин совет ҳукумати илгари эзилган ҳалқларнинг тенгисалик ҳолатини тугатиш, мамлакатнинг барча ҳалқлари ўртасида қардошларча ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадини кўзловчи инқиlobий тадбирларни изчиллик билан амалга оширидилар.

Совет давлати мамлакатда социалистик ўзгартишларни амалга оширишга киришар экан, маданиятни ҳалққа хизмат қилириш мақсадини кўзлади. Меҳнаткашларнинг манфаатларига хизмат қиласидаги янги социалистик зиёлиларнинг катта туркумини вужудга келтириш зарур эти.

Ўзбек маърифатчиларининг гоявий мероси — миллий зиёлиларнинг ҳалқ турмушидаги ўрни, меҳнаткашлар онгини ўстириш ўйлидаги кураши ҳали ҳам етарли равишда ўрганилган эмас. Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг қандай камол топганликлари ва уларнинг гоявий-сиёсий қараашлари қандай ривожланиб борганлиги ҳам етарли даражада ўрганилмаган. Мана шуларнинг ҳаммаси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Абдулҳамид Чўлпон, Фитрат ижодида, уларнинг қараашлари, эътиқодлари эволюциясида муайян тарзда ўз ифодасини топган. Буларнинг биринчиси эртароқ ҳалок бўлган, қолганлари эса 1937—1938 йилларда қатагон қилинган ва кейинчалик вафотидан сўнг бутунлай оқланган.

Ўзбек Совет адабиётининг асосчиси ҳисобланган Ҳамза Инқиlobни кўтарики руҳ билан кутиб олди ва Маяковский каби "Менинг инқиlobим" деб фахрланди, унинг куйчисига айланди. Ҳамзанинг ишчиларга ва янги дунё бунёдкорларига қаратилган шеърлари наърадек янгради, анъанавий шарқ ада-

биётидан фарқ қилувчи янги ўзбек адабиёти туғилганидан дарак берди. Ватанпарвар шоир нафаси уфуриб турган янги қўшиқлар билан кутиб олди. Бу қўшиқлар — ўзбек шеъриятининг ўша буюк кунлар бўронидан нафас оловччи дастлабки асарларидир".

Ҳамза кураш майдонида якка ёлгиз эмас эти. Энди ошкоралик туфайли биз ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратган ёзувчиларнинг номини айта оламиз. Булар — 1926 йилда Ҳамза билан бирга эндиғина таъсис этилган "Ўзбекистон ҳалқ шоир" унвонига сазовор бўлган Муҳаммадшариф Сўғизода, атоқли маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний, ўзбек реалистик романнавислигини бошлаб берган Абдулла Қодирий, йирик ёзувчи ва олим Фитрат, хассос лирик шоир Чўлпон ва бошқалардир.

КПСС XXVIII съездидан кейин Ўзбекистон зиёлиларининг ижодий мероси ҳалққа қайтариб берилди, уларнинг пок номлари яна эъзозлаша бошлади.

Шахсга сигиниш даврида А. Қодирий миллиатчиликда, советларга қарши ҳатти-ҳаракатларда айбланган эти. Ёзувчилардан Ойбек, Шайхзода ва бошқалар унинг истеъодли ёзувчи эканлигини ва советларга қарши ҳеч қандай иш қилмаганини айтган эдилар. Қодирийнинг ўзи эса "Менинг отам "большевик" мақоласида Инқиlobга ўз муносабатини аниқ белгилаган эти. "Мен фақат шарққа озодлик ва мазлум пролетарларга баҳт келтиришини биламан", деб ёзган эти, Қодирий.

Абдулла Қодирий "Муштум" сатирик журналида ишлаган кезларида ижтимоий турмушдаги камчиликларни, эскилил сарқитларини аёвсиз фош қилди. У рус тилини жиддий ўрганиб, рус-тузем мактабини битириб чиқди. 1924—25 йилларда журналистика институтида ўқиди, 1927—1930 йилларда русча-ўзбекча лугатни тузишида, русча дарслекларни ўзбек тилига таржима қилишда фаол қатнаши. Қодирий Гоголининг "Ўйланиш", Чеховнинг "Хамелсон" ва "Олчазор" асарларини ўз она тилига таржима қилди. У Максим Горький, Алексей Толстой билан шахсан таниш эти.

Қодирий ёш ўзбек ёзувчиларини рус классик адабиётини ўрганишга чақириди, рус ёзувчиларининг ижоди ўзи учун беназир мактаб, ўзига хос дорилғунун бўлганини таъкидлади.

Усмон Носир эҳтиросли ватанпарвар ва байналмилалчи, инқиlob олий мақсадларининг жўшқин ҳимоячиси эти. "Агар ватан жангга чорласа, мен тайёрман, шинель кияман" деб ёзган эти.

Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймонов, 1897—1937 йиллар) мураккаб ва зиддиятли йўлни босиб ўтди. Унинг инқиlobдан

аввалги асарларида камбағалларнинг мاشаққатли турмушки тас-
вирланган, руҳонийлар ва бойларнинг шавқатсизлиги, халқ кул-
фатларига бепарвонлиги қораланган эди.

"Ёзгувчиларимизга мурожаат" сарлавҳали мақоласида (1915) Ҷўлпон ёзувчиларни халқ орасига киришга, унинг турмушини ўрганиб, тасвирилашга, унга кўмак беришга даъват этди. Рус зиёллиларининг, Европадаги энг яхши ёзувчиларнинг намунаси ўзек сўз санъаткорларига фидойилик ибрати бўлиб хизмат қилиши керак, деб ҳисоблади у. Ҷўлпон халқ турмушининг нуқсонларинигина эмас, яхши ижобий томонларини ҳам кўра билиш кераклигини эслатади¹.

Ҷўлпоннинг инқилоб арафасидаги асарларида замоннинг энг ўткир сиёсий муаммолари акс этди. "Туркистонлик протопов-
ларга" мақоласини Ҷўлпон "Халқ жумҳурияти" учун курашган Мирмуҳсин Шермуҳамедовни ҳимоя қилиб ёзган эди. "Шўрои
исломия" томонидан М. Шермуҳамедов ёвуз усула ўлимга ҳукм
қилинганини қоралаган Ҷўлпоннинг бу мақоласи озодлик душ-
манларига, жоҳил руҳонийларга қарши қаратилган эди.

Ҷўлпон шеърий асарлардан ташқари 1920 йилларга "Шўролар
ҳукумати ва санъати нафиса" "Қизил шарқ поезди келди",
"Шарқ уйғонмоқда" каби публицистик мақолалар ҳам ёди.
Уларда ҳокимиятининг сиёсати, унинг турли миллат ишчи ва
дехқонлари ҳақидаги ғамхўрлиги тушунтириб берилди, тарғиб
қилинди ва қўллаб-қувватланди. Жумладан, у Тошкентга этиб
келган "Қизил шарқ" тарғибот ва ташвиқот поезди —
мөҳнаткашлар дўстлиги ва қардошлиги тимсоли бўлган поезд
эканлигини таъкидлadi.

Ҷўлпон партия, совет, маданий-маърифий ва касаба таш-
килотлари фаолиятида қатнашди. 1918—1920 йилларда у "Иш-
тирокион", "Қизил байроқ", "Туркистон" газеталарида,
"Инқилоб" ойномаси ва бошқа вақтли нашрларда ишлади.
"Турк рост ойнаси"нинг масъул муҳаррири бўлди. 1921 йилда
партия уни Бухоро халқ шўролар жумҳуриятига юборди. У
серда Чўлпон "Бухоро ахбори" газетасининг адабиёт ва санъат
бўлимига мудирлик қилди, кейин Фарғонага бориб аскарлар
учун чиқарилаётган "Дарҳон" газетасида ишлади. Шу йилларда
у Туркистон жумҳурияти маориф халқ комиссарлиги илмий
кенгашининг аъзоси, "Турон" ўзек давлат труппаси ва теат-

рининг директори бўлди. 1924 йилда Чўлпон Москвада, Вахтангов
номли театрда тажриба ўрганаётган ўзек драма студиясида
хизмат қилди.

Ҷўлпон ижодиётида хотин-қизлар масаласи алоҳида ўрин тутди. Унинг "Халил фаланг", "Чўрининг исени" пьесалари,
"Ерқиной", "Муштумзўр", "Ўртоқ Қаршибоев", "Ҳужум" сингари
ўткир драмаларида шарқ аёлларининг аҳволи, уларнинг эски-
лика, ярамас одатларга қарши кураши, ижтимоий турмушдаги
фаол иштироки муаммолари зўр бадиий куч ва эҳтирос билан
тасвирилаб берилди.

1905—1917 йиллардаги маърифатпарварлик адабиёти жаб-
қасининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Фитрат Абду-
рауф Абдураҳимов, (1886—1937 йиллар) Бухоро амирлигидаги
яшаб ижод этди. Унинг "Ҳиндистонда бир фалангни ила бухоролик
бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усул жадид хусусида
қилган мунозараси" (1909), "Ҳинд саёҳи баёноти" (1911) асар-
лари, ватан тўғрисидаги "Сайха" шеърлар туркумида (1914),
Файзулла Хўжаевнинг таърифига кўра, Бухородаги феодал ту-
зуми шафқатсиз танқид қилинганди, зулм ва зўравонлик нати-
жасида хонавайрон бўлган меҳнат аҳлиниң аяичли аҳволи
тасвири этилган.

Бошқа ўзек маърифатпарварлари сингари Фитрат ҳам Ўрта
Осиё халқларини нодонлик ва жаҳолат ботқоғига олиб келган
ижтимоий сабабларни ўрганди, жаҳолатпаст руҳонийлар ва
зулмкор тузум сабабли пайдо бўлган ижтимоий мушкул
аҳволдан қутилиш ўйларини ахтарди. Унинг "Оила" (1915),
"Нажот йўли" (1919) ва бошқа фалсафий рисолаларида ин-
сонларнинг ялпи қардошлик гояси талқин этиб берилди. Бу
асарларда кўплаб халқлар ва миллатлар инсоният деб аталган
ягона оиласи ташкил этадилар, турли тилларда сўзлашувчи
ва турли туман диний мазҳабларга зътибор қилувчи барча
халқлар охир-оқибат бир оила бўлиб бирлашадилар, улар
учун нажот йўли мана шундан иборат бўлади, ялпи қардошлик
ва баҳт-саодат ана шунда бошланади, деган фикрлар тарғиб
қилинади. Демократизм билан буржуачилик ўртасидаги икки-
линишлар, хато ва зиддиятлар, муросасизлик майллари маъ-
рифатпарварлик ҳаракати учун хос эди, аммо шунга қарамай,
Фитрат сиёмосида демократик белгилар устиворлик қиларди.
Унинг гоявий ва фалсафий мазмунига кўра зўр ижтимоий
аҳамиятга молик ижоди ёш Бухоролик инқилобчиларнинг
асарларидан кўп жиҳатдан устун эди. Унинг сиёсий қарашлари

¹ Э. Юсупов, Э. Каримов. Холисона баҳо бериш вақти келди. "Ўзекистон
коммунисти" ойномаси, 1988 йил, 12-сон, 72-бет.

тengкүрлари ва маслакдошларидан олдинда борарди. Буни Файзулла Хўжаев "Бухоро инқилоби" тарихи ва "Ўрта Осиёда миллий чегараланиш" китобида алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Ёш буҳороликлар амир ҳокимиятини чеклаш масаласини кўтаргандаридан, Фитрат бу ҳокимиятни ағдариб ташлаш оқилона иш бўлади, деб ҳисоблади.

1918 йилнинг бошларидаги ёш буҳороликлар Туркистон шўро жумҳурияти билан иттифоқ бўлиб, Бухоро амирлигини смириб ташлашга илк дафъа уринидилар, аммо бу уриниш натижасиз чиқди. Файзулла Хўжаев билан Фитрат учун бу иттифоқ рамзий аҳамиятга молик бўлди. Россия ишчилари билан биргалашиб тўкилган қон, Буҳородаги инқилобнинг ривожланиш йўлини белгилаб берди, деса бўлади. Буҳоронинг меҳнаткаш халқи билан инқилобий рус пролетариати ўртасида бундан анча вакт олдин, 1917 йилдаги март воқеалари чоғидәёқ вужудга кела бошлаган иттифоқни бу қон абадий мустаҳкамлади,¹ деган эди Файзулла Хўжаев.

Фитрат 1918 йил нояброда Буҳоро компартиясига кирди, партиянинг 1919 йил июляда бўлиб ўтган биринчи съездида марказий комитетга аъзо бўлиб сайланди. Партия матбуотида, дастлабки совет мактаблари ва олий ўқув юртларида хизмат қилди, маориф институтида олий математикадан дарс берди. Туркистон жумҳуриятининг мусулмонлар бюроси назоратидаги "Чигатой гурунги" имло гуруҳига кирди. Буҳоро инқилоби ғалаба қозониб, Буҳоро халқ шўролар жумҳурияти ташкил этилганидан кейин Фитрат маориф, ташқи ишлар Вазири, Буҳоро халқ нозирлари кенгаши ва марказий ижроия комитети раисининг муовини лавозимларидан ишлади, Буҳоро Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Шундай қилиб Чўлпон билан Фитратнинг ижоди ва ҳаётни мураккаб, зиддиятли бир шароитда кечди. Улар ўзбек классик адабиётини ва хусусан Алишер Навоий ижодини ўргангандилари учун вулыгар-социологик танқидчилар томонидан туркпарат-чигатойнараст ва миллатчи деб айбландилар.

Таниқли арбобларидан бири Султонбек Хўжанович Хўжанов Туркистон ва Қозогистонда олий мақсадларини амалга оширишга ўзининг бутун онгли ҳаётини бағищлаган халқ зиёлиларидан эди. У Туркистон учун энг мураккаб масалалардан бири —

¹ Файзулла Хўжаев. Ташланган асрлар. З томли, 1-том. Тошкент. "Фан" навириёти, 1965, 156—157-бетлар.

миллий масалаларни ҳал этишда фаол қатнашди. 1920 йилнинг биринчи яримдаги воқеалар сурони, партиянинг миллий масалалари ресжалари амалга оширила бошлаганлиги қурдатли ёлтбаҳш кучни юзага келтирдики, шу туфайли ўлканинг илгор юнналарига қатъий ишонч вужудга келди. С. Хўжанов ҳам шулардан бири эди.

С. Хўжанов 1921 йилда Умумrossия Советларининг IX съездида сўзлаган нутқида Туркистон туб жой аҳолисининг саводини чиқариш, бунинг учун мактаблар очиш, маҳаллий миллат вакиллари орасидан ўқитувчилар тайёрлашга хизмат қилувчи институтлар ташкил этиш масаласини қатъий қилиб қўйган эди.

Маориф комиссарлигига С. Хўжановнинг зиммасига қийин вазифалар тушди. Инқилобдан кейинги дастлабки йилларда туб жой аҳоли учун мактаблар қурилиши шитоб билан бошланган бўлса ҳам, аммо тузукроқ моддий база бўлмаганилиги учун кейинчалик бу иш сусайиб қолган эди. Туркистонда халқ маорифини ривожлантиришнинг Советлар XI съезди делегатлари диккатига ҳавола этилган дастури халқ маорифи комиссарлиги ўйнатининг С. Хўжанов раҳбарлигига бир йил зўр гайрат билан қилган ишлари натижаси бўлган эди. Комиссарликнинг маъмурий аппарати бирмунча қисқартирилди. Кўпчилик вилоятларда халқ таълими муассасалари қайтадан рўйхатга олинди, уларнинг ҳолати, мактаб биноларига ва ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж аниқланди.

С. Хўжанов жумҳурият деҳқончилик халқ комиссари этиб тайинланганнанда ҳам мана шундай қатъий ва муросасиз мавқени эталлади. У ўзига хос зўр гайрат билан энг муҳим ижтимоий муаммоларни, ер муносабатларига ёки халқ маорифини ривожлантиришга оид нозик масалаларни зудлик билан ҳал этар эди. А. Икромов, С. Хўжановларнинг Туркистон Компартияси съездлари, конференцияларидаги, Туркистон советларининг съездларидаги маърузаларида ўлгадаги ҳақиқий аҳволга берилигтан принципиал баҳолар жамоатчиликнинг диккат-эътиборини кўндаланг бўлиб турган муаммоларга қаратар, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини ифодалар эди.

Миллий муносабатларни ривожлантириш, партиянинг миллий сиёсатини ўлкада амалга ошириш масалаларига С. Хўжанов биринчи галда илмий нуқтаи назардан қаради. ВКП(б) Марказий

Мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнининг илк босқичи

Комитети Ўрта Осиё бюросининг партия тарихи институти 1928 йилда унинг "Туркистан шўро муҳториятининг ўн йиллигига" номли китобини нашр этди. Ўз мазмунига ва муаллиф ўргатага қўйган муаммоларниң моҳиятига кўра, бу асар ўз номида ифодаланган мавзудан анча кенг ва чуқурроқ эди. 1918 йил май ойида Туркистан муҳтор ижтимоий шўролар жумҳурияти ташкил этилганини муаллиф ўлка халқларининг биринчи миллый давлати тузилиши деб билиб, уни Туркистан сиёсий ва ижтимоий турмуши ривожланиши замонида рўй берган катта воқеа, деб баҳолайди.

Мана шу хуносалар ва мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий қадр-қимматини сақлаб келмоқда.

Партияниң миллый сиёсати қоидалари ҳозир янгича идрок этилаётган ва шу муносабат билан тарих фани олдига янги вазифалар қўйган бир пайтда Совет Туркистонидаги миллый муносабатларниң қарор топиши ва ривожланиши билан шуғулланувчи мутахассислар С. Хўжановнинг бу асарини яна бир бор чуқур ўрганиб чиқишилари, унинг умумий тарихшунослик жараёнидаги аҳамиятини белгилашлари лозим, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, ижтимоий турмушидаги туб социал-иқтисодий ўзгартишлар зиёлilarниң онгидаги ҳақиқий кескин бурилиш бўлишига олиб келди, бу нарса аввалига мафкура соҳасида, кейинчалик эса ижтимоий аҳвол-руҳиятда ва маънавийлидага намоён бўлди. Зиёлilarниң онгидаги эски худбинлик, майда буржуалик руҳияти ва хурофотлари аста-секин барҳам топиб, унинг ўрнига илмий-материалистик дунёқараш қарор топа борди.

Инқиlob арафасида ўзбек маърифатпарварларининг майдонга келиб, камол топиши, уларниң гоявий-сиёсий мавқеи шаклланиши ўзига хос зиддиятли тусда бўлди, ўлка капитализмни четлаб, социализмга ўта бошлаган даврнинг хусусиятлари бунига таъсир қилган эди. Социалистик қурилиш жараёнидаги қариндошуругчилик, феодал мафкурасига қарши, миллатчиликка, шовинизмга, маҳаллийчilikка, гуруҳбозликка қарши кураш олиб боришига тўғри келди.

Маърифатпарварларниң асарлари меҳнаткашларниң онгини ўстириш учун катта аҳамиятга эга бўлди, гоялар ва фикрлар кураши муҳитини акс эттириди, социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга муқобил ёндашувларни кўрсатиб берди.

Инқиlobниң ғалабасидан сўнг Совет жумҳурияти мамлакатни социалистик негизда ўзгартириш, шу жумладан маданий инқиlobни рӯёбга чиқариш дастурини амалга ошира бошлади. Буржуа зиёлilarни Совет ҳокимияти тарафига жалб қилиш билан бирга, саводсизликни тутатиш, халқ таълимни тизмасини вужудга келтириш, халқнинг маданий савиясини ошириш, маданият ходимлари кадрларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган вазифалар мажмуи ҳал этилиши зарур эди.

Маданий инқиlobниң бош вазифасини, маданиятни чинакам халқники қилишдан, бутун меҳнаткашлар оммасининг умумий таълим ва маданий савиясини қатъян оширишдан, халқ истеъоддлари учун тўла уфқ очишдан, халқнинг ижодий кучларини тўла равнақ топтиришдан иборат, деб билган эди.

Ўтган даврларда инсоният яратган жамики энг яхши қадриятларни ўзига сингдириб олган янги маданиятни қарор топтириш учун шароит ва имкониятлар вужудга келтирилди.

Лайниқса миллый чекка ўлкалардаги маданий қурилиш йўлида биринчи қадамлар бениҳоя қийин шароитда қўйилди: иқтисодиёт, моддий маблағлар етишмас эди. Маданий қолоқликни тутатиш учун вақт керак эди, ўқимишли кадрлар зарур эди, кўп маблағ сарфланиши керак эди. Ўзбекистон шароитида эса бу вазифаларни ҳал этиш айниқса қийин кечди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўрта Осиё минтақасининг бошқа жумҳуриятлари каби Ўзбекистонда ҳам маданий қурилишини амалга оширишда жиҳдий хатоларга ва янгилишишларга йўл қўйилди. Инқиlobdan аввали даврда ўзбек халқи ёппасига саводсиз эди, деган даъво мана шундай янгилишишлар жумъласига киради. Сиёсат соҳасидаги баъзи бир тиришкоқ амалдорлар шу йўл билан Октябрь инқиlobининг ўзбек халқи тарихий тақдирдаги аҳамиятини ошириб кўрсатмоқчи бўлди.

Ҳақиқатда эса туб жой аҳолининг саводлилик даражаси тўғрисида айrim маъризуаларда, адабиётда келтирилган маълумотлар 1913 йилда рус-тузем мактабларида ўқиган кишиларни гина назарда тутар эди. Ҳолбуки, маҳаллий аҳоли орасидан эски мактабларда, мадрасаларда таълим олган, араб ва форс тилларни яхши билган, китобларни ўқиган, ёзган ва кўчириб ёзган ҳусниҳат кишилар ҳисоб-китоб маълумотларида кўрсатилганидан анча кўп эди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди, чунки

қадимий ва бой маданиятга эга бўлган ҳалқнинг ривожланишини бутунлай тўхтаб қолиши мумкин эмас эди.

1887 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Туркистонда саводхонлик 19—55 фоизни ташкил қўлган эди.

Шунга қарамай, туб жой аҳолисининг ҳақиқий саводхонлик даражаси анча паст эди. Шу сабабли инқилоб ғалабасидан кейинги дастлабки йилларда Совет Шарқидаги маданий қурилишда ўтмиш даврларнинг аянчли месроси — аҳолининг саводсизлигини тугатиш энг муҳим вазифа бўлди.

Меҳнаткашлар оммасининг саводини чиқармай туриб, уни кенг миёсда социалистик қурилишга жалб қилиб бўлмас эди. Шу сабабли 1919 йил 26 январда Россия Федерацияси Ҳалқ комиссарлари кенгаши аҳолиси орасидаги саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет чиқарди. Шу декрет асосида Туркистон мухтор ижтимоий шўролар жумҳуриятининг Ҳалқ комиссарлари кенгаши 1920 йил 17 сентябрда "Туркистон МИШЖ аҳолиси орасидаги саводсизликни тугатиш тўғрисида" чиқарган декретга биноан 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган жами саводсиз аҳоли саводини чиқариши, саводли аҳоли эса ўқиши давом эттириши лозим эди.

Уша йил 26 декабрь куни Туркистон МИШЖла саводсизликни тугатиш юзасидан фавқулодда ҳукумат комиссияси, вилоятларда эса вилоят комиссарлари тузилди. 1920 йил ёзда жумҳуриятининг барча вилоятларидаги комиссиялар ҳузурида ташкил этилган ячейкалар бутун ўлкада "маориф ҳафталари"ни ўтказди. Бутадирида шаҳарлар ва қишлоқларнинг жамики жамоатчилиги кенг миёсда иштирок этди.

1920 йилда Туркистон Маориф ҳалқ комиссарлиги ҳузурида маҳаллий миллатлар учун арифметика ва она тили дарслекларини тайёрловчи ҳайъатлар тузилди. Уша йилнинг ўзида ўзбек тилида минг нусхада ўқиш китоби, қозоқ тилида 50 минг нусхада, бошқа миллатларнинг тилларида 30 минг нусхада мана шундай китоблар чиқарилди.

Маҳаллий аҳоли орасидаги саводсизликни тугатиш оммавий ҳаракати шу тарзда бошланган эди. Туркистоннинг ҳамма жойида саводсизликни тугатиш кечки курслари очилди. 1921 йилнинг ўзида Тошкентдаги турли идоралар, клублар ва мактаблар ҳузурида салкам 100 та кечки курс иш бошлади. Ўқиши ва ёзиши ўрганган 70 минг кишининг 70 фоизи маҳаллий аҳоли вакиллари эди.

Инқилоб ғалаба қозониши биланоқ собиқ Маориф вазирлигининг маҳаллий маҳкамаси тугатилди, Туркистон Маориф ҳалқ комиссарлиги тузилди. 1918 йил март ойининг охириларида вилоят

халқ таълими кенгashi ва жойларда унинг бўлимлари ташкил этилди.

Шўро ҳукумати мутаассиб унсурларнинг қаршилигини енгиб, мактаб таълимини бутунлай қайтадан қурди.

Туркистон Компартияси I съездининг маҳаллий аҳоли тилини тин олиш тўғрисидаги қарорига биноан биринчи босқич мактабларida рус тилини ўргатиш билан бирга, ҳамма дарслар фақат она тилида олиб борилиши белгилаб қўйилди. Илгари эзилган Туркистон ҳалқларининг фарзандлари она тилида бемалол ва бепул таълим ола бошладилар. "Бундан буён ўқишини истаган барча кишилар Туркистон жумҳуриятининг ҳар қандай мактабига кириб ўқишлиари мумкин", — деб таъкидланган эди Туркистон Ҳалқ комиссарлари кенгашининг "Ягона умумий мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги 1918 йил 14 май бўйругида.

Яхши тайёрланган муаллимлар бўлмаса, мактаб таълими тизмасини ўзгартириб бўлмас эди. Шу сабабли шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида жаҳолатдан, нодонлик ва биқиқликтан қутилишда ҳалиқа ёрдам қиласидан ҳалқ ўқитувчиларини тайёрлаш социалистик маориф тизмасини ва мактаб қурилишини барпо этиш ҳамда ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларидан бири эди.

Туркистонда бу муаммони ҳал этиш жуда қийин эди, чунки бу сарда мамлакатнинг марказий вилоятларидаги каби ўқитувчи кадрлар тайёрлаш тажрибаси йўқ эди. Инқилобдан кейин Россияда тажрибали муаллимлар ишга жалб қилинган бўлса, Туркистонда бундай имконият жуда чекланган эди. 1917 йил октябрига қадар шу бепоён ўлкада фақат битта дорилмуаллим — ўқитувчилар семинарияси бўлиб, унда 38 йил мобайнида бошлангич рус ва рус-тузем мактаблари учун бор-йўғи 450 нафар ўқитувчи тайёрланган эди.

Туркистон Коммунистик партияси ва ҳукумати бу муаммога катта аҳамият бериб, уни ҳал этишининг икки йўлини инқилobдан аввалги умумий таълим ўқув юртларининг ўқитувчиларини қайta тарбиялаб, уларни Совет ҳокимияти тарафига ўтказиб олиш ҳамда маҳаллий миллат ишчи ва деҳқонлари орасидан янги муаллимлар тайёрлаш йўлларини ишлаб чиқдилар.

Партияниң эски зиёли мутахассисларга муносабат соҳасидаги сиёсатни амалга ошириши натижасида инқилobдан аввалги мактаблар, гимназиялар ва билим юртларининг кўпчилик ўқитувчилари меҳнаткаш ҳалқ томонига ўтиб, янги ташкил этилган шўро мактабларидан ишлай бошладилар. Аммо улар жуда оз эди, шу сабабли янги жамият қуришга фаол

киришишга тайёр бўлган ўқитувчи кадрларни тайёрлашга асосий эътибор берилди.

Туркистонда ўқитувчи кадрлар тайёрловчи қисқа муддатли курслар ташкил этилганлиги муаллимлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги биринчи қадам бўлди. Бу вазифа ўлка Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида 1918 йил 10 июль куни тузилган 18 кишидан иборат "Маориф комиссияси" зиммасига юклатилди.

1918 йилнинг ёзидаёқ Самарқанд, Фарғона, Наманганд, ўлканинг бошқа йирик шаҳарларида 6—12 ойдан тортиб, бир ярим йилгача муддатда таълим берадиган ўқитувчилар курслари ишлай бошлади. Тошкент жумҳуриятнинг янги мактабларида ишлайдиган муаллимларни тайёрлаш маркази бўлиб қолди. Бу ерда 1918—1919 йилларнинг ўзида учта педагогика курси, ўзбек муаллимлари тайёрлайдиган олти ойлик ўлка курси ва Туркистон ўқитувчилар семинарияси ташкил этилди. Тингловчиларни мактабларида ўқитишини янги усуслари билан, ягона меҳнат мактабининг қоидалари ва вазифалари билан таништириши лозим бўлган қайта тайёрлаш курслари кўпайтирилди. Муаллимлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида асосан ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари шуғулланар эди. 1918 йилдан 1921 йилгача ҳаммаси бўлиб 3,5 мингдан кўпроқ маҳаллий миллат йигитлари тайёрлов курсларини битириб чиқишиди.

Тошкентлик муаллимларнинг ташаббуси билан 1918 йилда халқ дорилғунунлари барпо этилди. Самарқанд, Кўқон ва бошқа шаҳарларда ҳам бирин-кетин мана шундай илм даргоҳлари пайдо бўла бошлади.

1918 йил 14 ноябрда Туркистон мухтор ижтимоий шўролар жумҳуриятининг Маориф халқ комиссарлиги туб жой аҳоли орасидан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш тўғрисида қабул қилган қарорда курсларнинг тингловчиларига ҳар ойда стипендия бериб туриш кўзда тутилган эди. Мазкур комиссарликнинг 1919 йил 19 ноября чиқарган қарорида ўлканинг турли вилоятларида муаллим кадрлар тайёрлайдиган масканларни кенгайтириш ва кўпайтириш орқали Татаристондан Туркистондаги миллий мактаблarda ишлаш учун 300 нафар муаллим чақириши кўзда тутилган эди, Туркистон мухтор ижтимоий шўролар жумҳуриятининг халқ комиссарлари кенгашидан Маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига сабиқ ўқитувчилардан икки фоиз хизматчини ажратиш, ҳарбий органлардан мактабларнинг барча муаллимларини армиядан бўшатиш ўзимос қилинган эди. Бу қарор

мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Шундай бўлса ҳам, ўқитувчи кадрлар асло етишмас эди. 1919 йилнинг мартада Туркистон Советларининг VII Фавқулодда Ўлка съездиде миллӣ ишлар секцияси Туркистонда таълимни ривожлантириш соҳасида жиддий талабларни ўртага қўйди. Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш учун педагогика ўқув юртларини қисқа муддатда очиш ва бунинг учун марказдан Россияда таълим соҳасидаги ишнинг йўлга қўйилиши билан танишиш учун мутахассислар таклиф этиш, жойлардан марказга муаллимларни хизмат сафарига юбориш, жумҳуриятнинг ҳамма жойида янги мактаб қуриш ишларини бошлаб юбориш, русча ўқув қўлланмаларини маҳаллий тилларга таржима қиласиган маҳсус комиссия тузиш, маҳаллий тиллардаги дарсларни босиб чиқариш учун босмахона ўюштириш, хотин-қизлар учун маҳсус ўқув юртлари очиш, қаровсиз болалар учун ҳунар мактаблари очиб, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш, ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар учун бинолар қуриш, халқ таълимининг бюджетини кўпайтириш шу талаблар жумласига киради. Туркистон советларининг шу съезди мазкур талабларни бажариш чора-тадбирларини белгилади.

1920 йилдан бошлаб ўқитувчилар тайёрлаш сифатига эътибор кучайтирилди, ўқитувчилар тайёрланадиган курсларда дарслар режа асосида ўtkазила бошлади. 1920 йил 16 март куни Маориф халқ комиссарлиги бундан бўён ташкил этиладиган ўқитувчилар тайёрлаш курсларидаги таълим муддатини камида бир йилгача узайтириш ҳақида қарор чиқарди.

Дастлабки қисқа муддатли курсларнинг кўпигина ўқувчилари кейинчалик ажойиб муаллимлар бўлиб етишдилар.

Бироқ мактаблар қурилиши жадал суръатлар билан авж олиб кетганлиги сабабли тайёрланган бу ўқитувчи кадрлар етарли эмас эди. Бунинг устига қисқа муддатли курсларда ўқитилган муаллимларнинг малакаси жуда паст эди. Шу сабабли малакалироқ ўқитувчи кадрларни тайёрлаш учун туб жой аҳоли учун ўрта доимий педагогика ўқув юртлари — уч йиллик педагогика билан юртлари ва техникумлари, тўрт йиллик Маориф институтлари маҳсус ташкил этила бошлади.

1920 йил 2 декабрда Туркистон Халқ комиссарлари кенгаши Тошкентда халқ таълими соҳасида малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш учун маориф институтини очиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу институт 1918—1919 йилларда очилган қисқа муддатли ўқитувчилар курслари негизида ўюштирилди. Самарқанд ва

Қўқонда ҳам шундай институтлар вужудга келтирилди. 1920 йил охиригача Ўзбекистон ҳудудида бешта маориф институти барпо этилди. Уларда маҳаллий миллатларга мансуб 750 нафар бўлгуси муаллим таълим олар эди.

Маориф институтларида дарс бериш учун энг яхши педагогларни жалб қилиш мақсадида Туркистон мухтор ижтимоий шўролар жумҳурияти Халқ комиссарлари кенгашининг 1920 йил 3 декабрь буйрги билан маориф институтларининг муаллимлари Туркистон давлат дорилфунунининг педагогларига тенглаштирилди.

Шундай қилиб, 1917—1920 йилларда янги ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва кекса кадрларни қайта тайёрлаш айниқса кучайтирилди. Шу даврда 1939 ўқитувчи тайсрланди, улардан 1796 киши ўзбеклар эди.

1921 йилнинг бошларида ўлканинг турли жойларида тўққизта мана шундай ўқув юрти — иккита педагогика билим юрти ва еттита маориф институти бор эди. Улардаги дарслар ўзбек, тожик, қирғиз, татар ва рус тилларида олиб бориларди. Уларда 1820 киши таълим олар эди. Ўқувчиларнинг 90 фоизидан кўпроғи маҳаллий меҳнаткашларнинг фарзандлари эди. Доимий педагогика ўқув юртларининг талабалари давлат томонидан моддий таъминланар эди.

Халқ маорифи педагогика билим юртлари, техникумлари ва институтлари ўқитувчиларнинг янги авлодини вояга етказишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1920 йилда Туркистонда 9 минг ўқитувчи бўлиб, улар ўлкада янги меҳнат мактабини барпо этиш соҳасида фидокорона ишлар эди. Меҳнаткашлар оммаси орасида бошлангич таълимни йўлга қўйишда ҳам уларнинг хизмати катта бўлди.

Халқ маорифи ривожлана борган сайин ўзбек ҳалқи турмушида чуқур сифат ўзгаришлари рўй бериб, Ўзбекистонда совет зиёлилари камол топишида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бироқ совет зиёлилари кадрларини тайёрлаш муаммолини тубдан ҳал қилиш кенг меҳнаткашлар оммаси учун хизмат қиласидан олий ўқув юртлари тармоғини барпо этишга ва ривожлантиришга боғлиқ эди.

Бу иш мамлакатнинг миллий районлари, шу жумладан Туркистон учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бироқ Туркистон тарихий тараққиётининг ўзига хос шаротлари муайян қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Инқилобга қадар бу ерда саноқли муаллимлар ишлайдиган

бир-икки профессионал техникумни ҳисобга олмаганда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари йўқлиги миллий кадрлар тайёрлаш вазифасини ҳал этишини қийинлаштирадар эди.

Ўша йилларда Тошкентда почта ва телеграф ходимларини тайёрлайдиган еттита курс, тиббиёт техникуми ва еттита тиббиёт мактаби бор эди. Уларда 2754 киши таълим олар эди.

Мана шу ўқув юртлари малакали мутахассис кадрларга бўлган ва йил сайин ошиб бораётган эҳтиёжни қондира олмаслиги табиий эди. Ҳолбуки Туркистон учун бу муаммонинг ҳал этилиши зўр ҳалқ ҳўжалиги ва сиссий аҳамиятга эга эди.

1918 йил 9 март куни Туркистон МИШЖ Халқ комиссарлари кенгashi Тошкентда ҳалқ дорилфунунини, политехника институтини таъсис этиш ва шу олий мактабларнинг эҳтиёжлари учун 2 миллион сўм пул ажратиш тўғрисида фармойиш чиқарди¹.

1919 йил баҳорида Тошкент ҳалқ дорилфунун очилди.

1920 йилда маҳаллий миллий зиёлилар иштирокида барпо этилган дорилфунун ҳақидаги маълумотлар айниқса диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Туркистонда маърифатнинг ривожланиши бир неча босқичдан ўтди. Ўтмишда дорилфунун мақомида бўлган мадрасалардан жаҳонга машҳур олимлар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқди, бу илм-фан масканлари дунё маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. XI асрда (1010 йилда) Хоразм шоҳи Абу Набос Машун Урганчда дорилфунун (Фанлар академияси)ни очди. Бу ерда Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий ва бошқа таниқли файла-суфлар, тарихчилар, математиклар, ўша даврнинг фан ва маданият арбоблари илмий тадқиқот билан шуғулландилар. Европада эса биринчи Фанлар академияси Англияда 1162 йилда, Россияда 1724 йилда ташкил қилинди.

Бироқ XX асрнинг 20-йилларида ўлка дорилфунунининг мусулмон бўлимига асос солтган кишилар ва кўпчилик муаллимлар ҳалқ душманлари, миллатчилар деб эълон қилинди. Улардан кўпларининг тақдиди ҳамон маълум эмас. Мусулмон бўлимининг раҳбари — таниқли олим ва ёзувчи, шоир Мунаввар Қори 1929 йилда қамоқча олиниб, отиб ташланди.

Москвадан Тошкентга етиб келган махсус "дорилфунун поездли"даги бир гуруҳ профессорлар, муаллимлар ва бошқа хо-

¹ ЎзССР марказий давлат архиви. Ф. Р-25. оп. I. д-115, л 66.

димлар Туркистон дорилғуунуда таълим-тарбия ишларини оврупча усулда ташкил этди. 1920 йилда ёк бу ерда 1314 талаба бор эди.

Жойларда мутахассислар тайёрлаш юзасидан кўрилган чоратадбирлар, жумҳурятни муҳандис-техника кадрлари билан таъминлашда марказнинг берган ёрдами туфайли Туркистон халқ хўжалигига 1920 йилда олий ва ўрта маълумотли 1289 киши ишлар эди.

Малакали агроном, ирригатор, зоотехник кадрлар тайёрланиб, уларга чуқур илмий билимлар ва амалий иш тажрибаси ўргатилғанлиги Ўзбекистон қишлоқлари қиёфасини ўзгартириш ва деҳқончиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлди.

Шу мақсадда жумҳурият халқ хўжалиги ва маданиятининг барча тармоқлари учун мутахассислар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар зудлик билан ташкил этилди. 1917—1918 йилларда Тошкент, Самарқанд ва Кўқонда мана шундай курслар очилди. 1917 йилда маҳсус гидротехника курси ташкил этилди. Орадан бир йил ўтгач, уларнинг ўқув дастурига, дарс бериш усулига ўзгартиш киритилиб, Туркистон политехника курси деб атала бошлади.

1918 йилда ТМИШЖ Халқ комиссарлари кенгаши ўлкада қишлоқ хўжалиги ўқув юртларини ташкил этиш режасини ишлаб чиқди, шу режага мувофиқ 1918—1919 йилларда жумҳуриятнинг барча шаҳарларида турли профилдаги қишлоқ хўжалик ўқув юртларини очиш белгиланган эди.

Мамлакатни идора қилиш ва хўжалик қурилишини бошқариш учун бошқариш техникасини биладиган, давлат ва хўжалик ишларида тажрибаси бўлган кишиларга амал қилиб, Бутунrossия марказий ижроия комитетининг 1920 йил 29 январь декретига биноан бош ҳунар-техника таълими комитети тузилди. Унга мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари тармоғини ташкил этиш вазифаси топширилди. Ўлкамизда бу ишни Туркистон ҳунар-техника таълими комитети ўтказди.

ТМИШЖнинг кўпгина шаҳарларида қишлоқ хўжалик техникиумлари, ҳунармандчilik, темир йўл мактаблари, курслари, билим юртлари очилди. Халқ хўжалигини қайта тиклаш даври бошланган пайтда ўлкамиздаги 32 та мана шундай ўқув юртида 3170 киши таълим олар, уларнинг 200 га яқини туб миллат вакили эди. 1920 йилдан эътиборан уларнинг асосида педагогика, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги техникиумлари тузила бошлади. 1919 йилнинг бошларида ёк турли курслар негизида ташкил

қилинган Туркистон халқ техникуми қишлоқ хўжалиги, техника қурилиши ва меморчиллик бўлимларидан иборат эди. Туркистон гидротехника курси ҳам унинг қарамогига топширилган эди. Ўқув ишни яхшилаш учун малакали мутахассислар техникумга таклиф этилди.

1920 йилга келиб, Ўзбекистон ҳудудида 20 та ҳунар мактаби ва 11 та қисқа муддатли курс очилди, улар халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаб берди.

1920 йил сентябрда Тошкентда педагогика институти очилди, унга К. А. Тимирязев номи берилди. 1921 йилда институт Туркистон давлат дорилғууну таркибига педагогика факультети бўлиб кирди.

20-йилларнинг бошларида техникумларни ва кўпдан-кўп курсларни битириб чиқсан дастлабки мутахассислар жумҳурият халқ хўжалигига ва маданият муассасаларига келиб ишлай бошладилар. 1920 йилда ўлка халқ хўжалигининг турли тармоқларида 1239 мутахассис ишлар эди. Улар орасида 345 нафар технолог, 105 нафар йўлчи мухандис ва техник, 56 нафар кон мухандиси ва техники, 172 нафар қурувчи мухандис ва техник, 34 нафар электрик мухандис ва техник, 85 нафар механик, 70 нафар гидротехник, 15 нафар кимёгар, 357 нафар агроном ва ер ўлчовчи бор эди.

Ёш мамлакат олдида муҳим халқ хўжалиги вазифаларини амалга ошириш муаммоси турарди: мамлакатни электрлаштириш, янги-янги заводлар қуриш, саноатнинг замонавий техника ва илгор технология билан жиҳозланган мутлақо янги тармоқларини барпо этиш керак эди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий ходимлар кўплаб керак эди. 1920 йилда ёк жумҳуриятда илм-фани ривожлантириш эҳтиёжларига 3 миллион 361 минг сўм ажратилди.

Ҳокимиятнинг дастлабки йилларида ўша давр миқёсларига кўра катта илмий-тадқиқот муассасалари тармоғи барпо этилди, уларнинг бутун диққат-эътибори халқ хўжалиги учун катта аҳамиятта эта бўлган назарий муаммоларни ишлаб чиқишига қаратилди.

15 та илмий жамият ташкил қилинди, уларнинг таркибига асосан рус олимлари — шифокорлар, археологлар, этнографлар, табииётчилар киради эди.

1918 йилнинг марта ёк буржуа зиёлиларини ишга жалб қилиш энди навбатдаги етук ва зарур вазифа эди. Шу сабабли

буржуазия орасидаги олимларни жалб қилиш янги илмий зиёлиларни камол топтиришнинг энг амалий йўли эди. Эски илмий педагог зиёлиларнинг намояндадаридан В. И. Романовский, А.А. Семенов, М. С. Андреев, М. И. Слоним, П. Ф. Боровской, А.Д. Греков ва бошқа кўп олимлар Ўзбекистоннинг янги совет илмий зиёлиларини вояга етказишда анчагина иш қўлдилар.

Илмий педагог кадрлар етишмаслиги сабабли Туркестон Марказий ижроия комитетси 1920 йилнинг апрелида мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини юксалтириш, олий техника, тижорат, ўқув ва шифолаш ходимларининг билимлари ҳамда тажрибасидан ишдан бўш вақтда маслаҳат бериш, тажриба ўтказиш ва муайян топшириқларни бажариш учун ўриндошлик юзасидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳокимиятнинг дастлабки йилларида жуда катта қийинчиликларга қарамай, бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам тиббиёт ходимларини тайёрлаш алоҳида муҳим аҳамиятга эга эди. Ёш давлат тиббиёт муассасалари тармогини барпо этиш, кадрлар тайёрлаш, тиббиёт фанини ривожлантириш соҳасида режали иш олиб борди. Бу ерда ҳалқ соглигини сақлашни ташкил этиш йўлида катта қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келди.

Инқилобга қадар Туркестондаги 5 миллион аҳолига 65 та дўхтирихона ва 997 ўринли 39 та касалхона бор эди. 102 шифокор ва 234 ўрта малакали тиббий ходим хизмат кўрсатар эди. 100 минг кишига 0,3 шифокор тўғри келарди. Подшо ҳукумати Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган вақтда соглиқни сақлаш соҳасида деярли ҳеч нарса қўлмади. Шифокорлар, тиббиёт ходимлари мутлақо тайёрланмас, илмий тадқиқот иши йўлга қўйилмаган эди.

Тиббиёт кадрлари етишмаслиги ва санитария маорифи йўқлиги, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари кўрилмаслиги оқибатида аҳоли орасида жуда оғир юқумли касалликлар тарқалганлиги ва 10 минглаб кишилар беҳуда нобуд бўлганлиги тасодифий ҳол эмас эди.

Туркестон ҳукумати ўлканинг хўжалик ва молиявий аҳволи оғир бўлсада, ҳалқ соглигини сақлаш учун катта маблагф ажратди. Жумладан, 1918 йилнинг апрелида Туркестон Ҳалқ комиссарлари кенгаши Чимёнда санаторий очиш учун зарур маблагни берди. Ҳокимиятнинг дастлабки йилларида айниқса жумҳуриятнинг олис вилоятлари учун туб жой аҳоли орасидан ўрта малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашга катта эътибор қаратилди. 1918 йилда Тошкентда ўрта тиббиёт мактаби деб аталган ўқув юрти очилиши

бунга асос солди. Мазкур мактаб негизида Охунбобоев номли билим юрти барпо этилди.

Уруш даврининг бениҳоя қийинчиликларига қарамай, шу даврда Самарқандда, Қўқонда ва жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларида даволаш муассасалари очилди.

Маҳаллий ёшларни мамлакатнинг марказий олий ўқув юртларига юбориш тиббиёт кадрлари сафини тўлдиришнинг бошқа бир манбаи бўлди. Бошқа шаҳарларга бориб ўқиганларга оширилган стипендия тўланди ва катта имтиёзлар берилди.

Шу орада Туркестоннинг ўз олий тиббиёт ўқув юртларини ташкил этиш зарурлиги сезила бошлади.

1920 йилнинг майида Тошкент олий тиббиёт мактаби Туркестон давлат дорилғунунининг тиббиёт факультетига айлантирилди. Уни ташкил этишда мамлакатни бошқа шаҳарларидан келган профессорлари ва муаллимларининг аҳамияти катта. Шу тарпиқа Туркестонда олий тиббиёт таълимини ривожлантиришга асос солинди ва шўролар Шарқида тиббиёт кадрларини тайёрлаш учун пухта замин яратилди.

Шу йилларда ўзбек адабиёти ривожлана бошлади. У ўзбек классик адабиёти ва ҳалқ оғзаки ижодиётининг энг яхши анъаналари руҳида, қардош ҳалқлар илгор маданиятининг хайрли таъсири остида ривожланди.

Шу даврда "соғ санъат" назарияларига ҳам, ўтмишининг илгор меросига менсимай қараш ҳолларига ҳам қарши кескин кураш олиб борилди, адабий асарларда ватанпарварлик, инсонпарварлик ва байнамилалчилик гоёлари акс эттирилди.

Фуқаролар уруши давридаги ўзбек адабиёти инқилоб ва унинг галабаларини мадҳ қилиш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлидаги тинч бунёдкорлик меҳнати завқини тасвиrlаш руҳи билан сугорилган эди.

Шу даврдаги ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири — кўп асрлик анъанага эга бўлган шеърият устун равиша ривожланганлиги аста-секин сиёсий, ватанпарварлик руҳидаги асарлар пайдо бўла бошлаганлигидир. Драматургия ҳам вужудга келиб, ривож топа бошлади. Том маънодаги реалистик насрчилик шу давргача яхши ривожланмаганлиги сабабли кейинги дастлабки йилларда ҳикоя, қисса ва романлар пайдо бўла бошлаганлиги катта ютуқ ҳисобланди.

Инқилобдан кейинги дастлабки йиллар ўзбек шўро адабиётида истеъододли ёзувчилар майдонга чиқди. Ҳамза билан Айний улар орасида алоҳида ўрин олар эди.

Ўзбек шўро адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

ўтмиш адабий меросининг энг яхши хислатларини чуқур ўрганиб ва унга танқидий муносабатда бўлиб, шаклан ва мазмунан замон руҳига мос келадиган асарлар яратди.

Инқилобдан аввал адабиёт майдонида тетапоя асарлар ёза бошлаган Завқий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийларнинг совет давридаги ижоди ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик.

Бухорода туғилиб ўсган Маҳмуд Беҳбудий кўпдан-кўп шеърлар, пьесалар, икки юздан ортиқ илмий асар ёзди. Шу тариқа у аср бошларида Ўрта Осиё маърифатпарварларлик ҳаракатининг атоқли намояндадаридан бирига айланган эди. Беҳбудий биринчилардан бўлиб, Россиянинг миллий чекка ўлкаларда миллий тилларни ривожлантириш ва уларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши масалаларига ётибор берди. Унинг ёзувчи, тарихчи ва географ сифатида қолдирган мероси ҳали чуқур ўрганилиши лозим. У шахсга сифиниш қурбони сифатида қамоқца олинаётган пайтда "ҳақиқат эгилади-ю, аммо синмайди" деб айтган гапи Беҳбудий ижодиётини тушуниш калити деса бўлади.

Муҳаммадшариф Сўфизода халқ орасида жуда машҳур шоир эди. Унинг асарлари ватанимиз адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олди. Ҳамзанинг юртдоши ва дўсти бўлган Сўфизода ўзбек шўро адабиёти асосчиларининг дунёқарашига кўп жиҳатдан таъсир ўтказганлигини ўз замонининг тадқиқотчилари таъкидлаб ўтгандар.

Ҳозир Бухоро яҳудийлари адабиёти намояндадарининг асарлари нашрга тайёрлаб қўйилган. СССР ёзувчилари биринчи съездининг делегати Я. Оқиловнинг ижоди улар орасида айниқса диққатга сазовордир.

Хоразмнинг дастлабки шўровий адаблари — Сафо Муганий билан Комил Девоний асарлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шоир, драматург, театр арбоби ва таржимон Хуршиднинг покноми тикланмоқда. Уни ҳақли равища ўзбек мусиқали драмасининг асосчиси дейиш мумкин. Ўзбек миллий кинематографијасининг қалдиргоч намояндаси бўлган Сулаймон Хўжаевнинг турмуши ва ишлари ҳақидаги ҳикоя жумҳурият жамоатчилиги учун бамисоли бир кашифиёт бўлди.

Шу даврда янги адабиётни ривожлантириш йўлида қийинчиликлар кўп эди, жумладан, жаҳон ва рус адабиётини чуқур ўрганган, Шарқ халқлари адабий меросини мукаммал биладиган, сиёсий ва назарий жиҳатдан етук кадрларни тарбиялаб, вояга етказиш йўли билангина том маънодаги янги реалистик адабиётни барпо этиш мумкин эди. Фуқаролар уруши шароитида бу

соҳада катта силжишларни кутиш амри маҳол бўлганлиги табини. Адабиётимизни олга силжитадиган забардаст ёзувчиларни юнга етказиш келажакнинг иши эди.

Жумҳуриятда журналист кадрларни тайёрлашни яхшилаш учун қатъий чора-тадбирлар кўрилди. Туркистон компартиясининг 1918 йил июнда бўлиб ўтган I съезди партия ва янги матбуот ишини янада яхшилаш ҳақида маҳсус қарор қабул қилди.

Варча журналист кадрларни ташкилий жиҳатдан бирлаштириш, улар ўргасидаги ишни кучайтириш учун мазкур қарор асосида Туркистон журналистлари уюшмаси тузилди. Уюшма қулурида туб жой миллатларнинг меҳнаткашлари орасидан журналист кадрлар тайёрлайдиган секция ташкил этилди. Бу секция маҳаллий матбуот ходимлари учун мунтазам равишда семинарлар, курслар уюштириб турди.

Рўзномалар ва ойномаларнинг таҳрир ҳайъатлари таркиби қайта кўриб чиқилди, миллатчилик кайфиятидаги айрим ходимлар матбуот нашрларидан четлаштирилди ва уларнинг ўрнига тажрибали журналистлар тайинланди. Чунончи, 1919 йил февралида таниқли жамоат арбоби, А. Авлоний "Иштирокиён" рўзномасининг бош муҳаррири этиб тайинланди. У рўзноманинг мазмунини яхшилади, мафкуравий йўналишини кучайтириди.

1920 йил июнида Тошкентда матбуот ходимларининг I конференцияси ўтказилиб, унда ёш журналист кадрларнинг фаолияти, уларнинг сиёсий жиҳатдан ўсиши масаласи муҳокама қилинди. Анжуманда Туркистон нашриётчилик марказининг фаолияти ва матбуот ходимлари олдida турган вазифалар тўғрисидаги маърузалар тингланди. Мазкур марказнинг фаолиятини яхшилаш, маҳаллий мабуот нашрлари учун журналистлар тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Туркистон муҳтор ижтимоний жумҳуриятининг маориф халқ комиссарлиги журналист кадрларга эҳтиёж кучли эканини ётиборга олиб, 1920 йилнинг марта Ташкентда матбуот ходимларини тайёрлаш курсини очди.

РКП (б) Туркистон бюросининг 1920 йил 31 август куни бўлиб ўтган мажлисида журналист кадрлар тўғрисидаги масала алоҳида муҳокама қилинди. Меҳнаткашлар орасида партияви ташвиқотчилик ишини кучайтиришга, маҳаллий журналист кадрлар тайёрлашни кенгайтиришга қарор қилинди.

1920 йилнинг декабрида Туркистон ўлкаси матбуот ходимларининг биринчи қурултойи бўлди. Унда инқилобдан кейинги уч Йиллик даврда матбуот ходимларининг фаолияти якунланди.

Матбуот ходимлари қурултойининг қарорида шўро қурилиши вазифаларини кенг оммага доимо тушунтириб бориш, маҳаллий фирмә, касаба уюшма ва ширкат ташкилотларининг фаолиятини мунтазам ёритиш, уларнинг ишидаги камчиликларга қарши курашиб мақсади қўйилди. Ташкилотлар ҳузурида адабий мухабирлар ҳайъатини тузиш зарурлиги таъкидланди, янги журналист кадрларни тайёрлаш учун маҳсус курс ташкил этиш кўзда тутилди.

ТКП Марказий Комитети маҳаллий ёшлар орасидан журналист кадрлар тайёрлашга катта зътибор берди. Туркистонда нашр этиладиган марказий рўзномаларнинг саҳифаларида уларга бағишиланган мақолалар бериб борилди, бу нарса ўзбек ёшларни орасида иқтидорли журналистларни тарбиялаб этишириш учун айниқса катта аҳамиятга эга эди.

Жумҳуриятда театрчилик ривожлана бошлади. Туркистон советлари IX съездининг (1920 йил сентябрь) қарорига биноан маҳаллий аҳоли орасида ҳақиқий театр ходимларини тайёрлаш тадбирлари кўрила бошлади. Шу съезддан кейин маҳаллий миллат фарзандлари учун бадиий мактаблар сони 16 тага, улардаги ўқувчилар сони эса 3195 нафарга етди. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида шундай мактаблар ташкил этилди.

Таниқли жамоат арбоби А. Икромов ўзбек миллтий санъатини ривожлантиришининг аҳамияти ва театр кадрларини тайёрлаш зарурлиги ҳақида гапириб, бундай деган эди: "Янги, чинакам инқилобий асарларни яратиш керак. Бизга социалистик қурилишимизнинг девкор қадамлар билан илгарилаб бораёттанини тасвирлайдиган асарлар керак. Биз ҳали оз бўлган драматург кадрларимиз учун шундай шароит яратиб берайликки, улар ўзларининг маданий ва сиёсий савиисини мунтазам ошира оладиган бўлсинлар, завод ва фабрикаларга, колхоз ва совхозларга бориш керак, у ердан ўз репертуари учун материаллар олиб келиш лозим. Янги репертуарни яратиш билан бирга айниқса аёллар орасида малакали артистларни вояга етказиш театр соҳасидаги энг муҳим вазифаларимиздандир"¹.

Инқилоб галабасидан кейин тез орада ўзбек шўро театри яратила бошлади, аввалига алоҳида-алоҳида театр гуруҳлари, драма труппалари ва тўгараклари вужудга келди. Уларнинг аҳволи қийин, моддий базаси заиф, бинолар йўқ, кийим-кечак-

¹ А. Икромов. Тўла асарлар тўплами, 2-том. Т., "Ўзбекистон" нашриёти, 1972, 528-бет (русча).

лар, безаклар этишмас, пул оз ва профессионал артистлар аввали йўқ эди. Маҳаллий миллат аёлларининг саҳнада чиқиши тоғиқланганди. Ўзбек шўро театрининг асосчилари мана шундай қийин шароитда ҳам жонбозлик ва фидокорлик кўрсатиб, халқ орасига инқилоб гояларини ёйдилар.

1918 йилда Туркистон маориф халқ комиссарлиги ҳузурида театр бўлимни ташкил қилинди, кейинчалик жойлардаги халқ маорифи бўлимлари ҳузурида ҳам шундай бўлимлар тузилди. Уша йилнинг ўзида Тошкентда ўлқада биринчи мусиқа ўқув юрти — халқ консерваторияси очилди, 1917 йил баҳорида унинг ёки шаҳардаги бўлимни иш бошлади. Истеъодоли халқ қўшиқчи Шораҳим Шоумаров консерваториянинг дастлабки муаллимларидан бўлди.

Халқнинг мусиқа ижодини ўрганишга киришилди. 1919 йилда Туркистон жумҳурияти маориф халқ комиссарлиги ҳузурида тузилган мусиқа-этнография секцияси бу соҳада катта ишларни бошлаб юборди.

Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида театр бўлимидан кейин мусиқа ва тасвирий санъат бўлимларни ҳам тузиш зарур бўлиб юдди.

Урта Осиёда умуман мусиқа, театр ва рассомчилик ўқув юртлари бўлмаганлиги сабабли санъатни ривожлантириш жараёни қийинчилик билан кечди. Инқилобдан аввал ўзбек халқнинг мусиқа маданияти айрим созандалар, қўшиқчиларнинг ижоди яхонда ривожланар эди, уларнинг ижодидаги халқ мусиқасининг бой лиъаналари авлоддан-авлодга ўтиб келарди. Хўжа Абдулазиз, Мула Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳаким Ибодов, Уста Олим Комилов сингари атоқли ўзбек халқ қўшиқчилари ва созандаларининг номлари жуда машҳур эди.

Инқилобнинг дастлабки йилларида Уста Олим Комилов Юсуфқизиқ Шакаржонов, Мадюсиф Харратов, Мақсудхўжа Юсупов, Шораҳим Шоумаров, А. Ваҳобов, И. Лутфуллаев ва бошқалар ҳаваскорлик тўгаракларини, созандаги хонандалар дастларини тузишига бел боғладилар. Уларнинг кўплари келгусида номдор ижодий жамоалар бўлиб этишди. Чунончи фуқаролар уруши даврида Уста Олим билан Юсуфқизиқ Фарғона водийсидаги созандаги хонандаги раққослардан иборат кичик бир даста туздилар. Бу даста кейинчалик қизил армиянинг ташвиқот бригадасига ҳўшилди. Дастанинг ҳар бир чиқиши шуичаки концерт бўлиб қолмай, балки инқилоб галабаларини бутун куч билан мустаҳкамлашга қилинган сташин даъват бўлар эди. Даста таркибида жумҳуриятнинг шўро театр-мусиқа мада-

нияти қалдирғоч кадрлари вояга етди. Ориф Қосимов, Сайджон Калонов, Толиб Содиқов, М. Юнусов каби кўплаб машҳур созанда ва бастакорлар ўз ижодий йўлини ҳаваскорлик тўгаракларидан бошлаган эдилар.

Ҳамза Ҳакимзода ўзбек профессионал мусиқа санъатининг ташаббускори ва жонкуяри бўлди. Тиниб-тинчимас инқилобчи, шоир, драматург, режиссёр, актер, бастакор бўлган Ҳамзанинг дадил новаторлик фаолияти ўзбек шўро мусиқа ва театр маданиятини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятта эга бўлди. Ҳамзанинг қўшиқлари янги, инқилобий мазмун ва руҳ билан тўлиб-тошган эди.

Биринчи профессионал театр — ўлка сайёр театр труппасини 1918 йилда Фарғонада Ҳамза Ҳакимзода ташкил этди. У ўзининг "Бой ила хизматчи" пьесасини, "Фарғона фожиаси" туркум пьесаларини ёзиб, ўзи саҳнага қўйди, бош ролларни ҳам ўзи ижро этди. 1918 йилда Тошкентдаги театр труппасига Маннон Уйғур бошчилик қилди. Андижон, Қўқон, Наманган, Самарқандда драма жамоалари вужудга кела бошлади. Уларни ташкил қилишда М. Қориёқубов, Г. Мусахонов, Х. Сиддикӣ, М. Мироқилов, Ю. Этамбердиев, Т. Жалилов, Ф. Умаров, А. Жалилов, А. Бобоҷонов фаол қатнашдилар.

1920 йилда ҳозир Ҳамза номи билан юритиладиган давлат академик драма театри ташкил топди. Ўзбек шўро драматургияси ва театрчилиги шу тариқа дунёга келди.

Театр трупсаларининг кўпчилик қатнашчилари қизил аскарлар орасида зўр бериб ташвиқот ва тарғибот ишини олиб бордилар. Масалан, ҳалқ қўшиқларининг истеъододли ижрочиси Муҳиддин Қориёқубов ташкил этган ҳаваскорлик мусиқа труппаси фуқаролар уруши ҳамма йиллари мобайнида Оренбург, Закаспий ва Фарғона фронтларида бўлди. Бу сафарлар ўзбек артистларининг гоявий ва бадий жиҳатдан ўсиши учун катта аҳамиятта эга бўлди.

Дастлабки йилларда ўзбек профессионал театрининг саҳнавий маданияти учналиқ юқори эмас эди. Саҳна санъатининг сирларини мукаммал эгаллаган кадрлар бўлганда гина театр ўзининг ижтимоий, бадий ролини чинакамига ўйнаши мумкин эди. Шуни эътиборга олиб, Туркистон Муҳтор Ижтимоий Шўролар Жумҳурияти Маориф ҳалқ комиссарлигининг қарорига биноан 1920 йилда маҳсус театр мактаби ташкил қилинди. Драма ва мусиқа театрида ишлаш учун ҳар томонлама ўқимишли актёrlар ва режиссёrlарни тайёрлаш вазифаси шу мактабнинг зиммасига юклатилди.

Шу даврда тасвирий санъат ва мъеморчилик ҳам вужудга келди, муттасил ривожлана борди.

1919 йил 5 июняида Туркистон Жумҳурияти Ҳалқ комиссарлари кенгашининг қарорига биноан Тошкентда мъеморлар ва инженерлар тайёрлайдиган бадий мактаб уюштирилди. Тошкент бадий мактаби ҳузурида 1920 йилда болалар ижоди клуби қилинди, маҳаллий меҳнаткашларнинг 800 фарзанди шу клубга каттаб бошлади.

Шу йили Қўқон, Самарқанд, Андижон ва бошқа шаҳарларда бадий мактаблар очилди. Улар Ўзбекистон санъаткор инженерларини тарбиялаб вояга етказишда катта роль ўйнади.

Ўзбек санъаткор зиёлиларининг камол топиши янги жамият ўринида, меҳнаткашларни гоявий жиҳатдан тарбиялашда зўр оғизий касб этди. Адабиёт ва санъат ҳалқ маданиятини ташкилнишинг, уни нафис санъат руҳида тарбиялашнинг қурдатли кунини бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНДА 20-ЙИЛЛАРДА ЗИЁЛИЛАР ГУРУҲЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ижтимоий-иқтисодий вазият ва зиёлилар

20-йиллар даври Совет давлати тарихида алоҳида ўрин олди. Ўзига хос хусусияти аввало ижтимоий-иқтисодий таҳқиқиёт шаклларининг хилма-хиллигидан, сиёсий турмушнинг ўзининг ҳаммаси ва ошкоралигидан, мисливий маънавий равнақ йўли ҳамонганидан иборат эди.

Шу йилларда тарихий шахсларнинг ажойиб туркуми — қадиқиб қаҳрамонлари, социалистик қурилиш назариётчилари амалиётчилари, дунёни турлича идрок қилсалар-да, аммо ўзгартиришга жон-жаҳдлари билан киришган атоқли олимлар санъаткорларнинг фаолияти барқ уриб яшнади. Шу сабабли 20-йиллар мұқобиллар даври, мамлакатимизнинг келажаги учун үзгаш даври бўлганлиги бежиз эмас. Мана шуларнинг ҳаммаси 20-йилларни совет жамияти тарихининг мустақил босқичи қилиб кратиб қўйди, унинг ўтмишимиздаги алоҳида қиёфаси ва тохида ўринини белтилаб берди.

Ниги иқтисодий сиёсат (НЭП)ни амалга оширила бошлаганнинг 20-йилларнинг бош воқеаси бўлганлиги хусусида ҳеч кимда ишлаб-шубҳа йўқ. Ҳозир биз янги иқтисодий сиёсат тажрибасига нуружаат қилаяпмиз, ҳозирги турмушимиз муаммоларига амалий

жавобларни ундан излаяпмиз. Мана шунинг ўзи ҳам НЭПнинг тарихий аҳамияти ва унинг тугамай қолганидан далолат беради, чунки НЭП ҳал этиши лозим бўлган кўпгина вазифалар поёнига етмай қолди, бу эса совет жамиятининг бундан бўёнги ривожланишида кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Ҳатто янги иқтисодий сиёсат амал қилган энг оғир йилларида ҳам мамлакатнинг маданий тараққиети тўхтамади, маданий турмуш мафкуравий кураш майдони бўлди.

Бу сиёсат унинг асосий қоидалари шундан кейинги бутун тарихимизга кучли таъсир ўтказди. Уша даврнинг маданияти шундай бир ўзига хос руҳ билан сугорилган эдик, унинг белгилари колективлаштириш ва саноатлаштириш йилларида ва биз бўйруқбозлик-маъмурятчилик тизмаси деб атаётган даврда ҳам ўзига хос шаклда намоён бўлди.

Тикланиш даврида шўро мамлакати олдида янги вазифалар — вайронгарчилик урушидан тинч қурилишга ўтиш, меҳнаткашларнинг бор кучини ҳалқ хўжалигини тиклашга ва ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларга буриб юбориш вазифаси пайдо бўлди.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш малакали мұжандис-техник кадрлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, шифокорлар, маориф ходимлари, ишлаб чиқариш ташкилотчилари, маъмурӣ-бошқарув аппаратининг хизматчилари зарур эди.

Мамлакатнинг вайрон бўлган ишлаб чиқарувчи кучларини қайта тиклаш, уларни янги социалистик асосда янада ривожлантириш, социалистик маданиятини ва давлатчиликни вужудга келтириш вазифалари мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

Ўз зиёлиларимизни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини иккى йўл билан: олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизмасини пухта вужудга келтириш ҳамда илгор ишчи ва деҳқонларни тўғридан-тўғри раҳбарлик ва ташкилотчилик вазифасига кўтариб қўйиш, эски зиёлиларни жалб қилиш йўли билан ҳал этди.

Буларнинг биринчиси асосий йўл сифатида танлаб олини. Аммо бунинг учун олий мактаб ва техникумларда дарс бериш мазмунини ўзгартириш, эски профессор ва муаллимлардан фойдаланиш керак эди. Бунинг учун анчагина вақт керак эди. Ҳолбуки фабрика ва заводларни, шахталарни, транспортни, савдо-сотиқни бошқарадиган ўн ва юз минглаб раҳбар ҳамда ташкилотчи ходимлар ўша пайтнинг ўзида жуда зарур эди.

Янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш даврида жумҳуриятда ишчилар ва деҳқонларни раҳбарлик ишларига кўтариш

усулидан кенг фойдаланилди, кейинчалик улар турли курс, мактабларда, коммунистик дорилғунулар ва академияларда ўқитилди ҳамда малакаси оширилди. 20-йилларда кўпчилик колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари маҳаллий миллатга мансуб инчилар, деҳқонлар, батраклардан кўтарилган кишилар эди.

Ўзбекистонда мутахассис кадрлар мутлақо етишмаслиги сабаби маҳаллий меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларига жалб қилишининг янги йўллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш зарур эди. Туркистон партия ташкилотлари, миллий, давлат централенишидан кейин эса Ўрта Осиё жумҳуриятларининг партия ташкилотлари Совет зиёлиларининг сафларини тўлдириш учун одамларни қўйидан юқори кўтариш усулидан мунтазам фойдаланиб келдилар.

Миллий кадрлар тайёрлаш Туркистон учун нақадар ўтириш ва долзарб муаммо эканлигини 1922 йилнинг биринчи январигача бўлган қўйидаги маълумотлардан билса бўлади. Туркистон мухтор ижтимоий шўролар жумҳуриятларининг 28 та ҳалқ комиссарлигига ва марказий органларида 4490 хизматчи бўлса, улар орасида ўзбеклар 132 киши (3,3 фоиз) бўлган эди. Барча хизматчилардан атиги 364 киши (8,1 фоиз) олий ёки тўлиқсиз олий маълумотли, 1691 киши (37,6 фоиз) ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли эди. Хизматчи ўзбеклар орасида атиги иккى киши олий ва саккиз киши ўрта маълумотли эди.

15 та ҳалқ комиссарлигидаги 1575 кишидан атиги 64 киши (4 фоизи) маҳаллий миллат вакиллари ва 42 киши ўзбек эди. Меҳнат ҳалқ комиссарлиги, Молия ҳалқ комиссарлиги, Ички ишлар ҳалқ комиссарлиги каби маҳкамаларда маҳаллий миллатга мансуб бир-икки кишигина бор эди. Соғлиқни сақлаш ҳалқ комиссарлигига эса улардан бир киши ҳам йўқ эди.

1926 йилги аҳоли рўйхати Ўрта Осиё жумҳуриятларида ақлий меҳнат кишилари ҳаддан ташқари камлигини кўрсатди. Буни қўйидаги 1-жадвалдан кўриш мумкин.

Ўрта Осиё жумҳуриятларида 1926 йилда ҳаммаси бўлиб 7. 641. 444 аҳоли яшар эди. Улар орасида хизматчи ва зиёлилар 93. 235 киши (1,2 фоиз), шу жумладан маҳаллий миллат хизматчилари ва зиёлилари 22. 629 киши эди. Ўзбекистон ССР Тожикистан АССРда ақлий меҳнат кишилари 73.834 киши эди, шундан ўзбеклар 16371 киши эди, улар орасида 621 нафар аёл бор эди.

Маҳаллий миллат зиёлиларидан бўлган аёлларнинг кўпчилиги ўқитувчилар, санъат ходимларидан, шунингдек раҳбар маъмурӣ-хўжалик ва партия-сиёсат ишига кўтарилган хотин-қизлар

иҳтисоси	Ўзбекистон ва Тоҷикистон			
	жами	шу жумлалан		
		ўзбеклар	тоҷинклар	бошқа маҳаллий миллатлар
Агрономлар ва ветеринария врачлари	435	7	2	3
Муҳандислар ва меъморлар	454	-	-	1
Техниклар	1191	18	1	-
Врачлар	1001	40	4	18
Ўқитувчилар	4836	1933	360	178
Олий ўқув юртларининг профессорлари, муаллимлари, академиклар	303	7	1	17
Адиблар ва муҳаррирлар	245	64	17	12
Санъат ходимлари (актёrlар, режиссёrlар, мусиқачилар, рассомлар, ҳайкалтар-тарошлар, ва бошқалар)	1058	372	32	31

дан иборат эди. 1926 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, ўқитувчилар орасида 179 нафар ўзбек аёли бор эди. Уларнинг ҳаммалари феодал турмуш кишанларидан халос бўлиб, ўз тақдирига ўзи эга бўлиб қолган дастлабки хотин-қизлар эди. У пайтда маҳаллий миллат аёллари орасида муҳандислар, агрономлар, техниклар ҳали ўқ эди.

Ўзбекистон партия ва касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашларнинг энг яхши намояндайларини бошқарув идораларига кўтариш соҳасида катта иш қилдилар. Масалан, 1923 йилда

¹ Жадвал 1926 йилги бутуниттироқ аҳоли рўйхати маълумотлари орасида тузылди. 22-том, Ўзбекистон ССР ва Тоҷикистон АССР. М., 1929, 72-78-бетлар. 926 йилда Тоҷикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига киради, шу сабабли рўйхат маълумотларида ақлий меҳнат кишиларининг умумий сони кўрсатилиган.

215 нафар, 1924 йилда эса 278 нафар маҳаллий миллат ишчиси касаба уюшма идораларидаги раҳбарлик ишига кўтариб қўйилди. 1925 йилнинг дастлабки уч ойи иҷидагина энг илгор ишчи ва деҳқонлардан 250 киши Ўзбекистоннинг марказий муассасаларига ишга юборилди, уларнинг ярмидан кўпроғи маҳаллий миллатларнинг вакиллари эди. Бу тадбирлар партия ва шўро идораларининг фаолиятини бирмунча жонлантиришга кўмаклашди.

Шундай қилиб, шўро идоралари ишчи-деҳқон ёшлари сафларидан тажриба ўрганиш асосида етишиб чиқсан янги амалиётчи кадрлар билан мустаҳкамланди. Улар зарур билимларни ўрганиб олганларидан кейин тажриба ишлардан доимий ишга ўтказилди.

Шўро идораларининг ходимлари ҳалқ комиссарликлари ҳузуридаги махсус идоравий курсларда ҳам тайёрланди. Чунончи, 1923—24 ўқув йилида туб жой аҳолиси орасидан 322 шўрд ходимига таълим берилди. Волость ва уезд ижроия комитетларининг котиблари курслари ҳам ташкил қилинган эди.

Шу билан бирга, 1924 йилда волостлар учун хотин-қиз ташкилотчилар етишитириб берадиган курс очилиб, унга 55 нафар қиз-жувон қабул қилинди. 1924 йилнинг августида Туркистон ҳалқ комиссарлари кенгаши ҳузурида шўро ходимлари кадрларини тайёрлайдиган саккиз ва тўрт ойлик умумий таълим ва сиссий курс ишлай бошлади. Масалан, раҳбар ходимлар тайёрлайдиган тўрт ойлик район курсида 270 киши таълим олди.

Пастдан юқори кўтарилган кадрларнинг назарий билимларни ошириш учун қисқа муддатли курслардан ташқари Ўрта Осиё дорилфунуни, Самарқандда Ўзбекистон дорилфунуни, Тошкентда саноат академияси, вилоятларда шўро-фирқа мактаблари, Москвада Я. М. Свердлов номли коммунистик дорилфунун ва шарқ меҳнаткашлари дорилфунуни ташкил этилди. Ишчи-деҳқон ёшлиарининг мамлакатимиз турли шаҳарларида ўқиши учун катта имкониятлар яратиб берилди.

Фабрика ва заводларга, колхоз ва совхозларга, маданият-маърифат муассасаларига раҳбарлик қилиш учун илгор ишчилар ва колхозчилар жалб қилинди. Булар социализм туфайли юзага келган янги шўро зиёлларининг катта туркуми эди. 20-йилларда Ўзбекистондаги деярли барча раҳбар шўро ва хўжалик лавозимларида меҳнаткаш ҳалқ намояндлари ишлайдиган бўлиб қолди.

Жумхурият ташкилотларининг гамхўрлиги туфайли давлат идоралари турли курсларда ва ўқув юртларида сиёсий ҳамда амалий тайёргарлик кўрган, тажриба ўрганган ишчи ва деҳқонлар ҳисобига мустаҳкамланди. Чунончи, 1922 йилда Туркистон мухтор ижтимоий шўролар жумхуриятининг марказий идораларидаги 1545 ходим орасида туб жой миллатларга мансуб кишилар 345 ишчи ёки 20,4 фоиз бўлган бўлса, 1923 йилда 492 кишига (24 фоизга) етди. 1924 йилнинг марта таркибидаги 323 кишидан 209 нафари туб аҳоли вакиллари эди.

1926 йилда хўжалик ва маъмурий идоралардаги раҳбарлик лавозимларида ишчи ва деҳқонлар 37 фоиз, саноатда 30 фоиз, кишлоқ хўжалигида 10 фоиз эди.

Ижтимоий келиб чиқиш жиҳатидан улар қўйидагича эди: ишчилар — 53 фоиз, деҳқонлар — 10 фоиз, хизматчилар ва бошқалар — 26 фоиз.

Ишчиларниң давлат ва хўжалик бошқарув идораларидаги, касаба уюшмалари, ширкатлар, маданият ташкилотлари ва бошқа муассасалардаги иштироки сергайрат йигит-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун тайёрлашга ва кўтаришга кўмаклашди.

Ўзбекистон партия ва касаба уюшма идоралари 1927-28 йилларда 202 коммунистни раҳбарлик ишига кўтардилар, улар орасида маҳаллий миллат ишчиларидан 128 киши бор эди, 1928 йилда 268 коммунистни, шу жумладан 108 маҳаллий миллат ишисини тарбиялаб, раҳбарлик ишига тавсия этдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг маълумотларига қараганда, 1929—1930 йилларда Ўзбекистонда саноат корхоналаридан 746 киши раҳбарлик ишига кўтарили. Уларнинг 54,2 фоизи маҳаллий миллат вакиллари эди.

Хотин-қизларни раҳбарлик ишига кўтаришнинг жуда катта сиёсий аҳамияти бор эди. Шўро идоралари учун хотин-қиз кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериб, турли курслар очилди, парткомларнинг хотин-қизлар бўлимлари ҳузурида қиз-жуонлардан тажриба ўрганувчилар гурӯҳи ташкил этилди. 1921 йилда ишчи-деҳқон назорати идораларида ўзбек аёлларидан 32 киши ишлар эди. Шаҳарни маҳаллий шўроларга 150 нафар хотин-қиз сайданди, улар орасида маҳаллий миллат аёлларидан 50 киши бор эди. Жумхурият партия идораларига фаол аёллар тобора кўпроқ кўтарили. Чунончи, 1923 йилда Туркистон партия аппаратида аёллардан 52 киши, шу жум-

ладан 5 нафар ўзбек аёли ишлаган бўлса, 1924 йилда аёллар 120 кишига ва ўзбек аёллари 23 кишига етди¹.

Туб жой миллатларга мансуб хотин-қизлар орасида олиб борилган фаол маданий-маърифий иш, уларнинг саводини чиқариш туфайли хотин-қизлар бўлимларининг аппаратига кўпроқ аёлларни кўтариб қўйиш мумкин бўлди. Масалан 1926 йилда Ўзбекистон Компартияси хотин-қизлар бўлимлари аппаратида 43 кишидан 20 киши ўзбек аёллари эди. Шаҳарни йилнинг ўзида Ўзбекистон ССР кенгашига туб жой миллатларининг 847 нафар аёли сайланди.

Ишчи ва деҳқонлар орасидан фирмә, касаба уюшма ташкилотлари, маъмурий-хўжалик ишларига кўтариш инқилобдан кейинги дастлабки йилларда ҳам, кейинчалик — 20-йилларда ҳам миллий зиёлиларнинг кадрларини камол топтиришнинг асосий ўлларидан бири бўлди. Иш жараённида улар амалий қўнимка ва тажриба ҳосил қўйдилар, ўзларининг умумий маълумотларини, гоявий ва назарий билим доирасини кенгайтирдилар.

1920 йилда Тошкент шўросида дастлабки ўзбек ишчиларидан Олим Бобоҷонов, Миражмад Мирходиев, Султонхўжа Қосимхўясвлар сайданинди. Кейинроқ улар давлат идораларида мисъулиятли лавозимларда ишладилар.

Деҳқонлар орасидан таникли давлат арбоблари, завод ва фабрикаларнинг раҳбарлари, колхоз ҳаракатининг донгдор ишбошилари, адабиёт ва санъат ишбошилари етишиб чиқдилар.

Бироқ, юқори лавозимларга кўтарилилар орасида гоявий жиҳатдан зўр, амалий ишда кўпдан-кўп хатоларга йўл қўйган кишилар ҳам бўлди, албатта. Бу — ўсиш жараёнларида, шўро ѹқимиятини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш даврида учраши муқаррар бўлган қийинчиликлар эди.

Туркистон Компартиясининг 1918 йилда бўлиб ўтган съездидаги маҳаллий миллатлар орасидан чиқсан — А. Авлоний, У. Шокиров, С. Тўрабоев ва бошқалар Марказий Комитет таркибига сайдандилар. А. Ф. Солькин Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг раиси, У. Шокиров эса унинг ўринбосари бўлди. Шундан кейин фирмә ташкилотлари ўз сафларига маҳаллий миллатларга мансуб бўлган ишчилар, деҳқонлар, батракларни кўплаб жалб этди, уларни давлат идораларидағи раҳбарлик ишларига тавсия этдилар.

Шаҳарни Н. Т. Тўрақулов, К. С. Отабоев, Турор

С. А. Назаров. РКП(б) Марказий Комитетининг Ўзга Осиёдаги партия қурнилишига раҳбарлиги. 304-бет.

Рисқулов, Йўлдош Охунбобоев, Д. Устабоев ва бошқа кўпгина кишилар, шўро ва хўжалик идораларига раҳбарлик қилдилар.

Жумҳуриятларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришнинг режаларини амалга оширишда шундан кейин тарбияланиб, вояга етган А. Икромов, Д. И. Манжара, Ф. Хўжаев, Ж. Обидова, В. И. Ивановлар фаол қатнашиб, таниқли давлат арбобларига айландилар. Улар жумҳуриятнинг иқтисодий ва маданий ривожланишига раҳбарликни таъминладилар.

20-йилларда Ўрта Осиё халқ хўжалигини ривожлантиришда, маданий қурилишни авж олдиришда, миллий зиёлиларни тарбиялаб етиштиришда ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё иқтисодий кенгаси, Ўрта Осиё Давлат план ќўмитаси ва бошқа кўпгина идоралар шўро ташкилотларига катта ёрдам беришди.

Шу тариқа 20-йилларда ишли ва деҳқонларни раҳбар сиёсий, маъмурий-хўжалик ва маданий-маърифий идораларга кўтариб кўйиш усулидан совет шарқи жумҳуриятларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг фойдаланилди.

Тўркистоннинг миллий меҳнаткаш зиёлилари туркуми дастлабки пайтларда эски зиёлилар кам бўлганлиги сабабли деҳқонлар, батраклар ва ҳунармандлар орасидан тарбиялаб етиштирилди. Инқилоб галаба қозониб, шўро ҳокимияти ўрнатилганидан кейингина Ўзбекистонда кўп сонли юқори малакали миллий шўро зиёлилари, шу жумладан ишлаб чиқариш ва техника соҳасида ишловчи зиёлилар аста-секин ўсиб, вояга етганлиги кўриниб турибди.

Мамлакатнинг шарқий районларида фуқаролар уруши чўзилиб кетганлиги аҳолининг саводсизлигини тутатиш, зиёли кадрлар тайёрлаш соҳасида шўро идораларининг тадбирларини амалга оширишни қийинлаштирган эди. Миллий зиёлиларнинг айrim туркумларини камол топтиришнинг баъзи ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди.

Модомики халқ маорифини ривожлантириш, кенг аҳоли саводсизлигини тутатиш маданий революцияни амалга оширишнинг биринчи галдаги вазифаси бўлганлиги сабабли ўқитувчи кадрларни тайёрлаш миллий зиёли кадрларни камол топтиришнинг илк босқичи бўлди.

20-йилларга қадар Ўзбекистон зиёлиларининг кўпчилиги махсус ўқув юртлари — техникумлар, маориф институтлари, турли курслар орқали тайёрланди. Бундан ташқари ёшларни ривожланган капиталистик мамлакатларга ўқишга юбориш ҳам йўлга қўйилди.

Мана шу кўрсатмаларга таянган Туркистоннинг шўро раҳбарлари Ф. Хўжаев, Т. Рисқулов ва бошқалар ўлкани ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида чет эл тажрибасини ўрганишга ва ундан фойдаланишга киришдилар. Туркистоннинг илфор зиёлилари намояндадар бўлмиш Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон ва бошқалар ёшларни ривожланган шарқий мамлакатларга, шунингдек Германия, Франция, Америка, Японияга ўқишга юбордилар.

1922 йилда Германияга 70 киши ўқишга жўнаб кетди. Улар орасида ўзбек зиёлиларининг намояндадаридан С. Усмоний, Аҳмад Шукрий, Саттор Жаббор, Аҳмаджон Иброҳим, Марям Султонова, Хайринисо Мажидий қизи, Саида кабилар бор эди. Улар бу мамлакатнинг олий ва ўрта ўқув юртларида немис тилини ўқигач, касб-кор ўрганиб келдилар. Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви ҳужжатларига қараганда, Германияда таълим олаётганларга Туркистон жумҳурияти доимо моддий ва маънавий ёрдам бериб турди. Чўлпон, Сайдносир Миржалолов, Салимжон Тиллахоний ва бошқа туркистонлик кекса зиёлилар ҳам уларга мадад беришди. Улар ўз асрларини чоп этишдан ёки спектаклларини саҳналаштиришдан тушган маблағнинг салкам 80 фонзини ўқишга кетганлар учун юбориб турдилар.

Бироқ шуни айтиш керакки, уларнинг баъзилари шўро ҳокимиятига нисбатан душманлик кайфиятидаги унсурларнинг таъсири остида Германияга кўчиб кетдилар. У ерда таълим олган мутахассисларнинг бошқа бир қисми эса Ватанга қайтиб келганиларидан кейин, 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларида гарзли чақимчилик ва тұхмат-үйдирмалар асосида ҳибста олиниб, фашизм жосуллари, деган айб қўйилиб отиб ташланди. Сталин истибододининг қурбонлари орасида Солих Мұхаммад Абдуваҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Рауф Расулий, Хайринисо Мажидий қизи, Марям Султонова каби йирик мутахассис химиклар, медиклар, генетиклар, муаллиmlар бор эди.

20-йилларда ўқиш учун Германияга кетган кишиларнинг кўплари репрессиялардан чўчиб, Ватанга қайтиб келмадилар, уларнинг баъзилари 30-йилларда Германияда фашизм ҳокимиятни қўлга олганидан кейин бошқа капиталистик мамлакатларга кетиб қолдилар ва у ерларда муаллимлик билан шугулландилар.

Қўриниб турибдики, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал этиш жуда мушкул бўлди. Шу сабабли минтақаининг ўзида зиёлилар тайёрлашта зўр беришдан бошқа илож қолмади. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, мамлакатни саноат-

лаштириш, қишлоқ хўжалигини колективлаштириш, илм-фани ривожлантиришга зарурат кучайиши ва илмий-тадқиқот институтлари тармогини кенгайтириш эҳтиёжи вужудга келганилиги муносабати билан олий малакали кадрларни оммавий равишда тайёрлашга киришилди. Шу вақтта келиб, бундай кадрларни тайёрлаш учун моддий шароит яратилган, энг муҳими эса маҳаллий миллатлар орасидан олий ўкув юртларида таълим олишига иштиёқманд ёшлар ўсиб етишган эди.

Ўзбекистонда миллий зиёли кадрларни камол топтириш ўтишида орқада қолган ҳалқларни иқтисодий, ижтимоий-сийесий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришдан иборат умумий вазифаларга мувофиқ амалги оширилди. Бу ерда йирик саноат корхоналари қуриш режалаштирилиб, амалга оширила бошлаганилиги, колхоз тузуми ривожланганлиги, маданий инқилоб амалга оширилганлиги эса бу вазифани ҳал этишни жадаллаштириб юборди.

Педагогика илмий, маданий-маориф ва бошқа соҳалар мутахассисларини тайёрлаш

20-йилларда омма орасидаги мағкуравий ишни кучайтириш ва барча ҳалқларниң миллий маданиятларини ривожлантириш энг муҳим вазифаларидан бири бўлди.

Ҳалқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги янги вазифалар муносабати билан миллий чекка ўлкаларда шўро зиёлилари кадрларини тайёрлаш ва тарбиялаш муаммоси энг долзарб масала эканлиги равshan.

Жамиятимиз турмушида Сталин шахсига сифиниши билан боғлиқ бўлган салбий ҳодисалар ҳалқ маорифини ривожлантиришга ҳам таъсир этди. Мамлакатимизда яшовчи барча ҳалқлар араб алифбосидан ва тилидан фойдаланип эдилар. Мусулмонлар учун муқаддас бўлган қуръон, Муҳаммад пайғамбарниң ва бошқа азиз авлиёларниң кўпдан-кўп ҳадислари, бундан ташқари кўпдан-кўп бадиий асрлар ва илмий китоблар шу тилда ёзилган эди. 20-йилларниң охирида лотин алифбосига ўтилганлиги эса гўё аҳолининг талаби билан амалга оширилган тадбирдек талқин этилди. Кўп асрлар давомида алифбоси ва тилидан фойдаланиб келган аҳоли бундай талаб қилиши тайритабиий эди. Аммо баъзи бир "жонкуяр" олимлар, ёзувчилар ва бошқа арабоблар ўз ҳалқлари номидан майдонга чиқиб, гўё араб алифбоси мураккаб ва миллий тил фонетикасига тўғри келмайди, деб даъво қилдилар,

ҳатто бу тил миллатларниң ижтимоий тараққиётiga тўсқинлик қилмоқда, деган гаплар ҳам айтildи.

Буюк аждодларимизниң ҳаммалари араб имлосидан фойдаланиб ижод қилганлар ва араб тилида жаҳонга машҳур, ҳали ҳам қимматини йўқотмаган ноёб асрлар яратганлар. Араб алифбосининг мураккаблиги ҳақиқати дъявлоларга келганда, бу ҳақиқатта тўғри келмайди. Бошланғич синфларниң ўқувчилари уни тахминан рус алифбосини ўрганиган муддатда ўзларни обломоқдалар. Башарти араб алифбоси ижтимоий тараққиётga тўсқинлик қилмоқда, деган даъво тўғри деб ҳисобланаётган бўлса, у ҳолда бир неча минглаб белгилардан фойдаланиб келаётган японлар ер юзидағи энг қолоқ ҳалқлардан бири бўлишлари керак эди. Иероглифлар араб алифбосидан ҳам, рус алифбосидан ҳам анча мураккаб бўлишига қарамай, Япония дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар орасида ҳам пешқадамлик қилмоқда.

Ўрта Осиё ҳалқлари араб алифбосидан лотин алифбосига ўтишни орзу қилиб келганлар, деган даъволар эса мутлақо тутуруқсиздир. Шу кунгача ҳам улар араб алифбосини сидқидилдан ўрганишга интилмоқдалар. Бу алифбо бекор қилингандан кейин орадан 60 йил ўтган бўлишига қарамай, жумхурятимизниң "Фан ва турмуш" ойномаси, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномаси эски ўзбек тилидан дарсларни зълон қила бошлаганлиги ва муштариylар бундан foят мамнун эканликлари фикримизниң далилидир.

30-йилларга келиб, араб тилидаги китобларни ва араб имлоси асосида нашр қилинган асрларни ўқиган кишилар репрессияга учрай бошлаганидан кейин эса "ҳалқлар доҳийси"ниң алифболар тўғрисидаги "гамхўрлиги"дан кузатилган асл мақсад нималиги маълум бўлиб қолди. Бу китобларни ўқиган кишиларгина эмас, ҳатто асраран кишилар ҳам миллатчиликда, шўро ҳокимиятига қарши қўпорувчиликда айбланиб ҳибста олинаверди.

Қатағонлардан чўчиган аҳоли китоблардан ўзи ҳалос бўла бошлади. Китобларни баъзилар ёндириб юбордилар, дарёга оқиздилар, аммо айрим кишилар ҳали яна бу китоблар қадр топади, деган умид билан ерга кўмдилар ёки эҳтиёт қилиб яшириб қўйдилар. Шундай қилиб совет шарқи ҳалқларининг тараққиётни учун кураш шиори остида ёзувимизни араб имлосидан лотинчага, сўнгра эса рус имлосига ўтказиш орқали Сталин ва унинг атрофидагилар Ўрта Осиё ҳалқларининг маданиятiga ва маданий меросига ўзларининг ҳақиқий муносабатларини кўрсатдилар. Шафқатсизларча ўтказилган бу сиёсат маданиятни ривожланти-

ришга халақит берди, миллий зиёли кадрларни тайёрлашни заифлаштириб юборди.

Араб имлосининг бекор қилиниши кенг омманинг қуръондан ва бошқа китоблардан фойдаланиш йўлинингина эмас, бой адабий меросдан, фалсафий асарлардан, табиий ва ижтимоий фанларга оид илк манбалардан фойдаланиш эшигини ҳам беркитиб қўйди. Афсуски, бу асарлар 60 йил мобайнида лотин ва рус алифбосида жуда оз нашр этилди. Масалан, Ўзбекистонда кўпи билан 200 шоирнинг асарлари рус алифбосида чоп этилди, улардан 30 га яқини (Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат, Муқимиш ва бошқалар) яратган асосий асарларгина замонавий китобхоннинг қўлига тегди.

Шу пайтга қадар ўзбек халқи Навоий асарларининг тўла мажмуини ўқий олмаяпти. Ҳозирги замон ўзбек математиклари, тибиётчилари, табииётчилари ва файласуфлари араб тилини билмаганликлари сабабли Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Улугбек, Ал Форобий асарларининг асл нускаларини ўқиш имкониятидан маҳрумдирлар.

Йигирманчи йилларда ўқитувчи кадрларни зудлик билан тайёрлаш халқ маорифини, мактаб таълимини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифа бўлган эди.

Янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг дастлабки пайтарида, аввалгидек, қисқа муддатли курслар ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг асосий усули бўлди. Шу йилларда бу ерда 4—5 ой ва ундан кўпроқ муддатда таълим берадиган педагогика курслари, шунингдек уларнинг ҳузуридаги тайёрлов гурӯҳлари фаолияти кенг авж олдирилди. 1921 йилда педагогика курсларида 1693 киши таълим олган бўлса, улар орасида маҳаллий миллатларнинг вакиллари 1534 киши, шу жумладан ўзбеклар 349 киши эди. Мактаб, инструкторлик курсларида маҳаллий миллатлардан 75 киши, шу жумладан ўзбеклардан 20 киши, ўқитувчилар тайёрлаш курсларида 330 киши ва бошқа миллат вакилларидан 53 киши, мактабгача тарбия муассасалари учун мураббийлар тайёрлаш курсларида 49 киши, шу жумладан 15 ўзбек таълим олди.

Жумҳуриятнинг барча вилоятлари ва шаҳарларида шундай курслар ишлаб турди. Тошкент, Фарғона, Қўқон, Андижонда ва бошқа шаҳарларда ўзбек қизлари учун алоҳида педагогика курслари очилди.

Қисқа муддатли курсларни очиш ноиложликдан кўрилган вақтингчалик чора эди. 1925/26 ўқув йилига келиб курслардаги таълим муддати икки йилгача узайтирилди. 1928 йилнинг ёз

фаслида жумҳуриятда 2180 ўқитувчи қайта тайёрлов курсларини битириб чиқди.

Қисқа муддатли курсларда асосан бошлангич мактаблар ва саводсизликни тутгатиш мактаблари учун ўқитувчилар тайёрланар эди. 20-йилларнинг охиригача ҳам қисқа муддатли курсларнинг имкониятларидан фойдаланиб келинганини таъкидлаб ўтмоқ кепар. Аммо 1928 йилдан бошлаб олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг нисбатан тез кенгайиб борган тизмаси орқали бир мунча юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг янги шаклари саломги орта бошлади.

Бутун Ўрта Осиё учун бўлганидек, Ўзбекистон учун ҳам педагогика таълими мутлақо янги иш эди. Шу сабабли кўп нарсаларни янгидан бунёд этишга тўғри келди, ўқитувчиларнинг умумий билим ва мағкура савиёсини ҳисобга оладиган таълим ишининг янги шаклларидан фойдаланилди.

Дарслеклар ва ўқув қўлланмалари йўқлиги кўп қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Дастрлабки йилларда маҳсус ўқув алабиёти етишмаслиги сабабли бўлажак ўқитувчилар ўрта мактаб юқори синфлари ўқувчилари учун мўлжалланган дарслеклардан фойдаландилар. Дастрлабки пайтларда ўзбек тилига таржима қилинган дарслеклар катта аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, 1921 йил октябрдан 1922 йил октябригача Туркистон мухтор Совет Социалистик жумҳуриятининг давлат нашриёти I. 771. 019 нусхада дарслеклар ва ўқув қўлланмалари чиқарди, бу китобларнинг 31 таси рус тилида, 32 таси ўзбек тилида, 21 таси қыргиз тилида ва ҳоказо эди. 1922—1923 йилларда давлат нашриёти 241 номдаги дарслек ва ўқув қўлланмасини чоп этди.

Шўро мактабини барпо этиш ва ривожлантириш, маҳаллий миллатларнинг фарзандларини ўқишига жалб қилиш учун курашда ўша даврнинг илғор кишилари Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Т. Н. Қори Ниёзов, А. Шакурий, Қаюмов, М. Адамов, М. Половонов, Э. Комилов, Г. Назаров, Г. Шермуҳамедов, А. Набижонов, С. Исломов ва бошқалар фаол қартишдилар. Улар бевосита муаллимлик қилишдан ташқари аҳоли орасида катта иш ўтказиб, фирмә ва ҳукумат сиёсатини тушунтиридилар, одамлар онгидаги миллатчилик ва турмуш сарқитларига қарши курашлилар, уларнинг маданий савиёси ва саводсизлигини оширишга кўмаклашидилар.

Тўрт йил муддатда таълим берадиган маориф институтлари ёз шу даврда ташкил этилди. Уларнинг педагогика техникум-варидан фарқи — кенгроқ дастур асосида таълим берар эди.

1921 йилнинг бошларидаги еттига маориф институтида 1630

киши шугулланди. Улар орасида Тимирязев маориф институт аралаш миллий составга эга эди, қолган олтитаси фақат түжой аҳоли учун ташкил қилинган эди. Маориф институтларининг талабалари давлатнинг тўла моддий таъминотида эдилар.

1923 йилга келиб ҳозирги Ўзбекистонда 11 та маориф институти ишлаб турад, уларда 1900 талаба таълим олар эди. Уларнинг 80 фоизидан кўпроғи ишчи ва деҳқонлар эди. 1924 йилда Тошкент маориф институтида биринчи бор мутахассисларни етиштириб чиқарди. 186 битириб чиқувчи орасида ўзбек аёлларидан 11 киши бор эди. 1929 йилда маориф институтлари педагогика техникумларига айлантирилди. Улар неча юзла ўқитувчиларни етиштириб берди.

Туркистон Компартияси маориф институтларининг ишига ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга катта эътиби берди. ТКП VII съездининг (1923 йил март) қарорида бундан дейилган эди: ўқитувчилар тайёрлаш энг муҳим аҳамиятга моли вазифа эканини ҳам ёдда тутиш керак. Бизга керакли муаллимларни маориф институтлари тайёрлаб бермоқда. Уларни расмийлаштириб қўймоқ керак. Уларга ўқувчилар ва раҳбарларни олиш лозим. Пировард мақсад — маориф институтлари раҳбарлар коммунист, тингловчилар эса комсомол бўлсин.

Маориф институтлари муаллимлари ва талабаларининг ижтимоий таркиби аста-секин ўзгариб борди. Чунончи, 205 ўқитувчидан 16 киши ишчилар орасидан, 136 киши деҳқонлардан, 53 киши бошқа табақалардан эди. 1900 талабанинг 1083 нафари деҳқонларнинг ва 453 нафари ишчиларнинг фарзандлари эди.

Бироқ шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳалқ хўжалигини қайта тиклашнинг дастлабки йилларида янги барпо этилган ўрти ўқув юртларида асосан ўша маориф институтларининг ўзини техникум ва курсларни битирган ва муаллимлик ишига майли борлигини кўрсатган кишилар дарс берар эдилар. Жумҳуриятни олий мактаб ташкил этилиб, ривожлана борган сайин муаллимлар махсус олий ўқув юртларини битириб чиқсанлар ҳисобида тўлдирила бошлади.

Тошкент, Самарқанд ва бошқа бир қанча шаҳарларда педагогика техникумлари ва билим юртлари очилганлиги муаллим кадрлар тайёрлашда янги босқич бўлди.

1923 йилда Туркистон мухтор ижтимоий шўролар жумҳуриятида 14 та педагогика ўқув юрти (6 та ўзбекча, 2 та туркманча, 5 та қозоқча) бор эди, уларнинг атиги учтаси (Олмаотадаги маориф институти, Полтарацк ва Чимкентдаги

педагогика билим юртлари) ҳозирги Ўзбекистондан ташқарида эди.

Билим даражаси ва дарс бериш маҳорати жиҳатидан Тошкент педагогика ўқув юртларининг муаллимлари анча дуруст тайёргарлик кўрган эдилар. Талабалар — бўлажак муаллимлар ўларнинг ижтимоий таркиби жиҳатидан қўйидагича эди: деҳқонлар — 1083 киши, ишчилар — 453 киши, бошқалар 302 киши, партия аъзолари ва аъзоликка номзодлари, комсомол аъзолари — 637 киши, партиясизлар — 1261 киши. Кўпгина талабалар маориф ходимлари уюшмасининг аъзоси эдилар.

Ўзбек тилида нашр этилган "Маориф ва ўқитувчи" (3500 нусха), рус тилидаги "Учитель деревни" (2 минг нусха), ўзбек тилидаги "Маориф ва ўқитувчи", Хоразмдаги "Маориф", Бухорадаги "Йўқсул" (1400 нусхада ўзбекча) ойномалари Ўзбекистонда ўқитувчи кадрларни ғоявий жиҳатдан ўстиришга ва дарс бериш маҳоратини оширишга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

1925 йилнинг бошларida Туркистон ўлкасида, Бухоро ва Хоразмда иккита педагогика ўқув юрти, еттита маориф институти ва бешта техникум бўлиб, шуларнинг бештаси (эркаклар ва аёллар учун ўзбек, тоҷик тилидаги, рус тузем ва оз сонли миллатлар учун маориф институтлари) Тошкентда, биттаси (эркаклар учун ўзбекча) Самарқандда, биттаси Бухорода эди. Тошкентда иккита, Самарқанд, Қўқон, Урганчда биттадан педагогика техникумлари бор эди. Ҳамма ўқув юртларида 1775 талаба ва 215 муаллим бор эди. Таълим олаётган талабаларнинг 80 фоиздан кўпроғи деҳқонлар ва ишчилардан.

Туркистондаги туб жой миллатларга мансуб кишилардан малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашда қардош жумҳуриятларининг олий ўқув юртлари катта ёрдам берди.

Туркистон Компартияси миллий кадрлар тайёрлаш тўғринилали кўрсатмаларга амал қилиб 1922/23 ўқув йилида 734 кишини Татаристонга, 30 кишини Бокуга, 1924/25 ўқув йилида 130 талабани марказий олий ўқув юртларига ўқишга юбордилар. Уларнинг аксарияти (115 киши) маҳаллий миллатларнинг фарзандлари эди.

Шўро ҳукумати Туркистон МИШЖдаги маданий қурилишга ҳар томонлама катта ёрдам берди. 1923 йилнинг ўзида бюджетидан Туркистон МИШЖга 1 миллион сўм, 1924 йилда эса 2 миллион сўмдан кўпроқ тилла пул ажратилди. Бундан

ташқари, Туркистон шўроларининг XII съезди қарорига биноан маҳаллий бюджетнинг камидаги 35 фоизи маданий қурилиш эҳтиёжларига ажратиладиган бўлди¹.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш даврининг қийинчиликларига, моддий маблағ асло етишмаслигига, зарур адабиёт ва ўқув-методик қўлланмалар айниқса маҳаллий миллатларнинг тилларида оз бўлишига қарамай, қисқа муддатли курслар, техникумлар орқали анчагина ўқитувчи тайёрланди. 1924 йилнинг июль ва сентябрь ойларида халқ маорифи комиссарлиги системасининг пландаги қисқа муддатли курсларигина миллий мактаблар учун 6454 ўқитувчи тайёрлади, ўша йилнинг ўзида маориф институтлари 186 нафар малакали муаллима тайёрлаб берди.

Ўрта Осиёдаги миллий-давлат чегараланиши ўтказилган йил — 1924 йилда доимий курсларни ва педагогика ўқув юртларини ҳаммаси бўлиб 2748 ўқитувчи битириб чиқди. Бу эса халқ маорифини ривожлантиришга, аҳолининг саводхонлигини оширишга ижобий таъсир қилди. Курсларни ва ўрта максус ўқув юртларини битириб чиққан кишилар ҳақиқий халқ ўқитувчилари, янги турмуш қурилишининг фаол қатнашчилари бўлиб қолдилар.

Гарчи, шу вақтгача педагогика таълимни ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш соҳасида дурустгина мұваффақиятларга эришилган бўлса ҳам, аммо ҳали булар жумҳуриятнинг ўқитувчи кадрларга тез ошиб бораётган талабини қондира олмас эди. Шу сабабли Туркистон Компартиси VII съездининг қарорида Туркистонда педагогика таълимини ривожлантириш, курслар, техникумлар, маориф институтлари тармогини мустаҳкамлаш ва кенгайтириб, шу тариқа туб жой аҳоли орасидан етишиб чиқсан ўқитувчи кадрларни кўпайтириш учун шошилинч чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Шундай қилиб ўқитувчи кадрларни жадал тайёрлаш асосида, шўро ҳукumatининг ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистонда ўрта педагогика ўқув юртлари тармогини кенгайтиришда катта мұваффақиятларга эришилди, бу эса халқнинг умумий таълим даражасини ва маданий савиясини оширишнинг муҳим шарти бўлди.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш даврида маҳаллий миллатлар орасидан муаллиmalар тайёрлашга, уларнинг малакасини ва гоявий-сиёсий даражасини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Аёллар учун дастлабки маориф институти Тошкентда барпо

тилди, бундан сал кейинроқ — 1921—1922 йилларда жойларда очилган қисқа муддатли хотин-қизлар курслари ва педагогика техникумлари, махсус курслар саводсизликни тугатиш мактаблари учун муаллиmalар тайёрлаб берди. Хотин-қизлар орасидан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш вазифасини ҳал этишида Москвада очилған қилинган ўзбек аёллар маориф институти катта роль тинади, бу институттага ўзбек қизларидан ўн нафари юборилди. Нил сайин бу илмгоҳга тобора кўпроқ талабалар юбориб турилди.

1924—1925 йилларда муаллиmalар тайёрлашни кучайтиришга фирқа ва шўро идоралари зўр эътибор бердилар. Ўзбек йиллари учун маориф институтларидан ташқари Тошкент, Самарқанд ва Бухорода ўзбек ва тоҷик қизлари учун педагогика техникумлари очилди. Шу йилларда жумҳурият маориф халқ комиссарлиги уларни педагоглар билан анча мустаҳкамлади. Аёллар маориф институтини битириб чиқкан кишилар техникумларга ишга юборилди. Масалан, Самарқанд қизлар педагогика техникумидан Зуҳра Ёқубова, Мақсуда Сулаймонова, Фотима Ўқжалева, Иқбол Акбархўжаевалар, Фарғона техникумларида Ҳалима Шоумарова, Зайнаб Садриддинова, Газиза Аҳмадоновалар, Қашқадарёда Нортожи Абдуллаева, Хосият Мусина, Йайнаб Файзулина ва Зарабшонда Фанифа Масудова, Олия Кашариждинова ва бошқалар ишлар эдилар.

Маориф ходимларининг съездида "Ўзбекистонда хотин-қизлар таълимни" тўгрисидаги маърузада таъкидлаб ўтилганидек, жумҳуриятнинг барча мактабларида 1300 нафар ўзбек қизи таълим оладистган, шундан 725 киши Тошкент ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиётган эди.

1925—1927 йилларда Самарқандада, сўнгра Тошкентда ва Ўзбекистонда бошқа баъзи шаҳарларида муаллиmalар тайёрлайтилган янги курслар очилди.

Жумҳурият ўқитувчиларининг ижтимоий-сиёсий турмуши ҳам фаоллашди.

Ўзбекистон шўро идоралари, жойлардаги халқ таълимни бўлимлари педагогика ўқув юртларини кўпайтириш ва кенгайтириш учун кўп куч-ғайрат сарфладилар. 1926/27 ўқув йилига қелиб жумҳуриятдаги 17 та педагогика маориф техникуми ва институтида 2685 ўқувчи таълим олар эди.

Гарчи ўзбек ишли ва деҳқон аёллари орасидан ўқитувчи ғуллар тайёрлаш соҳасида кўп иш қилинган бўлса ҳам, ҳали улар етарли эмас эди.

1927 йилда жумҳуриятнинг педагогика ва бошқа ўқув юртларида 8,5 мингдан кўпроқ хотин-қизлар таълим олди, уларнинг

¹ ЎзССР Марказий давлат архиви. ф. Р-90, оп. 1 д. 242, л. 188, 242.

аксарияти ўзбек, тохик қизлари ва бошқа туб жой миллатларнинг вакилалари эди. Шу ўқув юртларида таълим олиб чиққан кўп кишилар кейинчалик хизмат кўрсатган педагоглар, йирик жамоат ва фан арбоблари бўлиб стишилар.

Бундан ташқари Ўзбекистонда маориф халқ комиссарлиги мактабгача тарбия муассасаларига саводсизликни тутатиш мактабини битириб чиққан аёлларни юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу вақтта келиб ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар соҳасида пайдо бўлган янги вазифалар ўрта ва олий малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш соҳасида янада кўпроқ куч-гайрат сарфлашни талаб қиласди.

1926—27 ўқув йилида жумҳурят шаҳарларида 20 тадан кўпроқ педагогика техникуми ишлар, уларда 2,6 мингдан зиёд ўқитувчи ва қиз таълим олар эди. 1927 йилда Самарқандда педагогика институти очилди, 1933 йилда у дорилфунунга айлантирилди. Бу илм даргоҳи халқ хўжалиги, маданият ва маорифи учун юқори малакали кадрларни тайёрлай бошлади. Шу ўқув юртларини битириб чиққан кишилар, ҳақиқатан ҳам, келажак авлоднинг мураббийлари, янги турмушнинг фаол жон-куярлари сифатида майдонга чиқдилар.

Жумҳурятни дастурий йўл-йўриклири мұваффақиятли равишда амалга оширилганлиги педагогика ўқув юртлари таромогини кенгайтиришни ва улардаги талабаларни кўпайтиришни таъминлади. Шунга мувофиқ равишда жумҳурятдаги ўқитувчилар сони кўпайди. Масалан, 1922—23 ўқув йилида 1465 ўқитувчи, 1924/25 ўқув йилида 2748, 1928/29 ўқув йилида 6308 ўқитувчи тайёрланди.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики 1922—1929 йилларда жумҳурятнинг ўқитувчи кадрлари сони қарийб 4,3 баравар, қишлоқ мактабларининг ўқитувчилари сони эса 15 баравардан зиёд кўпайди. Бу ютуқлар келгусида болаларни таълим-тарбияга тўла-тўқис жалб қилиш вазифасини ҳал этиш учун кўп сонли миллий муаллимлар тайёрлаш ишини янада кенгайтириш имконини берди.

Туркистан давлат дорилфунуни Ўрта Осиё халқ' хўжалиги ва маданиятининг турли тармоқлари учун мутахассислар, шу жумладан педагоглар тайёрлади. Чунончи, 1921—24 йилларда дорилфунунда 200 дан кўпроқ, 1928 йилда эса 251 нафар муаллим тайёрланди. Уларнинг кўпчилиги районларга, вилоятларга ишга юборилди. Айни вақтда маҳаллий миллатлардан ўқишига қабул қилинган талабалар 1921 йилдаги 157 кишидан 1928/29 ўқув йилида 223 кишига етди. Ҳозирги миқёсларга

бу маълумотлар арзимас бўлиб кўринса ҳам, бироқ ўша пайтда бу рақамлар дорилфунунинг дастлабки мұваффақиятнidan дарак берар эди.

Шу вақтта келиб дорилфунунда илм-фанинг турли соҳалари бўйича мутахассислар стиширишга қодир бўлган малакали профессор-муаллимлар туркуми шаклланган эди. Бу ерда 70 профессор, 250 дан кўпроқ муаллим, 100 нафар ординатор һәм илмий ходим ишлар эди. Дорилфунунинг профессор-муалимлари орасида маҳаллий миллатлардан дастлабки муаллимлар ишлар бўлди. 1928/29 ўқув йилида дорилфунун муаллимлари һәм илмий ходимлари (аспирантлари) орасида Ўрта Осиё миллатларига мансуб етти киши бор эди.

Бу илм-фан даргоҳида ҳам аёллардан, айнича маҳаллий миллатларнинг вакилларидан мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳаводида ётибор берилар эди. Дорилфунун талабалари ва битириб ўқитувчилари орасида уларнинг сони аста-секин кўпая борди, һуза юқори малакали муаллимлар тайёрлашда, шунингдек ған ва маданиятни ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Дорилфунун талабалари орасида турли миллатларнинг фарваридлари бор эди. Қардошларча ўзаро ёрдам шароитида бирганинда таълим олиш миллий маҳдудлик, чекланганликни, миллатчилик ва шовинистик кўринишларини бартараф этишига ҳунарлашди. Дорилфунун ректорати ва ташкилоти бошқа ўқув юртларидан муаллимларни жалб этиш билан бирга ўзи этишибириб чиқарган кадрларни ҳам илмий ишга ва дарс беришга ортиди. 1922—23 ўқув йилида дорилфунунини битириб чиққанлардан 113 киши шу ернинг ўзида ишлаш учун олиб қолинди.

20-йилларнинг охирига келиб муаллимлар тайёрлаш муаммоси нокан ҳал этилди ва бошлангич мактабларнинг ўқитувчиларидан ўро мактаби талабларига жавоб бера олмайдиганларини элакдан таъзиз учун ўқитувчиларни аттестация қилиш имконияти ҳам вужудга келди. Бу мұваффақиятларни амалга ошириш натижасынан, мамлакатимиздаги илғор, бир мунча ривожланган миллатлар томонидан ўзбек халқига берилган бегараз ёрдам туфайли таъзизлди. Миллий муаллим кадрларни вужудга келтириш ва тарихдан самарали фойдаланишдек жуда қийин мұаммо тариханасында муддатда ҳал этилди.

Хулас, 20-йилларда Ўзбекистонда халқ таълимими ривожлантириш, туб миллатлар орасидан малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш соҳасида муайян ютуқларга эришилди. Шу ютуқларга таъзиз кейинги йилларда мактаблар қурилишини, миллий мұалим кадрлар тайёрлашни кенг миқёсда авж олдириш, болалар

на ўсмирларга ёпласига таълим ва тарбия бериш вазифасини мувваффақиятли ҳал этиш мумкин бўлиб қолди.

Янги иқтисодий сисёатни амалга оширишнинг илк босқични мамлакат олдига пайдо бўлган мұхим ҳалқ хўжалик вазифалари мамлакатни электрлаштириш, жуда қисқа муддатларда янги замон фабрикалар қуриш, саноатнинг янги тармоқларини барпо этиш вазифалари фан ва техникани ривожлантириш даражасини оширишни талаб қилди. Бу дастурни турмушга татбиқ этиш учун олима маълумотли кўпдан-кўп илмий ҳодимлар ва мадакали мутахассислар тайёрлаш зарур эди. Бироқ, 20-йиллар даврида янги илмий мутахассисларни тайёрлаш савиғаси ҳар ҳолда мамлакат ҳалқ хўжалигининг ошиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолаётган эди. Инқиlobдан аввалигэ эски мактаб тайёрлаб берган оз сонли эки мутахассислар асосан муаллимлар фаолияти билан банд эди. Табии таънлар соҳасидаги мадакали мутахассислар йўқ эди. Бу эса мамлакат олдига ишчи ва деҳқонлар орасидан янги илмий кадрларни имкон борича жадал тайёрлаш вазифасини қўйди.

1920/21 ўқув йилида Туркистон давлат дорилфунуни ҳузурида бир қанча илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилиб, улар кенг миқёсли илмий изланишлар дастурини амалга оширишни киришиди. Мавжуд ва янги ташкил этилган илмий тадқиқот институтлари — тупроқшунослик ва геоботаника, соғи ва амалии математика, химия, зоология, ботаника ва география институтлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Йигирманчи йилларда илмий-тадқиқот ишларининг энг мақбул ташкилий шакллари сабот билан изланди. Маблаг ва асбоб-усурун куналар камлигига қарамай, илмий тадқиқотлар яхши натижада берар эди. Бу ишлар Ўрта Осиё ҳалқ хўжалигини ривожлантириш йўналишлари ва эҳтиёжларига мувофиқ олиб борилди.

Туркистон дорилфунунининг профессор-муаллимлари талабаларни илмий ишга жалб этишга кўп эътибор бердилар. Талабаларнинг тўғараклари ташкил қилинди. Чунончи 1921 йилда техника (муҳандислик-мелиораторлик) факультетида тўғарак ташкил қилинди, 1922 йилда қишлоқ хўжалиги факультетида агрономия тўғараги ва физика факультетида математика тўғараги вужудга келди, шарқ факультетида илмий тўғарак ишлар эди.

Мавжуд илмий жамиятлар ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ва кўпдан-кўп янги илмий жамиятлар пайдо бўлди. 1922 йилда шу жамиятларнинг энг каттаси — Туркистон илмий жамиятининг 84 нафар фаол аъзоси бор эди, унинг умумий йигилишида 220 киши қатнашарди.

20-йилларнинг бошларида Туркистон ветеринария жамияти,

Россия география жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон илмий тиббист жамияти ва бошқалар ҳам барпо этилди. Туркистон жумҳурияти ҳалқ маорифи институти илмий кенгашининг фаолияти тўғрисидаги 1922 йил 25 июлдаги маърузаси юзасидан мазкур бош бошқарма чиқарган худосада, жумладан, "жула оғир моддий шароитга қарамай, барча илмий жамиятлар маҳаллий табиатни ва умуман ўлкани ўрганиш соҳасида анчагина жадал иш олиб борди", деб таъкидланган, бундан ташқари Туркистон илмий жамияти "ўз фаолиятининг миқёси ва характеристи жиҳатидан марказий илмий жамиятнинг фаолиятидан қолишмайди, деб қайд этилган эди.

20-йилларда Ўзбекистонда фалсафа фанни қарор топа бошлади, илгари орқада қолган регионнинг ўзиға хос шароитида иқтисодий, ижтимоий ва маданий қурилишнинг дастлабки қадамлари назарий идрок этилиб, диалектик ва тарихий материализм қондадари қарор топа бошлади. Ўрта Осиёда ўрта асрларда ва янги даврда ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожланиш тарихи масалалари ишлаб чиқилди, классикларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ишлари олиб борилди. А. Авлоний, С. Али, Н. Саъдий, Х. Мусасев, И. Хонсуваров, Н. Ҳаким, А. Ҳакимий, Ҳ. Файзий, И. М. Мирошкина бу соҳада унумли ишлар қилишди.

Социалистик қурилишнинг янги босқичини белгилайдиган вазифаларга мувофиқ равишда мамлакат илмий кадрларини тайёрлашни планлаштириш ва ташкил этиш талбир-чоралари кўрилди.

1925 йил 11 сентябрда "Мутахассисларнинг иши тўғрисида" қабул қилган қарорда мамлакат ҳалқ хўжалигини ва маданийтини юксалтиришнинг наъбатдаги вазифалари "Мутахассисларнинг жуда яқиндан ва жуда фаол иштирокидагина" ҳал этилиши мумкинлиги таъкидланган эди. Тез орада маориф ҳалқ комиссарлиги "Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида илмий ҳодимлар тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги маҳсус низомга тасдиқлади. Бу ҳужжат аспирантура орқали илм-фан кадрларини ташкилий жиҳатдан тайёрлашга асос солди. Бироқ қайта тиклаш даврининг охиригача шўро давлати мутахассислар тайёрлашнинг ташкилий шаклларига ўта олмади. 1917—1925 йилларда бу системанинг асосларигина вужудга келтирилган эди.

1924 йилда Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳурияти барпо этилганлиги илм-фанни ривожлантириш ва илмий кадрларни вояга стказиш учун янада қуляй шароит яратди, олимларнинг тадқиқотчилик иши учун янги истиқболлар очди.

Йигирманчи йилларнинг бошларида эътиборан илм-фанни ривожлантиришда ва илмий кадрлар тайёрлашда Ўрта Осиё

жумҳуриятларига Россия фанлар академияси ёрдам бериб келди. Фанлар академиясининг президенти А. П. Карпинский ва доимий котиб С. Ф. Ольденбург ҳомийлигида академия ҳузурида иттифоқдош ва муҳтор жумҳуриятларни тадқиқ этадиган алоҳида комитет тузилди. Улар 1920 йилнинг апрелида Ўрта Осиё ишлаб чиқарувчи кучларига бағишлиган биринчи конференцияни уюштиришга киришдилар. Бу тадбир ўлканинг табиий ресурсларини ва маданият муаммоларини тадқиқ этиш ишларини кучайтиришга кўмаклашди. Академиянинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш комиссияси таркибида Туркистон бўлими ишлаб турди, унга академик Бартольд бошчилик қилди.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб РКП(б) Марказий Комитетининг "Илмий тадқиқот муассасаларининг ишлаб чиқариш билан алоқасини ўрганиш тўғрисида"ги 1925 йил 12 январь қарори чиққанидан кейин Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот ишлари бирмунча режали тус олди. Тадқиқотчиларнинг бутун диққат эътибори халқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим муаммоларга қаратилди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йил ноябрда бўлиб ўтган II съезди республиканинг эндиғина пайдо бўла бошлаган фани олдига қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий ва маданий-намунавий ишни бирлаштириш ўйланини қатъият билан ўтказиш, Ўзбекистонда минерал ўғитлардан фойдаланишга оид муаммоларни ишлаб чиқиши, Ўзбекистондаги мавжуд минерал ўғит конларини қидириб топиб, қазиб олишни ташкил этиш вазифасини йўлга қўйди.

20-йилларнинг иккинчи ярмида илм-фанни ривожлантириш турмушнинг барча соҳаларидағи ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар билан чамбарчас боғлиқ эди. Аввал бошданоқ илм-фан халқ хўжалигига хизмат қилдирилди. Геодезия соҳасидаги ишлар, 20-йилларда ўтказилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аҳоли рўйхати, этнография тадқиқотлари миллий давлат чегараланиши ва ер-сув ислоҳотларини ўтказишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ўлканинг табиий бойликлари, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари ҳар томонлама чуқур ўрганилганлиги мамлакатни социалистик асосда саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини қайта қуриш вазифасини муваффақиятли ўтказишига кўмаклашди. Шу йилларда республикада бир қанча янги илмий-тадқиқот муассасалари барпо этилди, улар ирригация, пахтачилик, тиббиёт соҳаларида иш бошлаб юбордилар ва қелгусидаги салобатли илмий марказларни ташкил этишига киришдилар. Улар орасида бир қанча тиббиёт илмий тадқиқот муассасалари, тропика тиббиёти инс-

тиутлари (1924 йил), Ўзбекистон паразитология ва гельминтология илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа илмгоҳлар бор эди. Айни вақтда ўнлаб янги илмий-тадқиқот муассасалари вужудга келтирилди, уларнинг зиммасига мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш вазифалари билан, саноатнинг янги тармоқларини, янги техникани яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этиш юқлатилгандир.

1924 йилда гидротехника институти ташкил этилди. У 1926 йилда сув хўжалиги илмий-тадқиқот институтига (кейинчалик САНИИРИга) айлантирилди. Ҳозир бу илмгоҳ сув муаммолари ва гидротехника институти деб аталади. Мазкур илмгоҳ ўша пайтдаги энг катта гидротехника иншоотлари қурилишида, тупроқнинг шўр ва зах босишига қарши курашда, шунингдек бошқа бир қанча ирригация-мелиорация ишларини уюштириш соҳасида бир қатор муҳим ишларни бажарди. Тажриба-сугориш станциялари ва гидротехника портлари тармоғи кенгайтирилди.

1926 йилда дорилфунун ҳузурида геология факультетининг Ўрта Осиё бўлими очилди.

1927 йилда Тошкент пиллачилик илмий станцияси негизида Ўрта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институти барпо қилинди, 1929 йилда бундан ҳам йирикроқ илмий марказ — саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият қурилиш соҳаларидағи мўътабар илмгоҳ — Ўзбекистон давлат илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Унинг негизида янги-янги илмий-тадқиқот илм-фан марказлари — маданий қурилиш, дәҳончилик ва саноат-иқтисодий институтлари тузилди.

Илмий-тадқиқот марказларининг фаолияти халқ хўжалиги турии тармоқларининг талаб ва эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Уларнинг хulosалари, тавсиялари ва таклифлари амалга оширилар эди. Масалан, ирригация институти (САНИИРИ) ерларнинг шўр ва ботқоқ босишига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиб, жорий этиди, ирригация системаларида сувдан фойдаланиш режаларини тузди, ирригация системаларини ишлатишнинг техникавий қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Ленин орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти 1929 йилда Халқ комиссарлари кенгашининг қарорига биноан ташкил қилинган эди. Бу илмгоҳ қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўйди. Аста-секин унинг Ўрта Осиё бир қанча жумҳуриятларида, Жанубий Қозоғистонда бешта марказий тажриба ва бир қанча ихтисослаштирилган станциялари барпо этилди. Пахтачилик, жумладан, селекция-уруғчилик тажриба станциялари-

даги илмий фаолиятни бирлаштириши лозим бўлган мазкур илм-фан муассасаси кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва унинг натижалари кенг кўламда жорий этилди. 1925 йилга келиб, республикада 40 нафарга яқин энтомолог ишлар эди. Улар гўза заараркунандалари ва касалликларини ўрганиш билан шугуллана бошлидилар.

Ирригациянинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамлани, жумладан, мавжуд Оқ қовоқ тажриба-суюриш стансияси кенгайтирилди, тўртта янги стансия очилди. Эндиги тадқиқотлар мажмуавий тус ола бошлиди. Гарчи биринчи галдаги вазифалар ўрнига истиқбол вазифалари ҳал қилинган бўлса ҳам, ҳар ҳолда суюриш системаларини лойиҳалаш ва ишлатиш масалалари республика қишлоқ хўжалигининг талаблари асосида ишлаб чиқилар эди.

Фарғонада, Мирзачўлда тупроқнинг шўр босишини ўрганиш ва унинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш билан шугулланувчи станциялар ташкил этилди.

1927 йилда шўрсувда кучли нефть фонтани отилиб чиқди. Цемент ишлаб чиқариш учун керакли хом ашёнинг катта-катта конлари қидириб топилди, шу туфайли Хилково цемент заводи кенгайтирилди ва Кувасой цемент заводи қурилди. Нодир metallлар, қўроғошинли рудалар, мис, олтин, мармар конлари очилди.

Вақтни аниқ ўлчашни талаб қилувчи маҳсус илмий тадқиқотлар ривожланганлиги ва социалистик хўжаликнинг талаблари кучайганлиги эътиборга олиниб 1926 йилда биринчи даражали вақт хизмати ташкил этилди.

Ярим ўтказгичлар физикаси соҳасидаги илмий ишлар ҳам 20-йилларда ўтказила бошлаган эди. 1926 йилда Ўрта Осиёда қуёш энергиясидан фойдаланиш асосида ишлайдиган дастлабки тажриба қурилмаси, қуёш нуридан фойдаланиб иситадиган бир қанча рўзгор асблоблари, тажриба иссиқхоналари қурилди. Радиоэлектроника соҳасидаги тадқиқотлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон шароитида об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган мутахассислар — метеорологлар тайёрлаш айниқса катта аҳамиятга эга эди. Метеорология соҳасидаги тадқиқот ишлари Ўрта Осиё Метеорология илмий-тадқиқот институтида марказлаширилди, бу институт ўз фаолиятининг миқёси ва аҳамияти жиҳатидан Совет Иттилоғида иккинчи ўринда турар эди.

Институтнинг метеорология тармоғи 1925/26 йилнинг ўзида 100 тага, яна бир йилдан кейин эса 150 тага етди. Бу муассасалarda юқори малакали мутахассислар самарали меҳнат қилиб илмий фаолиятни маҳаллий миллат вакиллари орасидан ёш илмий кадрлар тайёрлаш билан бирга қўшиб олиб бордилар.

Ўрта Осиё давлат дорилфунуни — САГУ миллий кадрларни сишиштириб берадиган ва Ўрта Осиё республикаларидағи, хусусан Ўзбекистондаги барча илмий муассасаларнинг фаолиятни мувофиқлаштирувчи ҳақиқий марказ бўлиб қолди. 1926-1927 йилларда факультетлараро муассасалар кенгаши тасдиқланди. Аввалига у еттита илмий тадқиқот институтини ва техникавий тадқиқотлар маҳсус усуслари лабораториясини бирлаштириди. Кенгаши асосий илмий-тадқиқотларни ўтказди. Тупроқшунослик ва геоботаника институтининг бир ўзи 1925 йилда 27 та турли ишни матбуотда зълон қилди.

1926 йилнинг бошларида республикада 20 та илмий жамият бор эди.

Олимларнинг куч-ғайратлари ҳалқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятта эга бўлган вазифаларни ҳал қилишга қаратилди, бу эса илм-фанинг ҳаёт билан, социалистик қурилишнинг амалий эҳтиёжлари билан алоқаси мустаҳкамланишига кўмаклашиди.

Чунончи, САГУ муҳандислик-мелиоратив факультетининг ходимлари пахтачилик бош бошқармаси ва сув хўжалиги бошқармасининг топшириқлари асосида ишладилар. Улар гидротехника ишоотлари ва ирригация системаларини лойиҳалаш усусларини ишлаб чиқиш билангина чекланмасдан, ўзлари энг катта гидротехника ишоотларини ва мелиорация системаларини қуриш ҳамда кенгайтириша фаол қатнашидилар.

Дорилфунун биологлари Ўрта Осиё республикалари соғлиқни саклаш ва деҳқончилик комиссарликларининг ҳамда бошқа бир қанча ташкилотларнинг буюртмаларига мувофиқ ишладилар. Илмий ходимлар безгакка қарши кураш муаммолари устида, дори-дармон олинидаган экинлар ва техника ўсимликларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган бошқа кўпгина масалалар устида тадқиқот ишлари олиб бордилар. Тупроқшунослик ва геоботаника институти ходимлари деярли бутун Ўрта Осиё ҳудудига экспедиция уюстириб, уни бошдан-оёқ ўрганиш чиқдилар.

Дорилфунунда Ўрта Осиё ҳалқ хўжалигини ва ишлаб чиқарувчи кучларини, қўшни мамлакатлар хўжалигини ўрганиш ҳам йўлга қўйилди. Кимёгарлар кўжалик ташкилотларининг буюртмаларига биноан органик синтез, ўсимлик мойлари ҳосил қилиш соҳасида самарали тадқиқотлар ўтказдилар ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалиги факультетининг ходимлари пиллачилик ва чорвачилик, қишлоқ хўжалиги экономикаси, гўза селекцияси, қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни механизациялашнинг долзарб муаммолари юзасидан ўтказган тадқиқотлар ҳалқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлди.

1926 ва 1927 йилларда дорилфунун географлари билан гидрометеорология институтининг раҳбарлари Урта Осиё дарёлари сув оқимининг музликларга боғлиқлигини ўрганиш юзасидан экспедиция ўтказдилар. Республика геологларининг ишлари кончилик саноатини ривожлантириш, фойдали қазилмаларни қидириб топиш учун катта истиқболлар очди. Геолог олимлар плавик шпат, минерал манбалар ва бошқаларни аниқлаш юзасидан қимматли тадқиқотлар ўтказдилар.

1929 йилда Ўзбекистонда САГУ ҳузурида биринчи аспирантура очиди. Унга олий ўкув юртини аъло ва яхши баҳолар билан битириб чиққан, илмий ишга қобилиятини кўрсатган йигит-қизлар қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида 56 нафар аспирант ташлаб олинди. Бу вазифа мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг кейинги йилларида, социализм асосларини барто этиш учун умумхалқ кураши бошланган пайтда аста-секин ҳал этилди.

20-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистонда 70 дан кўпроқ илмий-тадқиқот муассасаси бор эди (олий ўкув юртлари бу ҳисобга кирмайди), уларда мингдан ортиқ илмий ходим ишлар эди. Бу — мамлакатдаги барча илмий ходимларнинг 3,5 фоизига тўғри келарди. Маҳаллий миллатлар, жумладан ўзбеклар орасида илмий кадрлар тайёрлашни кучайтириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этила бошлади.

Шундай қилиб, бу даврда Ўзбекистонда вояга етган илмий кадрларнинг катта отряди илм-фанинг турли соҳаларида муайян муваффақиятларга эришдилар. Давлат бюджетидан республиканинг илмий-тадқиқот муассасалари эҳтиёжларига ва илмий кадрлар тайёрлашга тобора кўпроқ маблаг мажбутилганлиги бунга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Чунончи, 1926/27 ўкув йилида бу ишга 1 миллион 462 минг сўм, яъни 1925/26 ўкув йилига нисбатан уч ҳисса кўп маблаг берилди. Илмий ходимларнинг маошини оширишга қўшимча равища анча маблаг сарфланди. Илм-фан эҳтиёжларига маблагнинг кўпайтирилиши илмий тадқиқотларнинг моддий-техникавий базасини кенгайтиришга имкон берди.

Дорилфунун тибиёт факультети тарихининг бошлангич даври унинг моддий-техникавий негизини яратиш босқичи бўлди. Кейинги йилларда талабаларни ўқитиш билан бирга, собиқ кадетлар корпуси ҳудудида барча клиникалар ва кафедраларни жойлаштириш ишлари давом эттирилди, профессор-муаллимлар билан мустаҳкамланди, кафедра ва клиникалар ўкув қўлланмалари ва даволаш асбоб-ускуналари билан тўлдирилди.

1921 йилданоқ Туркистан дорилфунунинг тибиёт факультети дастлабки шифокорларни етиштириб чиқара бошлади. Шу

йили уни 20 киши битириб чиқди. Улар республикада соғлиқни сақлашни ривожлантириш ишига фаол қўшилдилар.

Тибиёт факультетининг дастлабки битириб чиқувчилари орасида А. А. Асқаров, Н. И. Исмоилов, З. И. Умидовалар бор эди. Уларнинг ҳаммалари кейинчалик профессор унвонига сазовор бўлишди. Зулфия Умидова эса дорилфунун таълимими олган биринчи ўзбек аёли бўлиб, кейинги йилларда СССР тибиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси бўлиб қолди. Мана шу қалдирғочлар ва уларнинг изидан борган кўпгина бошқа жонкуяр шифокорлар республика тибиёт фанининг та ниқли арбблари бўлиб етишдилар.

Тибиёт факультетининг барпо этилиши малакали шифокорлар тайёрлаш учунгина эмас, аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этишни тубдан яхшилаш учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Дорилфунун тибиёт факультетининг профессор-муаллимлар жамоаси ўқитиш-тарбиялаш фаoliyati билан бирга катта илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шугулланди. 1920 йилнинг майида дорилфунун қарамогига берилган Полторацкий номидаги касалхона тадқиқот ўтказиши ва илм-фан ютуқларини шифолаш тажрибасига жорий қилиш маскани бўлди. Бу ишга талабалар ҳам жалб қилинар эди. Асосий вазифаларни бажаришдан ташқари олимлар Урта Осиёда тарқалган касалликларни ўрганиш билан ҳам яқиндан шугулландилар. Айни тибиёт факультетининг профессорлари билан муаллимлари ўлкамизга хос бўлган бир қанча касалликларни биринчи бўлиб тасвиirlab бердилар.

1924 йилда тибиёт факультети ходимлари республика соғлиқни сақлаш ҳалқ комиссарлигининг кундалик ишларига: аҳолини амбулаторияларда қабул қилишга, шифокорларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этишга, сил, безгак ва шу каби касалликларга қарши курашга катта ёрдам бердилар.

1925 йилда олий малакали тибиёт ходимлари биринчи марта чиқарилди. Факультетни 88 киши битириб чиқди. Уларнинг ҳаммалари ишлаш учун вилоятларга жўнаб кетишли.

Маҳаллий миллатларга мансуб талабалар тобора кўпайиб борди. 1920 йилда бу ерда таълим олаётган 205 кишидан атиги 5 киши маҳаллий миллатларга мансуб бўлса, 1928 йилда 550 талабадан 45 киши маҳаллий миллат фарзандлари эди. Шу билан бир вақтнинг ўзида олий малакали мутахассислар кўпайди. 1925 йилда республикада 339 шифокор ишлаган бўлса, 1928 йилда уларнинг сони 1225 кишига етди. 20-йилларнинг охирига келиб, факультет ҳар йили Урта Осиё республикалари учун 100 га яқин малакали шифокор тайёрлаб берар эди. Бироқ,

мintaқанинг тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун булар ҳали етарли эмас эди.

1921—1930 йилларда тиббиёт факультетидаги таълим-тарбия ишлари билан бир ҳаторда барча клиникалар ва кафедраларни дорилфунун ҳудудида жойлаштириш, профессор-муаллимлар таркибини мустаҳкамлаш, кафедра ва клиникаларни ўқув дастурлари ва даволаш асбоб-ускуналари билан мукаммал таъминлаш, тиббиётга оид адабиётларни кўпайтириш ишлари олиб борилди.

1929 йилга келиб, факультет таркибida 11 та кафедра ва 16 та клиника бор эди.

Муаллимларнинг сифат таркиби йил сайин яхшиланиб, сифати ортиб борди, ўқув-моддий базаси кенгайди. Шу туфайли тиббиёт факультетидаги ўқув жараёнининг ва илмий ишларнинг савиаси ошиди. Маҳаллий миллатлардан етишиб чиқсан муаллимлар муттасил кўпая борди.

Тиббиёт ходимлари кадрларини тайёрлаш тўғрисидаги масала Узбекистон шўроларининг I съездидаги (1925 йил февраль) мушассал мұхокама қилинган эди. Съезд тиббиёт кадрларини тайёрлаш соҳасидаги камчиликларни кўрсатиб, мавжуд тиббиёт мактаблари тармоғи мутлақо етарли эмас эканлигини таъкидлади. Туб жой аҳоли фарзандлари учун янги, ўрта ва олий ўқув юртлари очиш зарурлигини уқтириди. 1925—26 йилги бюджетда ҳар бир вилоятда биттадан тиббиёт мактабини очиш ва унинг ҳамма ҳаражатларини бюджет ҳисобидан таъминлаш кўзда тутилди.

Узбекистонда ўрта мактабларда, институтлар ҳузуридаги тайёрлов курсларида ва айниқса ишчи факультетларидаги мутахассис кадрларни зудлик билан тайёрлашдек долзарб вазифа турар эди.

20-йилларда маҳаллий миллатларнинг фарзандлари орасида ўрта малакали медицина ходимларини тайёрлашга ва айниқса уларни республиканинг олис вилоятларига юборишга катта заҳамият берилди.

1922 йилда республика соғлиқни сақлаш ҳалқ комиссарлиги системасидаги тиббиёт мактаблари ва дорихоначилар тайёрлаш курслари 14 тага етган эди. Бу ўқув юртлари Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қарши ва бошқа шаҳарларда ёшларга тарбия берар эди. Уша вақтда республикадаги дорихоналарда 274 нафар фармацевт ишлар эди. 1924 йилда ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун Тошкентдаги Охунбобов номли мактаб ҳузурида фармацевтика бўлими очилди. Мактабнинг ўзи тиббиёт техниками деб атала бошлади, кейинчалик у республика билим юртига айлантирилди.

1926 йилда барча ўрта тиббиёт ўқув юртлари медицина политехникумларига айлантирилди, уларнинг доялик бўлимидаги ўқиши муддати уч йил, умумий профилдаги медицина ҳамширлари тайёрлаш бўлимидаги таълим муддати 2,5 йил эди. 1926—27 ўқув йилида уларда 658 киши, шундан 316 ўзбек, 1927—28 ўқув йилида 859 киши, шундан 406 ўзбек, 1928—29 ўқув йилида 869 киши, шундан 564 ўзбек ўқир эди.

Маҳаллий миллатларга мансуб талабалар тобора кўпая борди, маҳаллий миллатларнинг йигит-қизлари талабаларнинг 50 фозини ташкил этди. Шу йилдаги талабалар орасида Ҳ. Ф. Фафуров, К. Ҳ. Тоҳиров, А. С. Умаров, А. Г. Гуломов ва бошқалар эди. Уларнинг кўплари уста шифокор, илмий ходим, доцент ва профессорлар бўлиб етишилар.

Бу кадрлар мамлакатнинг ижтимоий-маданий тараққиётига катта ҳисса қўшилар.

Уша кёзларда ўрта Осиё мintaқасида кенг тарқалган ва айниқса гўдакларга қирон келтирган даҳшатли касалликларни тугатиш соҳасида ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта ишлар қилинди. Беззакка қарши курашда жиддий муваффақиятларга эришилди. Чечакка қарши биринчи бор ёппасига эмлаш ўтказилганида, юксак натижага эришилди, бу хавфли дард ёнгилди. Илгор тиббиёт назарияси даволовчи шифокорларга амалий йўл-йўриқ берар эди.

Узбекистон маорифни ҳалқа хизмат қилинган тўғрисидаги кўрсатмасини ҳал этиб, ўқитувчилар, илмий-педагог ходимлар, шифокорлар кадрларини тайёрлашда салмоқли муваффақиятларга эришилди. Бу кадрлар республика ҳалқ хўжалигини ривожлантиришга, маданиятни равнақ топтиришга, янги кишини тарбиялаб, юяга етказишига катта ҳисса қўшилар.

Ишлаб чиқариш-техника зиёлиларининг таркиб топиши

20-йиллар Узбекистон учун иқтисодий ва маданий тенгизликини тугатишида мұхим босқич бўлди. Илгари эзилган миллатлар ва элатларнинг иқтисодий ҳамда маданий қолоқлигини тугатиш зарур эди. Бошқача қилиб айтганда, миллатларнинг ҳуқуқий тенгизлигини бекор қилиш етарли эмас эди, улар ўртасидаги ҳақиқий тенгизликини тугатиш керак эди.

Иқтисодиётни ўзгартириш йилларидаги хўжалик сиёсати умуман бутун ҳалқ хўжалигининг манфаатларини ва миллий республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидан келиб

чиқадиган ўзига хос манбаатларни қатый ҳисобга олиш асосида амалга оширилди.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўзгартышларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш халқ ҳўжалиги учун кўп сонли мутахассисларни жадал тайёрлаш ва тарбиялашни талаб қиласар эди.

Туркистон Компартиясининг VI съездиде (1921 йил август) совет ҳокимияти ва касаба уюшмалари барча идораларининг диққат-эътиборини ҳунар таълимита жалб қилиш, яқин вақт ичидаги бу таълимни маҳаллий, малакали ва техникавий жиҳатдан тайёрланган ишчи кучига бўлган эҳтиёжларга мос келадиган миқёсда ривожланишиш зарурлигини таъкидлади. Шу съезднинг туб жой аҳоли орасида ҳунар-техника таълимими авж олдириш тўғрисидаги қарорига биноан Туркистон республикасининг халқ комиссарлари кенгаши "ҳунар таълимни комитети тўғрисида муваққат низом" чиқарди. Шу комитет зиммасига республикадаги барча маҳсус ўқув юртларига, шунингдек мактабдан ташқари ҳунар-техника таълимни мутахассисларига раҳбарлик қилиш вазифаси юқлатилди. Ҳунар таълимни комитети маориф халқ комиссарлиги таркибига киради ва унинг мактаб сиёсати умумий қоидаларига амал қиласар эди.

1921 йил 1 февралиде Туркистон ҳунар таълимни комитетининг ҳисобида тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, 17 та техника ва техника-иқтисодий ўқув юрти бор эди, бир йилдан кейин эса уларнинг сони 23 тага ва ўқувчиларнинг сони 2260 кишига етди. Улар орасида еттита техникум (Тошкент, Кўқон, Полторацда механика, Кўқонда электр механика, Тошкентда қурилиш техникуми ва кечки политехникум, Полторацда кечки механика техникуми), тўртта билим юрти (Полторац, Сармарқанд, Тошкентда) бешта ҳунармандчилик мактаби, тўртта турли ихтисос мактаблари бор эди.

Оширилган тоифадаги техникумлар техник ва муҳандисларни, ҳунар-техника билим юртлари турли ихтисослар бўйича усталар ва техник усталарни тайёрлар эди. 1921 йилнинг ноябрiddа турли тоифадаги техникумларнинг ўзида 690 киши ўқир эди.

Мана шу ўқув юртларининг ўқув режалари ва дастурларида ўқитишини республика халқ ҳўжалигининг ривожланиши хусусиятлари билан, ўқувни амалий турмуш билан боғлаб олиб бориш кўзда тутилган эди.

Маҳаллий миллатлар орасида халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари учун ўрта малакали мутахассисларни жадал тайёрлаш мақсадида доимий ўқув юртларидан ташқари кўпдан-кўп идо-

равий курслар ва мактаблар ҳам очилди. Масалан, 1923—24 ўқув йилида Туркистон ҳунар таълимни комитети ҳузуридаги идоралараро кенгашининг қарори билан туб жой аҳоли учун 150 кишилик кооператив курслар, 100 кишилик сув ҳўжалиги курслари, 50 кишилик ҳисобчи ходимлар, 100 кишилик ҳўжалик ходимлари, 100 кишилик пактачилик ходимлари курслари очилди.

1922 йилда Туркистон ҳунар таълимни комитети системасигина 28 та турли курс бўлиб, шунинг 24 таси Ўзбекистонда эди. Бу ерда ўқиган маҳаллий миллат ёшлари токар, чилангар, ўниувчи, машинист касбларини ўргандилар, қуви бўгин ишлаб чиқариш командирлари бўлиб етишдилар. Бу курсларда ўрта мактабларнинг ўқитувчилари, Туркистон дорилфунунининг талабалари, тажрибакор мутахассислар, партия-ҳўжалик ходимлари авр беришар эди.

Туркистон республикасида 1924 йилда 865 нафар ўқувчиси бўлган 11 та доимий ҳунар техникуми, 1416 ўспирин, шу жумладан маҳаллий миллатларга мансуб 726 нафар йигит ва қиз шугулланган 19 та фабрика-завод таълимни мактаби бор эди. Бутун республикада курслар, мактаблар, билим юртларининг қенг тармоги барпо этилди. Ҳар қандай қийинчилликларга, маблагнинг чекланганлигига ва ўқув юртларининг асбоб-ускунлари етишмаслигига қарамай, республиканинг ривожланиб бораётган саноати учун малакали мутахассисларнинг дастлабки отрядлари тайёрлана бошлади. Туркистон Компартияси VII съезднинг ҳузуридаги IV миллий кенгашининг ҳунар-техника кадрларини тайёрлаш тўғрисидаги қарорлари Ўзбекистонда ҳам ҳунар ўқув юртлари тармогини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашди. Туркистон ҳунар таълимни комитетига қарашли деярли барча техникумлар, мактаблар, билим юртлари 1923 йилдан бошлаб тўла-тўқис давлат маблаги билан таъминлашга ўтказилди. Масалан, 1921/22 ўқув йилида 6 та маориф институти, битта техникум ва учта тиббиёт мактаби тўла давлат таъминотига бўлган бўлса, 1923 йилнинг мартаидаги 33 та ўқув юртидан 22 таси давлат маблаги ва 11 таси республиканинг маҳаллий маблаги ҳисобидан таъминланадиган бўлди.

Туркистон ҳунар-таълимни комитети барча мактабларининг салкам 70 фоизи иттилоқ ҳукумати томонидан тўла давлат таъминотига ўтказилганлиги миллий ҳунар кадрларини шакллантиришга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Бу эса ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантиришнинг гарови бўлди.

1924 йилда ҳунар таълими системасидаги ўқув юртлари тармоғи 42 та доимий ҳунар-техника мактаби, билим юрти, техникумлардан иборат эди, улар орасида педагогика, техника, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, мусиқа, рассомчилик ва шу каби ўқув юртлари бор эди.

Қиз ва жувонлар техникумларга ҳамда ҳунар таълими мактабларига яхши жалб қилинмаганлиги маориф ҳалқ комиссарлигининг ва айниқса Ўзбекистон ҳунар таълими комитетининг ишидаги катта камчиликлардан бири деб ҳисобланар эди. 1924—25 ўқув йилида ҳунар-техника мактабларида ва техникумларда туб миллатларга мансуб бўлган 207 нафар қиз-жувон шуғулланар эди.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда 1924—25 ўқув йилида қизлар педагогика ўқув юртлари очилди. Уларда ўзбек ва тоҷик қизлари ўқий бошладилар. Москвадаги ўзбек қизлар маориф институтига талабалар қабул қилиш кенгайтирилди. Коммунистик партия раҳбарлигига ўтказилган жуда катта ишлар натижасида Ўзбекистонда ҳалқ хўжалигини тиклаш даврида ўқув юртлари кўпайиб, мустаҳкамланди, улар ҳалқ хўжалигинин турли тармоқлари учун ҳунар-техника кадрлари тайёрлаб бериш билан шуғулланди, таълим сифати яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигидаги социалистик ислоҳотлар ҳам деҳқонлар олдида турган вазифаларни амалий ҳал этишга қодир бўлган кўпдан-кўп малакали кадрлар тайёрлашни талаб қиласар эди.

Дастлабки аграр ислоҳотлар ва қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш жараёнида Туркистон республикасида ихтисослаштирилган пахтачилик кооперациясини, мелиорация ширкатларини ва жамоа хўжаликларининг бошқа шаклларини вужудга келтириш йўли билан пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантиришига алоҳида аҳамият берилди.

1921 йилнинг охирида Туркистон республикасидаги 60 та пахтачилик кооперативи 105 минг пахтакор деҳқонни бирлаштирадар эди. 1922 йилнинг ўрталарига келиб, республикада янада мелиорация-кооперация ширкатлари ишлай бошлади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди. Туркистонда қишлоқ хўжалик таълими масалаларига бағишинган ўлка деҳқончилик илми съездининг (1919 йил июн) қарорида қишлоқ хўжалиги соҳасида техник мутахассислар ва ташкилотчиларнинг мутлақо етишмаслигини тугатиш учун Туркистонда етарли миқдорда қишлоқ хўжалиги мактаблари ва курслари очиш зарурлиги таъкидланган эди.

Аввал бошда 2—3—4 йиллик махсус мактаблар қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлайдиган масканлар бўлиб хизмат қилини лозим эди, бу мактабларга етти йиллик умумий таълим мактабини тутгатган, шунингдек ўн йиллик умумий маълумотли ишилар бир-икки йиллик курс ва мактабни битиргандаридан ёни қабул қилинар эди.

1922—23 ўқув йилига келиб, Туркистон республикаси Маориф ҳалқ комиссарлиги мавжуд қишлоқ хўжалик ўқув юртларини ўзгартириб, тор ихтисос тоифасидаги тўрт йиллик таълим қишлоқ хўжалик билим юртларига айлантириди, уларда фақат туб миллат фарзандлари учун иккита тайёрлов группаси ташкил этилди.

Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда қишлоқ хўжалиги билим юртлари ишлаб турди, олтида билим юртида 60 дан кўпроқ киши таълим олар эди. Маҳаллий миллат қувчилари тобора кўпайиб борди. Айрим қишлоқ хўжалик билим юртларида улар 50—70 фойзни ташкил қиласар эди.

Ўрта қишлоқ хўжалик билим юртларининг ташкил этилиши уларнинг тармоғи ривожлантирилиши, маҳаллий миллат вакиллари уларга кенг жалб этилиши Туркистон шароитида ишни ва айни вақтда бенижоя қийин вазифа эди. Агар 1921 йилнинг бошларида ўрта қишлоқ хўжалик мактабларининг 212 нафар ўқувчисидан атиги 27 киши маҳаллий миллат вакили бўлса, кейинги йилларда кадрларни тақсимлаш ва уларни тайёрлашни яхшилаш юзасидан кўрилган таъсиричан чоралар натижасида ўрта қишлоқ хўжалик билим юртларида маҳаллий миллат қувчилари анча кўпайди. Қишлоқ хўжалиги таълими эҳтиёжларига давлат тобора кўпроқ маблағ ажратса борди. 1922 йилда шу тоифадаги мактаблар учун давлат бюджетида 6,2 миллион ўм, маҳаллий маблағлардан 7 миллион сўм ажратилди.

1921 йилдан бошлаб Қўқон, Андижонда ўзбек тилида таълим берадиган махсус қишлоқ хўжалик мактаблари, Самарқанд, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда қишлоқ хўжалиги техникумлари очилди. Шу билан бирга ташкилотчи кадрлар тайёрлайдиган турли курслар барпо этилди.

Республика қишлоқ хўжалиги ва ирригация соҳаси учун малакали кадрларга айниқса муҳтоҷ эди. Ҳамма жойда деҳқон шулар мактаблари, агротехникумлар, қишлоқ хўжалиги техникумлари очилди. Мутахассисларнинг бир қисми мамлакатнинг нарказий районларидан таклиф этилди.

Туркистон республикаси шўроларининг XII съездидан ер ишлари ҳалқ комиссарлиги идораларининг ишини асосий вилоят-

ларда юқори погонага күтариш учун агрономия хизмати йўқлиги ва техник ходимлар кадрлари старли эмаслиги жуда ташвишли эканлиги таъкидланди. Съезд қарорида Туркистонда қишлоқ хўжалиги таълимини ривожлантириш чораларини кўриш, қўйи ва ўрта ҳунар-техника мактабларини ва маҳсус курсларни мустаҳкамлаб, уларда ҳалқ хўжалиги учун техниклар, биринчи галда маҳаллий аҳоли орасидан агрономлар, ирригаторлар, маъмурий ходимлар тайёрлашни ривожлантириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

1924 йилда республикада учта қишлоқ хўжалик техникумидан ташқари учта қишлоқ хўжалик мактаби ва Ўрта Осиё сув хўжалиги политехникуми, 1924—25 йилларда Каттакўргон ва Термизда пахтачилик техникумлари очилди.

Ҳалқ хўжалигини тиклаш давридан 500—600 мутахассис тайёрлашга мўлжалланган олтида қишлоқ хўжалик техникуми ва мактаби (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда) ҳамда 597 ўринли олтида қишлоқ хўжалик мактаби айrim танаффуслар билан ишлаб турди. Бу эса пахта, пилла, қоракўл, қимматли техника экинлари ва мева етиширадиган асосий минтақа бўлмиш республиканинг эҳтиёжларини қондира олмаслиги табиий эди.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги механизаторларини тайёрлаш бениҳоя муҳим аҳамиятта эга эди. Шуни эътиборга олиб, партия ташкилотлари техника кадрларини етишириб берадиган мактаблар, техникумлар, билим юртлари, курслар тармоғини барпо этиш ва ривожлантириш юзасидан бир қанча чора-тадбирларни амалга оширилди.

Хоразм қишлоқ хўжалиги мактаби ҳузурида 1924—25 ўқув йилида қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўлими очилди. Самарқанд механика-техника билим юрти қайта ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги механика техникумага айлантирилди. Андижон механика билим юрти негизида далачилик ва пахтачилик бўлимлари бўлган қишлоқ хўжалиги техникуми барпо этилди.

Ирригация соҳасида, қурилиш ва қидириш-лойиҳалаш ишлари кенг миқёсда авж олганлиги, шунингдек сув иншоотларидан фойдаланишини тўғри уюштириш зарурлиги муносабати билан жуда кўп гидротехник мутахассислар керак эди. Бу ишларни ирригация соҳасига ихтисослашган транспортчилар асосан бажариб келар эдилар, аммо бундай мутахассислар ҳам кам эди. Шу сабабли қайта ишлаш даврининг дастлабки йилларида ирригация учун техника кадрлари масаласи кўндаланг бўлиб турар эди.

Инқилобдан кейин ирригатор мутахассисларнинг аксарияти шўро сув хўжалиги органларида хизмат қила бошлаганлигини

нинги номинациянига қадамлоҳот юллабынгилдук националь тарз қлатиб ўтмоқ керак. Туркистондаги сувориш ишлари кенг қулоч ғанилиги сабабли бу ерга кўпгина мутахассислар кела бошладилар, жумладан, гидротехник ва мелиоратив мұҳандислар республикадаги сув иншоотларини қайта тиклаш ва ирригатор кадрлар тайёрлаш ишига бошчилик қилдилар.

Шундай қилиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида барпо этилган қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари ўлка деҳқончилиги учун жуда зарур бўлган мутахассисларни етишириб бера бошлади. 1927 йилга келиб, Ўзбекистонда ёттига қишлоқ хўжалик ўқув юрти ишлар, уларда 924 киши тўйым олар эди.

1927 йилда бўлиб ўтган республика иқтисодий кенгаши Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитини ва маҳаллий аҳоли орасидан малакали зоотехник кадрлар тайёрлаш зарурлигини эътиборга олиб, Самарқандда зоотехниклар учун 25 ўринли кундузги бўлим очишига қарор қилди.

Янги иқтисодий сиёсатни ўтказиш даврида туб миллатларнинг ғарзандлари орасидан сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлашиб ёриш энг зарур вазифалардан бири бўлди. Бунинг учун 1924 йилда гидротехникум очилди. Келгуси йилданоқ унда 135 киши ўқир эди. Уларнинг 25 фонзи маҳаллий миллатларга мансуб ишлар эди. Ўша йилнинг ўзида гидротехникумнинг кечки бўлимида 288 киши таҳсил кўрди. 1928 йилда гидротехникум Ўзбекистон сув хўжалиги боғқармаси қарамоғига ўтказилди, бу табиби бўлажак мутахассисларни тайёрлашни яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги кўнижмасини ҳосил қилиш имконини берди. Амалий ишларга кўп эътибор қаратилди. Туркистон Республикаси Советлари марказий ижроия комитети билан Ҳалқ комиссарлари кенгашининг 1924 йил 11 июлдаги маҳсус қарорига биноан барча қишлоқ хўжалик мактабларига ҳар бир ўқувчи ҳисобига 1/10 десятина ҳисобидан ер участкаси ажратиб берилди.

1924—1925 йиллар мобайнида ўрта маълумотли 115 нафар техник тайёрланди, сув хўжалиги соҳасида ишловчи 120 техник маҳсус курсларда ва мактабларда ўз малакасини ошириди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин Ўзбекистон ССР Маориф ҳалқ комиссарлиги ҳузурида Ўзбекистон ҳунар таълими комитетининг бўлими тузилди. Шу вақтта келиб, Ўзбекистондаги 51 та ҳунар таълими мактабида 684 киши ўқир эди. Бундан ташқари Москва, Қозон, Боку ва намлакатнинг бошқа шаҳарларидағи ўрта техника ўқув юртларида ҳамда турли ҳунар мактаблари ва курсларида 546 киши шугулланар, улар орасида 283 нафар ўзбек бор эди.

Ўқув бинолари, қўлланмалари, ётоқхоналар етишмаслиги қишилоқ хўжалик ўқув юртлари тармогини барпо этишини қийинлашибтирас эди. Техникумлар баъзан мутлақо мосланмаган биноларга жойлаштирилар, бу эса ўқув ишига салбий таъсир кўрсатар эди. Баъзи техникумларда хоналар етишмаслиги сабабли машгулотлар икки-уч сменада олиб борилар эди. Шу сабабли олий ўқув юртларининг ва техникумларнинг талабалари учун янги ўқув бинолари ҳамда ётоқхоналар қуриш чора-тадбирлари кўрилди.

Ўрта Осиёда ҳалқ хўжалигини социалистик негизда янгилаш феодал-мустамлакачилик ўтмиши сарқитларини тугатишни билдирад эди. Бу эса Ўрта Осиё ҳалқларининг Иттифоқдаги барча ҳалқлари билан ҳақиқий тенг ҳуқуқлилигига эришишга кўмаклашар эди.

1925 йилнинг февралида иттифоқ ҳукумати миллий жумҳуриятлар ва вилоятларни ривожлантириш эҳтиёжларини қондириш учун алоҳида фонд яратди. 1924—25 йилларда Ўзбекистоннинг бюджетида ўз даромадлари улуши 38 фоизни ташкил этди. 1925—28 йилларда саноатни ва қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш ҳамда янгилашга иттифоқ бюджетидан Ўзбекистонга 106 миллион сўм ажратиб берилди.

Мамлакатни саноатлаштиришнинг дастлабки йиллари аслида республиканинг энергетика базасини қуришнинг илк даври бўлди. ГОЭЛРО планида Ўзбекистонда Бўзсув ГЭСини қуриб битказиш ва йирик ёқилғи билан ишлайдиган электр станциялари — Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз, Марғилон электр станцияларини ишга тушириш кўзда тутилган эди.

Уларни кадрлар билан, малакали ходимлар ва муҳандис-техник хизматчилар билан таъминлаш ҳам муҳим эди. Айни шу пайтда Россия федерациясининг корхоналарига малака ўрганиш учун республикадан анчагина ишчилар юборилди. Чунончи, Ўзбекистон республикаси ҳалқ хўжалиги олий кенгаши раёстининг қарорига биноан Москва обlastидаги Зарайск фабрика- завод таълими мактабига ўзбек ўқувчиларининг катта бир гурӯҳи юборилди. Улар Самарқанд, Қўқон ва Андижон шаҳарларидан танлаб олинган эди.

Олий малакали мутахассислар ва ишлаб чиқариш ташкилотчилари сони муттасил кўпайиб борди. Тошкентда саноат академияси ҳамда Ўрта Осиё политехника институти ташкил ҳилинди. Миллый кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни тайёрлаш учун хўжалик ходимлари ва ишлаб чиқариш директорларининг ўлка курслари ташкил этилди.

Давлат кўрсатган жуда катта ёрдам, кўп миллатли

совет ҳалқининг фидокорона меҳнати республика саноат ишлаб чиқариши учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлашда катта муваффақиятларни таъминлаб берди.

Ўрта Осиё республикаларининг миллий-давлат чегараланиши ва уларнинг ССР Иттифоқи таркибига кириши ҳалқ хўжалиги комплексларини янада жадалроқ ривожлантириш, иттифоқ ҳукуматидан ва барча қардош ҳалқлардан моддий ёрдамни кучайтириш учун шароит яратди.

1924/25 йилларда республика саноатини тиклаш жараёни жадаллаши. 1925 йилнинг бир ўзида Ўзбекистонда 249 та саноат иншоти қайта тикланди. Ўзбекистонни социалистик негизда саноатлаштириш ўлканинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва жумҳуриятни аста-секин мамлакатнинг ривожланган районлари даражасига кўтарди.

Ўрта Осиёни социалистик саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини замонавий негизда ўtkазиш учун ҳалқ олдида турган вазифаларни амалий ҳал этишга қодир бўлган кўпгина малакали кадрлар тайёрлаш зарур эди. Шундай бир шароитда Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг аҳамияти ва масъулияти кескин куҷайди. Дорилфунун жамоаси совет шарқининг республикалари ҳалқ хўжалиги етакчи тармоқларига мутахассислар етиштириб беришни кўпайтириди. 1922 йилда 24 агроном-мутахассисни етиштириб чиқарган 1923 йилда талабалар сонини 400 нафарга етказган дорилфунун бу вазифани ҳал қилишга тобора кўпроқ ҳисса қўша бошлади. Бунинг учун унда янги факультетлар ташкил ҳилинди.

Дорилфунуннинг техника факультети талабалар қабул қилишни аста-секин кўпайтириди. Бу ерда сугориш, темир йўл, кончилик ва механика иши соҳасидаги мутахассис мұҳандислар тайёрланар эди. Бу факультет дастлабки мутахассисларни тикланиш даврининг охиридагина етиштириб чиқаришга муваффақ бўлди. 1923—1924 йилларда 16 киши мұҳандис дипломини олди.

Агрономия факультети дорилфунуннинг энг катта факультетларидан бирига айланди. Тез орада у зарбдор факультет дебтан олинди. Агрономларни жадал суръатлар билан тайёрлаш эҳтиёжи шуни талаб қилас эди. 1924 йилда факультетда 415 талаба таълим олар эди. У яхшилаб жиҳозланган ва энг қобилиятили илмий педагог кучлар билан мустаҳкамланган эди.

Деҳқончилик тажриба майдонлари ва деҳқончилик илми билан шугулланувчи ходимлар кўпайди. 1924 йилда Ўзбекистонда 51

Ўзбек биоэнергетикаларни, стокхоналар стокимасидаги жана таңдашқончилик тажриба майдони бўлган бўлса, 1927 йилда улар 76 тага етди. 1928 йилда эса пактасоюз системасидаги 99 та деҳқончилик тажриба майдонида 119 агроном ва 56 механизатор ишлар эди.

Деҳқончилик-тажриба пунктларида, қишлоқ хўжаликларида, тажриба станцияларидаги ва ижара пунктларидаги кўчатхоналарда ҳам агротехник кадрлар тайёрланди. Шу муассасаларнинг малакали мутахассис ходимлари бу ердаги машгулотларни ўтказиб турдилар. Ўқиш тажриба далаларида, боғларда, кўчатхоналарда ўтказилганлиги сабабли айниқса амалий таълим жуда самарали бўлди. 1927—1928 йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 230 тадан кўпроқ деҳқончилик тажриба муассасалари бор эди, улар қишлоқ хўжалиги билимларини кенг тарғиб қилдилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритишнинг илғор усулларини деҳқонларга ўргатдилар.

Коммунистик партияянинг янги барпо этилаётган колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигидаги кадрларнинг тоявий-сиёсий ва агротехника билимларини кўтаришга қаратилган энг муҳим тадбирлари орасида шаҳарнинг, ишчилар синфининг қишлоққа оталиқ ёрдами алоҳида ўрин олди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1927 йил ноябрда бўлиб ўтган VI съезди қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берди. Беш йиллик режанинг қишлоқ хўжалигига оид бўлимида айниқса туб жой аҳоли орасида деҳқончилик илмини биладиган мутахассисларни тайёрлашни кўзда тутадиган тадбирларни ишлаб чиқиши, шунингдек қишлоқдаги ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган усулларини қўллаш йўли билан деҳқонларнинг маданий-техникавий савишини оширувчи тегишли чора-тадбирларни кўриш зарурлиги шу съезда таъкидлаб ўтилди.

Октябрь инқилобига қадар муҳандис нималигини билмаган жумҳуриятда кўрилган чора-тадбирлар натижасида 20-йилларнинг охирига бориб 574 нафар муҳандис-техник ходим тайёрланди.

20 иччий йилларда қишлоққа бориб ишлашини тарғиб қилишини ўйлга қўйиш таклиф этилган эди. Ишчилар орасидан қишлоққа юборилган бригадалар йил сайин кўпая бошлади. Улар орасидан қишлоқ хўжалигининг раҳбар ва техника кадрлари етишиб чиқа бошлади.

Ўзбекистон шароитида ишчилар факультетларининг, шунингдек олий ўқув юртларига ва техникумларга ёшларни тайёрлайдиган курсларнинг аҳамияти айниқса катта бўлди. Бундай

факультет ва курслар биринчи беш йиллик давомида 41 баравар кўпайди.

Миллий ишчилар факультетлари тузилди. Ўзбекистондаги биринчи мана шундай факультет 1927 йилда ва яна учтаси 1929 йилда очилди. Ишчилар факультетларининг икки тоифаси бор эди. Улар кечки ва кундузги таълимни йўлга қўйган эдилар. Кечки таълим тўрт йилга, кундузгиси уч йилга мўлжалланган эди. Бундан ташқари сменали ва сиртқи ишчилар факультетлари ҳам ташкил этила бошлаган эди.

1927 йилда ташкил этилган Тошкент ишчилар дорилғунуни шу даврда муҳандис кадрлар маконига айланди, бу ерда ишчилар корхоналарда ишлаб туриб таълим олдилар ва кейинчалик саноатнинг кўпгина тармоқлари учун малакали ходимлар бўлиб этишдилар. 1928/29 ўқув йилида Тошкент ишчилар дорилғунунида ижтимоий-иқтисодий бўлим талабаларининг 83/3 фоизи ва техника бўлими талабаларининг 91,7 фоизи иш билан ўқишини бирга қўшиб олиб борди. Улар орасида Ильич номли заводнинг металчилари, темир йўл устахоналарининг ишчилари, қурувчилар ва бошқалар бор эди.

Ишчи дорилғунунларида маҳаллий миллатлар орасида мутахассислар тайёрловчи маҳсус бўлимлар ташкил этилди.

Шундай қилиб, ҳалқ хўжалигини янада ривожлантириш — мамлакатни саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий инқилобни амалга ошириш вазифалари меҳнаткашлар оммаси орасида айниқса маҳаллий миллатлардан янги мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммосини кўндаланг қилиб ўйлган эди.

Адабиёт ва санъат арбоблари

20-йилларда ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш жумҳуриятнинг сиёсий-хўжалик ва маданий ютуқлари билан узвий равишда боғлиқ эди. Совет адабиётининг янги иқтисодий сиёсатга ўтиш давридаги ривожланиш вазияти бениҳоя мураккаб эди. 20-йиллардаги адабий ҳаётда турли-туман мағкуравий ва бадиий оқимлар, гурӯҳлар мавжуд эди. Бу даврда "соғ санъат" деган буржуза назариясига ҳам, ўтмишнинг илғор меросига менсимай қараш ҳолларига ҳам қарши кескин кураш олиб борилди. Ёш ўзбек совет адабиёти ўткир мағкуравий кураш жараёнда камол топиб борди.

20-йилларнинг бошларида ўзбек адабиётида икки оқим яққол кўзга ташланар эди.

Биринчи оқим инқилобни, шўро ҳокимиятни бажонидил қабул этган ёзувчилардан иборат эди. Улар янги маданиятни, шу жумладан совет адабиёти ва санъатини барпо этиш ва ривожлантиришда фаол қатнашдилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Завқий ва бошқалар шу оқимнинг намояндлари жумласига кирап эди. Улар ўз асарларида инқилобни мадҳ этдилар, шўро ҳокимияти душманларининг кирдикорларини фош этдилар, уларнинг инқилобий руҳдаги шеърлари, қўшиқлари, пъесалари кенг ҳалқ оммасининг дилига яқин ва онгига тушунарли бўлиб, янги ёргу ҳаёт учун, жамиятни ижтимоий жиҳатдан янгилаш учун курашга дайвават қиласр эди.

Адабиётдаги иккинчи оқим намояндларининг қатъий сиёсий эътиқодлари йўқ эди. Уларнинг аксарияти иккиланиб туради эди. Аммо зўр ташвиқотчилик иши натижасида улар аста-секин шўро ҳокимияти тарафига ўтиб, кейинчалик чинакам ҳалқ ёзувчилари ва шоирлари бўлиб олдилар.

Ўтмиш сарқитларига қарши кураш ўзбек адабиётининг етакчи жанрларидан бўлган сатира ва юморда ўз аксини топди. Шу пайтдаги ўзбек сатирасининг қарор топишида сатира ва юмор жанрида бой тажрибага эга бўлган рус адабиётининг таъсири кучли бўлди. В. Маяковский, Демьян Бедний ва бошқа қалам соҳибларини ёш ўзбек сатиравчилари ўзларига устоз деб билдилар.

Энг пешқадам ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар ижодий ўюшмаларига бирлашдилар. Жанговар журналистлар эса ўз маҳоратларини пишиқтириб, гоявий жиҳатдан чиниқиб, фаол ижтимоий фаолиятга шўнгигиб кетдилар.

Ўзбек совет адабиётининг савиасини янада ошириш, санъаткор зиёдлар кадрларини тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасида муҳим тадбирлар рўёбга чиқарилди. 1921 йил 1 январь куни Тошкентда Ўзбекистон зиёдларининг биринчи қурултойи очилди. Унда адабиёт тўғрисида, атамашунослик ва ўзбек имлосини ислоҳ қилиш тўғрисида маърузалар тингланди. Мафкуравий ишнинг кучайиши кўп жиҳатдан совет вақтли матбуоти юксак гоявийлигига ва жанговар инқилобийлигига боғлиқ эди.

1922 йилнинг январидан бошлаб Тошкентда Туркистан Марказий Комитетининг нашри — ўзбек тилидаги "Инқилоб" журнали нашр этила бошлади. У иқтисодий ва сиёсий турмушни батафсил ёритди, партия билан шўро ҳукуматининг мамлакат иқтисодиёти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган сиёсатини тушунтирадиган тарғиботчилик мақолаларини ўзлон қилди. Республика-нинг маданий турмушига оид хабарлар бериб борди. Унинг

саҳифаларида ўзбек шоирлари ва ёзувчилари ўз асарлари билан тез-тез қатнашиб турдилар. Масалан, Садриддин Айнийнинг "Бухоро жаллодларининг ўзаро сұхбатлари" асари шу журналда биринчи бор ўзлон қилинди. Абдулла Қодирий, Шокир Сулаймон, Саъдий ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари ҳам журналхонларга тақдим этилди.

Ўзбек миллий романнавислигининг асосчиси, умуман ўзбек совет прозасининг пешқадами Абдулла Қодирий ўша давр зиёдларни орасида энг мўътабар зотлардан эди. У ўзининг "Ўтган кунлар" романини (1922 йил) яратиб, ўзбек адабиётини сифат жиҳатдан янги погонага кўтарди. Инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида кашшофларга ҳамиша ҳам қийин бўлади. Абдулла Қодирий яшаган таҳликали даврда бадиий ижод аҳллари айниқса мураккаб аҳволда қолган эди.

"Ўтган кунлар" романи Туркистанда шўро ҳокимияти эндиғина қарор топган бир пайтда ёзилган эди. 1926 йилда у алоҳида китоб тарзида босилиб чиқди ва дарҳол китобхонлар ўргасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Бироқ, кейинги бир неча йил давомида роман матбуотда ҳам, катта адабий анжуманларда ҳам муносиб баҳоланмади.

Ўша 1928 йилнинг ўзида А. Қодирийнинг асари "Муштум" журналида жуда салбий баҳоланди. Мақола муаллифи асарни янги тузумни тан олмайдиган бир нарса деб таърифлади. Шундан кейин ўзини "илгор" адиллар жумласига қўшган ҳар бир адабий арбоб Абдулла Қодирийни дунёдаги жамики гуноҳларда айлашга "ҳисса" қўшишни ўз бурчи деб ҳисоблади. 1937 йилда уни ёзувчилар ўюшмасидан ҳайдадилар, сўнгра қамоқقا олиб, отиб ташланди.

Шунга қарамай, шахсга сигиниш билан боғлиқ бўлган қатагонлар, адабиётдаги оғмачиликлар деб аталган ҳолларга қарши курашларга қарамай, Ўзбекистондаги адабий жараён муттасил ривожланиб бораверди. Ўша даврда республика ёзувчилари яратган бир талай асарлар ҳақли равиша ўзбек совет адабиётининг ҳазинасига қўшилди.

Кўпгина ёш адиллар вақтли матбуотда ишладилар. Бу ерда улар ҳаёт тажрибасини ўрганиб, маҳорат мактабида сабоқ олиб, кейинчалик стук ёзувчилар қаторига қўшилдилар.

1925 йилда ўзбек тилида 17 та газета ва журнал 48325 нусхада нашр қилинар эди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда маҳабий жанрларнинг нашрлари ташкил этилди. Улар орасида "Ер юзи", "Гулистон" ва сатирик "Муштум" журналлари айниқса ҳалқ орасида машҳур бўлди. Бундан

ташқари турли-туман тўпламлар ва хрестоматиялар, бадиј асарлардан парчалар босилиб турди.

Ўзбек адабиётида совет воқелигини акс эттириш тобора катта ўрин олди. Ёзувчиларнинг турмуш билан, социалистик қурилиш билан алоқаси кенгайди. Назм, наср, драматургия ривожланиб борганлиги, халқ оғзаки ижодиётига эътибор кучайланлиги, асарларнинг мавзу доираси кенгайланлиги 20-йиллар ўзбек адабиётига хос хусусият бўлди.

Инқилоб туфайли эркин нафас ола бошлаган ўзбек хотин-қизлари орасидан ҳам истеъодли ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқди, Манзура Собирова адабиётта Ойдин таҳаллуси билан кириб келиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг адабий анъаналарини давом эттириди. Болаларга аталган ҳикоялари билан машҳур бўлган Д. Оппоқова, шунингдек ўша йилларда ном қозонган Ҳосият Тиллахоновалар маҳаллий матбуотда тез-тез кўрина бошлидилар.

Публицистиканинг аҳамияти анча оши. Ҳамза ва Айнийдан кейин Отажон Ҳошимов, Сотти Ҳусайн, Наим Саид, Зиё Саид, Аъзам Аюб, Комил Алиев кабилар публицистика жанрида қалам тебратдилар. Улар маҳаллий иқтидорли ёшларни тарбиялаб вояга етказишга, адабий тақиҷиличикни ва таржима адабиётини ривожлантиришига катта ҳисса қўшдилар. Меҳнаткашлар оммасига бадиј сўзининг таъсири кучая борди.

1928 йилда адабиёт соҳасидаги маслакдошлар "Қизил қалам" жамиятига ва пролетар ёзувчилар ўзбек ислом уюшмасига бирлашдилар. Бу ташкилоглар муайян босқичда ўзбек совет адабиётини ривожлантиришда, совет ёзувчиларининг кучларини бирлаштиришда ва адабиётдаги миллатчилик оқимларига қарши курашда кўп иш қилди. Кейинчалик "Қизил қалам" жамияти негизида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ташкил топди.

Шу даврда қардош республикалар ёзувчилари ва шоирларининг шахсий алоқалари қарор топиб, кенгая борди, Ўрта Осиё ва Қозогистон адабиётларининг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Шундан кейинги йилларда миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирларини ўзаро бойитишлари тобора кучайди.

20-йиллар маданияти, адабиёти ва санъати ривожини таҳлил этганда, шуни таъкидлаб ўтиш керакки мамлакат партия-давлат, раҳбарияти ўрнаттан маъмуриятчилик-бўйруқбозлик тартиботи, 20-йилларнинг иккинчи ярмида мустаҳкам қарор топган бирор-ратизм мамлакат турмушининг ҳамма соҳаларига салбий таъсир

қилди. Шу йилларда адабиёт ва санъатнинг энг яхши намояндалари онгли равишда ва аниқ мақсадни кўзлаб қувгин остига олинди ва қатағон қилинди.

Ўзбекистоннинг дастлабки журналистларидан Қосим Сорокин, Муҳаммад Ҳасан, Аъзам Аюб, Зиё Саид, Абдусалом Ниёзий, Анқабой Қўйбоқаров, Аҳмаджон Ёқубов, Отажон Ҳошимов, Воис Раҳимийлар ҳам халқ душманлари деб эълон қилинган эдилар. Улар "Қизил Ўзбекистон", "Правда Востока", "Ёш ленинчи" рўзномаларининг, "Муштум", "Ер юзи" ва бошқа ойномаларнинг муҳаррирлари бўлиб ишлаб турган пайтда 1937 йилнинг сентябррида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг ялпи мажлиси уларни миллатчиликда айблаб, халқ душманлари деб асосиз равишда эълон қилганлиги ҳозирги кунда бизга маълум.

Ўша йилларда қатағон қилинган ва ноҳақ тақиҷид тиги остига олинган шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, санъат арбобларининг асарларини ўқиши ман қилиниб қолмай, шу билан бирга ўзбек адабиёти ва санъатидаги бутун-бутун даврларни ўрганиш ҳам тақиҷиб қўйилган эди. Ҳозир ҳақсиз равишда қоралангандан кўпдан-кўп адабиёт ва санъат арбобларининг асарлари ҳам халқка қайтариб берилди.

Юқоридаги бобларда Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби истеъодли шоирларнинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси, фидоийлик билан олиб борилган маърифатпарварлик ишлари ҳақида гапирган эдик. Бу ўринда уларнинг таржимачилик соҳасидаги ишлари хусусида бир шингил гапириб ўтмоқчимиз.

Жумладан, Чўлпон ўзбек халқини жаҳон бадиј адабиёти ютуқларидан баҳраманд этиш учун кўп иш қилган эди. 20-йилларда таржима соҳасида унинг олдига тушадиган киши жумҳуриятимизда йўқ эди. У А. С. Пушкиннинг шеърлари, достонларини, "Борис Годунов" тарихий драмасини, И. С. Тургеневнинг "Ася" ва "Оқар сувлар" қиссаларини, Н. В. Гоголь, А. П. Чеховнинг ҳикоя ва қиссаларини, Т. В. Шевченко, Абулқосим Лохутий, А. Серафимович ва Орешникнинг шеърлари ва романларини, М. Горькийнинг "Она" романини, Д. Бедний, А. Блок, В. Брюсовнинг шеърларини, В. Шекспирнинг "Ҳамлет" ва "Отелло" трагедияларини, Рабинранат Тагорнинг шеърлари ва ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилди. Унинг таржима асарлари ўзбек адабиёти ва театрни ривожлантиришни, республикада маданий ҳаётни қулф урдиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлди.

Ўйноқи шеърлар ва чуқур фалсафий ҳикоялар ва қиссалар муаллифи бўлган Фитрат эса шарқ тилларини ўрганиш, шарқ

мусиқа меросини тиклаш ва тарғиб қилиш соҳасида кўп беназир ишлар қилди, маданият-маърифат, ўқув ва илмий-тадқиқот институтларининг фаолиятида жонбозлик кўрсатди, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент олий ўқув юртларида талабаларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. У ўзбек драматургияси ва театрини ривожлантиришга муносиб улуш қўшди.

Фитратнинг шарқ классик адабиёти соҳасидаги тадқиқотлари зўр илмий аҳамиятга эгадир. У Алишер Навоий, Умар Ҳайём, Лутфий, Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Бедил, Фурқат, Муҳиммий, Нодира ва шу каби улуғ зотларнинг ижодини ўрганди, йигди, тартибга солди ва тарғиб қилди.

Фитратнинг жуда бой илмий ва бадиий меросидан фақат матбуотда зълон қилинган қисмигина сақланиб қолган, қўлзэмалари эса йўқолиб кетган.

Қатагон қилинган ёзувчи ва шоирлар орасида 24 ёшли Усмон Носирнинг ўзига хос ўрни бор эди. Атиги беш йиллик адабий ижодиёти давомида у бешта шеърий тўплам нашр этди. Иқтидорли шоирнинг бутун адабий мероси ана шундан иборат. Унинг ҳибсга олиниш арафасида ёзган ва зълон қилинмай қолган шеърлари тақдиди эса ҳозиргача маълум эмас. У қамоқда ҳам кўлгина шеър ва достонлар ёзганлиги маълум. Навқирон шоирнинг бизгача етиб келган шеърлари ҳамон ҳалқ томонидан зъозозлаб ўқилмоқда. Бундан ташқари Усмон Носир А. С. Пушкиннинг "Боғчасарой фонтани" М. Ю. Лермонтовнинг "Иблис" достонларини ўзбек тилига таржима қилди. Бу иккала достон шу қадар моҳирона таржима қилинганки, ундан кейин бошқа бирон шоир уни қайтадан таржима қилишга журъат эта олмади.

Шундай қилиб, 20-йиллар ўзбек совет адабиёти шакллана бошлаган илк давр ҳисобланади. У кўп миллатли совет адабиётининг бир қисми сифатида камол топди. Ўзбекистоннинг санъаткор зиёлилари ҳам шу даврда шаклланиб, вояга ста бошладилар.

Совет жамияти тараққиётининг ҳамма босқичларида ўзбек ҳалқининг маънавий турмушида театр санъати катта ўрин олиб келди.

20-йилларда республикамизда вужудга келган ўрта мусиқа ўқув юртларида ўзбек йигит ва қизлари рус бастакор ва мусиқашунос муаллимлар раҳбарлигига нота ёзувини ўргандилар, жаҳон ва рус классик мусиқаси ҳамда театр санъати билан ошно бўлдилар. Янги миллий санъат кадрлари шу жойларда таълим-тарбия олдилар. Москва, Ленинград, Боку ва мамлакат-

нинг бошқа йирик шаҳарлари олий ўқув юртларида Ўзбекисто, учун кўпгина истеъодли санъат арбоблари тайёрланди. Маҳаллий шлардан театр олий ўқув юртларига юбориш учун танлаш нақсадида Москва ва Тошкентнинг етакчи драма, опера ва рақс санъати арбобларидан тузилган максус комиссия ҳар йили Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларига борар эди. Шу йўл билан республиканинг энг олис жойларида, ҳалқ орасида вояга таётган чинакам истеъодли ёшлар танлаб олинар эди. Уларнинг тўплари кейинчалик Ўзбекистон миллий санъатининг таниқли арбоблари бўлиб етишдилар, фахрий унвонларга ва давлат нукофотларига сазовор бўлдилар.

Янги тоифадаги театрлар учун мутахассислар тайёрлаш муаммоси Москва ва Бокуда миллий студияларни ташкил этиш йўли билан ҳал этилди, чунки ўша йилларда Туркистонда максус студиялар ва мактабларни ташкил этиш жуда қийин эди.

Ҳаётчан профессионал театр жамоаларини мустаҳкамлаш, ҳалқ санъати усталарини бирлаштириш, шунингдек ҳаваскорликни кенг миқёсда авж олдириш зарур эди. 1923 йил ёзида Москвада Бутуниттироқ қишлоқ ҳўжалиги кўргазмаси очилди. Унда миллий артистларнинг чиқиши кўзда тутилган эди. Шу нақсадда Ўзбекистонда истеъодли артистларни танлаш иши авж ишниб кетди. Москвага ўзбек мусиқачилари, қўшиқчилари ва иққос-раққосаларининг катта бир гуруҳ юборилди. Ёш ўзбек санъаткорлари ватанимиз пойтахтига ўзига хос гўзал шарқона руҳ багишлаб, томошибинларни кушнуд этдилар.

20-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистонда кенг қулоч маданий қурилиш шароитида гоявий жиҳатдан етук бадиий театрни барпо этиш зарур бўлиб қолди. Москвадаги Ўзбекистон мюориф уйида уч йиллик театр студияси, Бокуда эса маҳаллий театр техникуми ҳузурида студия ташкил қилинди. 1924—25 ўқув йилида улар Ўзбекистондан дастлабки ўқувчиларни қабул илди. Москвага юборилган 24 кишилик гуруҳ орасида М. Йиур, А. Ҳидоятов, М. Назрullaев, С. Табиуллаев, Г. Исомов, Ҳ. Ҳидоятова, Т. Султонова, Т. Сайдазимова, Ш. Қаюмов ва башкалар бор эди. Ҳ. Носирова, С. Алиева, З. Қобуловлар Боку студиясида ўқидилар. Москва студиясининг муаллимлари, таниқли актёр ва режиссерлар уларга устоzlик қилдилар.

Рус ва озарбайжон устоzlарининг саҳий кўмаги билан ёш ўзбек артистлари реалистик санъат сирларини ўзлаштиридилар, мураккаб ҳиний вазифаларни ҳал этиш усусларини ўргандилар. Шуларнинг ҳинмаси студиянинг ҳар бир талабасида мустақил малакали санъаткорга хос хусусиятларни шакллантиришга кўмаклашди.

Студия талабалари актерлик маҳорати билан бирга санъат шунослик ва ижтимоий-сиёсий фанларни ҳам ўргандилар, дарсларда мамлакатнинг сиёсий ва маданий турмушига хос бўлған долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Натижада талабалар нинг актерлик кўникумалари сайқал топди, умуман уларнинг санъатга бўлган қарашлари шаклланди. Студияларни битириб чиқсан ёш артистлар Тошкентга қайтиб келишгач, Тошкент давлат мусиқали театри мусиқали драма театрига айлантирилди. Унинг репертуарида рус ва гарбий европа классик ҳамда совет пьесалари пайдо бўлди.

Ўзбекистон компартияси I съездининг /1925 йил февраль, қарорида "Кино билан театр партия қўлида коммунистик маврифат ва ташвиқотнинг энг яхши воситалари бўлиб қолиши керак, шуни ҳисобга олиб, кенг ҳалқ оммасининг, партия ва касаба ташкилотларининг эътибори маҳаллий тилларда соглом кинолар яратишга қаратилиши зарур, айниқса қишлоқ жойларда, ташвиқот-тарғибот мақсадида кўчма театр группаларини уюштириш ҳам лозимлиги алоҳида таъкидланганди.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун театрга юксикоявий ва юқори малакали мутахассислар керак эди. Улар социалистик қурилиш жараёнида, шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек санъатини ривожлантириш асносида тарбияланиб бордилар.

Ўзбекистонда кино санъатининг юзага келиши ва ривожланиши социалистик мазмунга монанд келадиган янги ифода усулларини излаш даврига тўғри келди. 20-йилларнинг ўрталарида рус режиссёrlари томонидан ўзбек ҳаётига бағищланган "Ажал минораси" ва "Мусулмон аёл" деган дастлабки бадиий фильмлар яратилди. Бу фильмлардаги ролларни рус актёрлари ижро этган эдилар.

Кино санъатини оёқда тургазиши даврида иқтисодий ва ижодий тусдаги бир талай мушкулотларни бартараф этиш керак бўлди. Йқтисодий қўйинчиликларни бартараф этиш бирмунча осонроқ бўлди, чунки давлат кинематографиянинг эҳтиёjlари учун йий сайин кўпроқ маблағ ажратаверди. Маҳаллий кинематографиянинг ва кино ходимлари миллий кадрларининг йўқлиги эса республика кино санъатини ривожлантириш жараёнини тўсқинлик қиласарди.

Ўзбек кино санъатининг қалдирғоч мутахассисларини ҳан Москва ва Ленинград ўқув юртлари тайёрлаб беришди. Ўзбекистондан борган йигит ва қизларга рус совет киносининг стакки усталари таълим беришди.

Ўзбек ёшларининг дастлабки гуруҳи 1927 йилнинг августидаги мамлакатимиз пойтахтига ўқишига юборилди. Улар орасида Й. Аззамов, С. Искандаров, М. Раҳимов, А. Умаров, Р. Пирмуҳамедов, М. Расулов, Р. Аҳмедов ва бошқалар бор эди. Улар практикага Ўзбекистонга келишганида, Тошкент кинофабрикаси суратга олиш гуруҳларида ишлаб, ўқиш пайтида олган назарий билимларини ижодий равишда қўллар эдилар.

Кино санъати мутахассисларини доимий ўқув юртларида тайёрлаш билан бир қаторда жамоатнинг ўзида артистларга тарбия бериш ҳам ташкил этилди. Кино фабрикасига келган ўзбек ёшлари фильmlарни суратга олишда қатнашиш жараёнининг ўзида кинематография билимларини эгаллаб олдилар.

Кино санъатини ривожлантириш манфаатлари актёрларни, режиссёrlар, операторлар, сценарийчиларни янада зудлик билан тайёрлашни талаб қиласарди. Шу боисдан жаҳон кинематографиясига, унинг моҳир усталарига ёрдам сўраб мурожаат этилди, улар кино ходимларининг миллий кадрларини тарбиялашда бажонидил кўмаклашди.

Ўзбек турмушидан яратилган энг яхши фильмларининг ижодкорлари рус совет киносининг ижодий тажрибасини ёшларга ўргатишар эди, бу эса навқирон ўзбек кинематографиясини ривожлантиришдаги реалистик анъаналарни мустаҳкамларди.

20-йилларда П. Б. Беньков, В. И. Уфимцев, М. Е. Новиков, В. Л. Рождественскийлар Ўзбекистонда яшаб, ишладилар. Улар ўша пайтда очилган ҳунар ўқув юртларининг, кўпдан-кўп студияларнинг дастлабки муаллимлари бўлдилар. Бу санъат масканларида ўзбек йигит ва қизлари реалистик ранг-тасвири, графика, ҳайкалтарошлиқ асосларини эгалладилар.

Инқиlobдан аввали ўзбек тасвирий санъати асосан ёғоч ва ганч ўймакорлигидан, нақшкорлик ва сиркорликдан иборат эди. Мана шу анъанавий ҳалқ ижодкорлиги совет Ўзбекистонининг тасвирий санъатига оби ҳаёт бахш этган жуда бой булоқлардан бўлди. Уни ривожлантиришга рус реалистик санъатининг илғор демократик анъаналари жуда катта таъсир ўтказди. Шундай қилиб, 20-йилларда Ўзбекистонда санъатнинг турли жанрлари юзага келди. Совет санъаткор зиёлilarининг қалдирғоч кадрлари юнга ета бошлади. Улар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзгартириш ва маданий жиҳатдан ривожлантириш визифаларини ҳал этдилар, меҳнаткашларни ҳалқлар дўстлиги, совет ватанн парварлиги ва байнамилалчиллик руҳида тарбиялашдилар.

20-йилларда ижтимоий онгнинг ҳамма жиҳатлари, мамлакат

маънавий турмушининг барча соҳалари аниқ мақсадни кўзлаб, инқилобий руҳда ислоҳ қилини бошлаган эди. Ҳукуматнинг қарорларида ўтмишда орқада қолган халқларга уларнинг ҳақиқий тентсизлигини тутатишда, миллӣ зиёли кадрларни жадал тайёрлашда ҳар томонлама ёрдам бериш, бунинг учун маданий маърифий муассасаларнинг, умумий таълим ва ҳунар-техника таълими курслари ҳамда мактаблари кенг тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чораларини кўриш кўзда тутилган эди.

Инқилобдан аввал ўсиб, вояга етган зиёлилар қайта тарбияланганлиги, янги зиёлилар ўстириб, вояга етказилганлиги миллӣ зиёлиларни камол топтиришнинг энг муҳим соҳаларидан бўлди. Социалистик ислоҳотларнинг янги вазифалари халқ хўжалиги ва маданият учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашин тубдан яхшилашни талаб қиласар эди. Туркистон давлат университети барпо этилганлиги туфайли миллӣ зиёли кадрларни оммавий равишда тайёрлаш учун мустаҳкам негиз вужудга келди. Ўзбекистон маорифни халққа хизмат қилидириш, маданий фронт кадрларини: ўқитувчилар, илмий ходимлар, тиббиёт хизматчилари, санъаткор зиёлилар, маданият-маърифат жабҳасининг ходимларини тайёрлашда катта муваффақиятларга эришди. Олий ва ўрта ўқув юртларини барпо этиш йўли билан ишчи ва деҳқонлар орасидан янги муҳандис-техник зиёлиларни ва халқ хўжалиги мутахассисларини вояга етказиш вазифаси ҳал этилди. Шу билан бирга 20-йилларнинг охиirlарида қўйилган хатолар сабабли ўзбек зиёлиларининг энг яхши намояндлари қувгин остига олинниб, қатағон қилинганлиги энг аяичли воқеа бўлган эди.

Шундай бўлсада, зиддиятли, аммо ягона ижтимоий бирлик бўлмиш зиёлилар ўсиб, вояга етканлиги шу даврнинг муҳим ютуғи бўлди, бу зиёлилар ички табақалашувнинг чуқур ва хилма-хил шаклларига қарамай, тарихан таркиб топган ижтимоий гуруҳ бўлиб шаклланди.

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИ 30-ЙИЛЛАРДА

Янги яратувчилик изланишлари

30-йиллар мамлакат тарихида осойишта ва айни вақтда зиддиятли йиллар бўлди. Бу йилларда иқтисодиётда жуда катта ютуқларга, ижтимоий жиҳатдан туб силжишларга, сиёсий ва маънавий устқурмада зўр ўзгаришларга ҳам эришилди, сталинча истибод диктатураси мустаҳкам қарор топиб, бегуноҳ қулоқ

қилиш, очарчилик, оммавий қатағонлар оқибатида миллионлаб кишилар қурбон ҳам бўлди.

30-йилларда иқтисодиётда хусусий сектор тутатилди, зулмкор синфларнинг қолдиқлари йўқ қилиб юборилди. Республикаларнинг ҳуқуқий тенглиги иқтисодий тенглик билан мустаҳкамланди. Социалистик маданият шаклланди. Ижтимоий шахс қоидалари ишлаб чиқилди, инсоннинг маънавий қиёфаси янгиленди. Бу галабаларнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти шубҳасиз: айни 30-йилларда фашизм устидан қозонилажак галабанинг нетизлари яратилди.

Миллӣ зиёли кадрларни камол топтириш билан боғлиқ бўлган масалалар шу йилларда синчилаб ўрганиб чиқилди. Байнамилалчилик қоидаларига биноан халқлар ҳамкорлиги, мутахассис кадрларни юзага келтиришда илгариги қолоқ миллат ва златларнинг меҳнаткашларига ёрдам бериш дастури ишлаб чиқилди, республиканинг бир ёқадан бош чиқарип, ўз кучтагиратларини бирлаштириш йўли билангина, илғор миллатларнинг қардошларча ёрдами билангина илгари орқада қолган халқлар қисқа мuddатда у ёки бу минтақада яшовчи барча матларнинг вакилларини бирлаштирувчи ўз зиёлиларини тарбиялаб вояга етказа олишлари таъкидланди.

30-йилларда янги ижтимоий қатлам — совет зиёлиларининг шаклланиши асосан ниҳоясига етди. Аввалин ўн йилликда қилинган ишлар бу жарабённи поёнига етказиш учун негиз яратган эди. Аввало зиёлиларининг ижтимоий қиёфасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Биринчи беш йиллик бошланган пайтда Ўзбекистон зиёлиларининг ярми ишчи ва деҳқонларнинг вакилларидан иборат эди.

Зиёлиларнинг сон жиҳатидан ўғсанлиги сезилиб турарди. Масалан, дастлабки ўн йиллигидаги жумҳуриятдаги учта олий ўқув юртида 3876 талаба, 18 та қишлоқ хўжалиги техникумидаги 1445 киши таълим олган эди. 20-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистон халқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун 574 нафар муҳандис-техник ходим, 115 нафар ўрта маҳсус маълумотли техник тайёрлаб берилган эди.

Халқ хўжалигидаги, маданият соҳасида ҳам инқилобдан аввалин ички мактабни тамомлаган мутахассислар ва тажрибакор анчанина киши ишлаб турар эди.

Ижтимоий ва миллӣ таркибга асосий эътибор берилар эди: олий ўқув юртларига ва техникумларга талabalар асосан ишчи ва деҳқонлар ҳисобидан таалаб олинар эди. Масалан, 1929/30 ўқув йилида ишчилар факультетларидаги 2200 талабанинг 60,3

фоизини ишчилар, 23,5 фоизини деҳқонлар, 208 фоизини хизматчилар ташкил қиласында. Ишчилар дорилғаннаннаннан олинарди. Шу йилларда олий мактабда ўқувчи ўзбеклар сони бир неча баравар кўпайди.

Бироқ, мутахассис кадрларнинг ҳолати кенгайтирилган социалистик қурилиш вазифаларига мувофиқ келмас эди.

Биринчидан, улар нисбатан оз эди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, маданият, бошқарув соҳасида юқори малакали мутахассислар асло етишмас эди.

Иккинчидан, мавжуд мутахассис кадрларнинг маҳсус тайёр гарлик даражаси анча заиф эди. Масалан, саноатда муҳандис-техник ходимларнинг ярмидан кўпроги мунтазам равишда маҳсус таълим олмаган тажрибакор кишилардан иборат эди. Илмий тиббиёт муассасаларининг ходимлари орасидан умумий таълим ва ижтимоий тайёргарлик савияси бир мунча юқори бўлса ҳам, аммо улар сон жиҳатидан оз эди ва албатта, ақлий меҳнат ходимлари оммасининг маҳсус тайёргарлиги умумий таърифга жиддийроқ ўзgartиши кирила олмасди.

Шундай қилиб, дастлабки беш йиллик бошланган пайтда мамлакатда социалистик қурилиш, унинг малакали кадрларга бўлган жуда катта эҳтиёжи билан шу кадрларнинг етишмаслиги ўртасида номутаносиблик вужудга келган эди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатлари зиёли кадрларнинг ўсиш суръатидан ўзиди кетар эди. Бу номутаносиблик шундан иборат эдикни, муҳандис-техник, илмий-педагог кадрлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари асло етишмасди, малакали кадрлар турли минтақалар ўртасида бир текис таъминланмаганди, мутахассисларнинг анчагина қисмида касбкор билимлари паст эди. Бу мутаносибликнинг сақланиб қолиши халқ хўжалигини ривожлантиришга жуда тўсқинлик қилиши мумкин эди.

Ижобий ва салбий жиҳатларга эга бўлган даврнинг суронли воқеалари кўргина ижтимоий-иқтисодий жараёнларга, шу жумладан янги зиёлиларни вояга етказиш жараённинг таъсир қилганини табиий. Ижтимоий турмушнинг бошқа ҳамма соҳаларида бўлгани каби бу соҳада ҳам замон омили ҳал қилувчи роль ўйнади.

Янги зиёлиларни тарбиялаб вояга етказиш тадбирлари тартиботи аввалги даврдаги тартиботнинг бевосита давоми бўлди. Яъни эски мутахассислар шўро давлати томонига жалб этилиб, қайта тарбияланди. Ўқув юртларида янги кадрлар тайёрланди. Ишчи ва деҳқонлар юқори лавозимларга кўтарилди. Аммо энди бу жараён бошқача шароитда кечар эди.

Аввали мутахассисларни жалб этиш хусусида шуни айтиш

еракки, бу манбадан деярли фойдаланиб бўлинган эди. Энди ён уларнинг билими ва тажрибасидан янада самаралироқ фойдаланиш ҳақида, уларни янги дунёқараш ва дунёни янгича тушуниш йўлида қайта тарбиялаш жараёнини ниҳоясига етказиш ўтгисидагина борар эди.

Партия янги зиёлиларни вояга етказишда пастдан юқори кўтаришга катта аҳамият берган бўлса ҳам, бироқ бу усулнинг икланганлигини равшан пайқаб турар эди, чунки зиёлиларнинг ҳамма гурухлари сафларини ҳам шу йўл билан тўлдиришининг иложи йўқ эди. Бундан ташқари юқори кўтариб қўйилган ишиларнинг ҳаммаси ҳам мутахассислик вазифаларини бажариш учун билими етишавермас эди.

Янги тарихий шароитда олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш кадрлар муаммосини ҳал ишнинг асосий йўли бўлиб қолган эди.

Ўрта Осиёнинг бошқа жумҳуриятлари каби Ўзбекистонда ҳам Совет миллый зиёлиларини камол топтириш қийин ва зиддиятли шароитда давом этди. Олий ўқув юртларининг етарли эмаслиги, мавжуд олий мактабларнинг моддий базаси камбағаллиги, туб миллатларга мансуб кишилар орасида профессор-муаллимлар ва илмий кадрлар камлиги, саводсизлик даражасининг юқорилиги ва шу каби сабаблар олий малакали мутахассислар тайёрлашга тўсқинлик қиласи эди.

Шу билан бирга юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга кўмаклашувчи баъзи омиллар ҳам бор эди. Ўзбекистонга рус халқининг ва мамлакатдаги бошқа қардош халқларнинг ҳар томонлама ёрдами, шунингдек республика аҳолисининг илгор ва инг онгли қисми билим олишга иштиёки ва интилиши шу омиллардан эди.

Бироқ мана шу объектив ижобий тамоиллардан ҳамиша ҳам самарали фойдаланилгани йўқ. Халқ таълими идоралари олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларини ташкил этиш ва қайта тушиб ишиларни жуда пайсалга солдилар. Сиёсий бироронинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳисоботи юзасидан "Ўзбекистон партия ташкилотининг иши тўғрисида" 1929 йил 25 май куни қабул қилган қарорида республика халқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш учун зарур кадрларни тайёрлаш суръатлари пастлиги таъсилаб ўтилди. Ўзбекистонда муҳандислар мамлакатнинг марказий районларига нисбатан қарийб тўрт баравар кам эди. Қишлоқ хўжалигидаги 52 минг деҳқонга I агроном тўғри келар эди.

Иқтисодий ва маданий қурилиш муаммолари Ўрта Осиё шавлат дорилғаннаннинг тегишли факультетлари негизида тармоқ

олий ўқув юртларини ташкил этишни тақозо қилди. Эски олий ўқув юртлари қайта тузилди ва янгилари барпо этилди, уларга раҳбарлик қилиш яхшиланди. Мана шу чора-тадбирлар нати жасида олий мактабнинг ижтимоий турмушдаги ўрни ва аҳамияти анча ошди. Олий ўқув юртлари ўқувчиларининг ижтимоий таркиби ўзгарди: ишчиларнинг намояндлари кўпчиликни ташкил этди.

Қардош иттифоқдош жумҳуриятларнинг олий ўқув юртлари айниқса Москва ва Ленинград дорилғунуналари, шарқ меҳнаткашлари коммунистик дорилғунуни, Свердлов номли коммунистик дорилғуну, қизил профессорлар институти, Н. К. Крупская номидаги коммунистик тарбия академияси ва шу кабилар ўзбек совет миллий зиёли кадрларини тайёрлашга кўп жиҳатдан кўмаклашдилар.

Айни вақтда Ўзбекистон ҳам Ўрта Осиёдаги қардош жумҳуриятлар учун мутахассислар тайёрлади. 1932 йилда жумҳурият олий ўқув юртларини битириб чиққан мингдан кўпроқ дипломли мутахассис Ўрта Осиё миңтақаси халқ ҳўжалигининг масъул соҳаларига юборилди.

Ўзбекистон Компартиясининг V съезди (1930 йил июн) Ўзбекистон ҳўжалигининг ривожланиши, маданий талаб-эҳтиёжларнинг кучайиб бораётганилиги техника кадрлари тайёрлашин тобора кўпроқ талаб қилаётганини таъкидлadi. Съезд миллий пролетар мутахассис кадрларни камол топтириш соҳасидаги иш қониқарсиз эканини таъкидлadi ва фабрика-завод таълими мактаблари, шунингдек олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириши талаб қилди. Ишлаб чиқариш раҳбарларини, совхозлар, машина-трактор станциялари, фабрикалар, заводларнинг директорларини қисқа муддатли турли курсларда тайёрлаб, малакасини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Янги зиёлилар ўсиб улғайиши билан айни бир вақтда эски зиёлилар совет тузумини астойдил қўллаб-қувватлаш позициясига ўтдилар.

Бироқ, бу вақтда эски миллий зиёлилар оз бўлганлиги ва ижтимоий ҳаётда мамлакатнинг марказидаги каби катта роль ўйнай олмаслиги сабабли улар Совет ўқув юртларида таълим ва тарбия олган янги совет зиёлиларига аста-секин қўшилиб кетдилар. 30-йилларга келиб, эски зиёлилар узил-кесил шўро ҳокимияти позициясига ўтиб олдилар.

30-йилларда ҳам миллий зиёлиларни вояга етказишида ишчи ва деҳқонларни совет ва ҳўжалик фаoliyatiining масъулиятли соҳаларига кўтариб қўйиш ва уларни амалий ишда тарбиялаш сўнгра турли курсларда, мактабларда, коммунистик дорилғунуналар

ва академияларда ўқитиши усули аввалгилик мұхим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1932 йилда бўлиб ўтган V пленуми ишчи ҳамда колхозчиларни давлат ва ҳўжалик идораларида масъул раҳбарлик ишига кўтариш билан мунтазам шугууланиши таклиф этди.

Жумҳуриятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёти режаларини амалга оширишда шу даврда тарбияланган ва юқори лавозимларга кўтарилган таниқли партия ҳамда давлат арбоблари А. Икромов, Д. И. Манжара, Ф. Хўжаев, Ж. Обидова, В. И. Иванов, Й. Охунбобоев ва бошқалар жуда катта роль ўйнадилар.

Шўро давлатининг шўро ҳокимияти дастлабки ўн йиллигida янги зиёлиларни камол топтириш соҳасидаги сарфлаган куч-гайратлари туфайли кадрлар муаммоси жадал ҳал этила бошлади. Шундай бўлсада, бу йилларда мутахассисларга бўлган ва тобора ошиб бораверган эҳтиёжларни тўла-тўқис қондиришнинг иложи бўлмади.

Урушдан олдинги беш йилликларда ҳам пастдан юқори кўтариш ҳисобига мутахассис кадрлар тайёрлаш ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Бундан ташқари пастдан юқори кўтариш тартиб-қондаси мұхим ижтимоий вазифани — ақлий меҳнат ходимларининг умумий таркибида ишчи ва деҳқонларнинг салмоғини ошириш вазифасини ҳам бажарди.

Шундай қилиб, қобилиятли ишчи ва деҳқонларни раҳбарлик ишига кўтариш билан бирга кадрларнинг ўз касб-кор ва маданий савиясини ошириш имкониятини босқичма-босқич таъминлаб бордилар. Бироқ ўқишининг ташкил этилиши ҳамиша ҳам самарали эмас эди. Вақт ўтиши билан таълим ва тарбия ишларининг тобора мукаммал шакллари жорий этилиб, дипломли мутахассислар ва амалиётчиларни тайёрлаш даражаси аста-секин бир-бирига яқинлашиб борди. Мутахассисларнинг сафлари ўрта маҳсус мактабларда ва олий ўқув юртларида билим олган ўша ишчи ва деҳқонлар ҳисобига кенгаяверди.

20—30 йиллар оралигидаги шахсга сиғиниш сиёсати қарор топиши билан маданият соҳасидаги сиёсат ҳам, зиёлиларнинг жамиятдаги табақа сифатидаги аҳамиятига муносабат ҳам ўзгарди. Маданий сиёсатни амалга ошириш даврида одат бўлган холислик ва хайриҳоҳлик, санъат масалаларида ўзгача Фикрлашга сабр-тоқат билан қараш, истеъодли кишиларни ҳурмат қилиш, тўғрилик ва ҳалоллик каби фазилатлар аста-секин йўқолиб кетди. Инқилоб эълон қилган йўл ўрнини якка ҳокимлик, фан арбобининг, санъаткор ва ёзувчининг ижодий ишларига андишасизларча қўпол аралашиш, маданият соҳасидаги

ҳар қандай мустақилликни, эркин фикрлашни инкор этиш иллатлари болди.

Сталин советлар мамлакати зиёлиларининг том маънодаги туркираб турган қисмига — бутун умри инқилобий иш билан ўтган, озодлик курашида чиниқдан, подшо даврининг қамоқхоналари ва сургунларида бўлган заҳматкашларга асосий зарбани қаратиш режасини тушиб қўйган зди. У ўз режасини амалга ошириди ва рус ҳалқинингтина эмас, қардош жумҳуриятларнинг ҳам энг истеъодоли, энг садоқатли давлат арбобларини, олимлари, ёзувчилари ва санъаткорларини қатагон қилди.

Бу муаммо гарчи фанимиз томонидан муваффақиятли равиша ўрганилган ва мукаммал ишлаб чиқилган масалалар жумласига киргандек туюлса ҳам, бироқ унинг баъзи жиҳатларини тўлиқроқ тадқиқ этиш мумкин ва лозим.

Бу фикр аввало шўро тузумига хизмат қила бошлаган эски зиёлиларнинг аҳамияти ва таҳдирини таҳлил этишга тааллуқлицидир. Улар оз бўлса ҳам, зўр касб-кор ва маънавий маданият салоҳиятини ўзларида мужассамлаштиради зди, дастлабки беш йилларларда эса айни шундай салоҳият баъзиларида этишмас зди.

Ҳатто давлат ҳавфсизлиги комитетининг шўро давлатига энг садоқатли ходимлари ҳам қатагонга учрадилар. 30-йилларнинг бошлари ва ўрталарида ички ишлар ходимларидан "халқ душманлари"ни тутатиш деб аталган гайридемократик ва гайриконституцион бўйруқларга муросасозлик қила олмаган 20 мингта яқин киши қатагон қилинди. 1937 йилдан то 1940 йилнинг бошларигача Ўзбекистон ички ишлар идораларининг 468 ходими "сиёсий жиҳатдан ишончсизлиги" учун ишдан бўшатилди ёки ҳибста олинди.

Шу йилларда баъзи фирқа ва шўро арбоблари, адабиёт ва санъат намояндлари, олимлар, мағкура жабҳасининг ходимлари аниқ мақсадни кўзлаб, жўрттага таъқиб остига олинди. Ўзбекистон зиёлиларининг кўпгина намояндлари репрессия қурбони бўлдилар. Бу эса Совет Ўзбекистони маданияти, адабиёти ва санъати ривожини заифлаштириди, одамларга ишончсизлик ҳиссиятини кучайтириди, кишиларнинг аҳвол-руҳиятида ноҳуш ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

Бироқ, репрессиялар, таъқиблар, энг истеъодоли ва атоқли зиёлиларнинг жисман йўқ қилиб юборилиши ҳам кўп миллатли совет маданиятининг шаклланиш жараёнини тўхтатиб қола олмади. Ҳатто истибод ва бедодликнинг қора даврларида ҳам ҳалқ орасидан этишиб чиққан кўпгина чинакам иқтидорли кишилар ўз зеҳни ва илми билан жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшилар.

Эндилика, совет жамиятини қайта қуриш шароитида бутун ҳалқ билан биргаликда зиёлиларимиз ҳам буйруқбозлик-маъмуритчилик бошқарув тартиботи дучор этган тургунлик ҳолатидан аста-секин қутила бошладилар. Ҳар қандай оғир шароитларда ҳам инсон вужудида тиним билмайдиган маънавий куч энди ривожланиш ва ҳаракат қилиш учун рағбат омилини олмоқда. Фикрларнинг далиллiği ва теранлиги, аввало илму зиё кучларининг қанот қоқиб, парвоз қила бошлаганлиги бунинг яққол далилидир. Шу туфайли кейинги йилларда адабиётда, театрда, ҳужжатли кинода, айниқса публицистика жанрида катта силжишлар, ижтимоий фанларга янгича ёндашувлар кўзга ташланмоқда.

Ҳеч ким хатоларсиз ва нуқсонларсиз ишлай олмайди, бироқ танлаб олинган йўлнинг тўғрилиги ёки нотўғрилигига йўл қўйилган хато ва нуқсонларга қараб баҳо берилмайди. Яқин ўтмишда бўлганидек, зиёлиларнинг меҳнати ва ўрнини камситиш муқаррар равиша жамият маданиятининг пасайишига олиб боради, мамлакатнинг маънавий соғломлителига таъсир қиласиди, фан-техника тараққиётини тўхтатиб қўяди. Янгиланиш илм-фан, маориф, санъат соҳасидаги илму зиё салоҳиятини ҳар томонлама кучайтиришни тақозо этади.

Муҳандис-техника мутахассислари ва қишлоқ зиёлилари

Мамлакат саноатлаштирилганлиги сабабли қишлоқ ҳўжалигининг қиёфаси тубдан ўзгарди, маданий-қурилиш кенг қулоч ёзиб, ижтимоий муаммолар ўткирлашли, бунинг оқибатида иш натижаларининг зиддиятлилиги яқоллашди, зиёлиларнинг тутган ўрни ҳам тубдан ўзгара бошлади, уларнинг иходий, касб-кор фаоллиги даражаси ошди, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичларига улар ҳал қилувчи ҳисса қўша бошладилар.

Мамлакатни саноатлаштириш дастурида иқтисодий жиҳатдан орқада қолган районларда саноат қурилишини авж олдириш, ҳалқ ҳўжалигининг малакали мутахассислари кадрларини янада кўпроқ тайёрлаш кўзда тутилган зди.

Янги совет мутахассисларини вояга етказиш зарурлигини асослаб, эски муҳандис-техника кадрларини социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришни кучайтириди. Шу муносабат билан ҳўжалик ходимларини илмларни эгаллашга, муҳандис-техника ходимларини жадал суръатлар билан таълим олишга чақириди. Меҳнаткашлар оммасига техникани бошқаришни ўргатиш, мил-

лий жумҳуриятларда, шу жумладан Ўзбекистонда ишлаб чиқариш-техника зиёлиларини вояга етказиш миллий сиёсат тўғри амалга оширила бошлаганини билдирап эди, бу сиёсат илгари иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган халқларни илгор халқлар даражасига етказиб олишини таъминлаши лозим эди.

Ўзбекистонда илгари йирик саноат бўлмаганлиги, мавжуд саноат корхоналарининг эса техникавий даражаси пастлиги, замонавий техникани биладиган муҳандислар, техниклар ва бошқа малакали мутахассислар озлиги социализмнинг модий-техникавий негизини яратиш соҳасида қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

Муҳандис-техника зиёлилари мураккаб шароитда тайёрланди. Техника олий ўқув юртлари деярли йўқ эди, шунга яқин соҳадаги маҳсус олий ўқув юртлари оз эди, уларда таълим оловчи маҳаллий миллат вакиллари эса жуда кам эди. Ўзбекистонда ўз техника зиёлиларини вужудга келтириш учун катта иш қилиниши ва кўп маблаг сарфланиши лозим эди.

Социалистик қурилишнинг катта-катта иқтисодий, техникавий ва ташкилий вазифаларини ҳал этиш зарурати бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилишини талаб қиласар эди.

Бошлангич таълимни жорий қилиш, саводсизликни тутатиш, омманинг ҳам умумий, ҳам ҳунар-техника таълими савиясини ошириш, ишчи ва деҳқонлар орасида мутахассис кадрлар ҳамда илмий ходимларни тарбиялаб, вояга етказиш йўли билан маданий инқиlobнинг энг муҳим вазифалари ҳал этилиши лозим эди.

Кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал қилишдаги қийинчиликларни бартараф этиш учун зўр гайрат билан ишлаш лозим эди.

Дастлабки беш йиллик бошлангунга қадар Ўзта Осиё жумҳуриятларининг муҳандис-техника кадрларига бўлган эҳтиёжи асосан мамлакатнинг марказий районларидан юборилиб турган юқори малакали мутахассислар ҳисобига қондирилар эди.

Маҳаллий мутахассислар оз бўлишидан ташқари малакаси ҳам етарли эмас эди. Масалан, 1929 йилнинг 1 октябрига қадар Ўзбекистон саноатида 232 нафар мутахассис ишлар, барча муҳандис-техника ходимларидан атиги 94 киши олий маълумотли, 95 киши ўрта маълумотли ва 43 киши тажрибакор кишилар эди.

Дастлабки беш йиллик даврида социалистик саноат ва бутун қишлоқ хўжалиги бирмунча ўғсанлиги, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг янги қоидалари амал қила бошлаган-

лиги саноат учун муҳандис-техника кадрлари тайёрлашни уюштиришнинг янги усусларини ҳам талаб қилди. Ўрта Осиёда социалистик қурилиш кенг қулоч ёзганлиги, Совет Иттифоқининг пахта мустақиллиги учун кураши Ўрта Осиё жумҳуриятларини муҳандис-техника ходимлари ва бошқа мутахассислар билан таъминлаши зарур қилиб қўйди. Мавжуд мутахассислар Ўрта Осиё ташкилотлари ишининг тобора кенгайиб бораётган миқёсларини асло тўла-тўқис таъминлай олмайди. Олмалиқ ва Чирчиқдаги азим қурилишлар ва конлардан фойдаланиш бошланганилиги турли ихтисосдаги мутахассисларни тобора кўпроқ талаб қиласар эди.

Ўзбекистон партия ташкилоти ўз ишлаб чиқариш-техника зиёлиларини тайёрлаш ишини авж олдириб юборди. Етиштириб чиқарилётган мутахассисларнинг сонига ҳам, сифат жиҳатдан ўсишига ҳам катта эътибор берилди.

Мамлакатни саноатлаштириш жараённида баъзи техника соҳасидаги заифлигимиздан, янги мутахассис кадрлар етишмаслигидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган баъзи эски мутахассисларнинг қаршилигини бартараф этишга тўғри келди. Бундай ҳоллар Ўрта Осиё жумҳуриятларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам содир бўлди. Шўро ҳокимиятининг душманлари янги ижтимоий тузумга душманлик кайфиятидаги эски зиёлиларнинг бир қисмидан қўпорувчилик фаолияти мақсадида фойдаландилар.

Ўзбекистонда нефть, цемент саноатида ва бошқа тармоқларда зааркунандалик фактларини очиб, бу — собиқ корхона эгаларининг ва уларга гумашталик қилган эски мутахассисларнинг қўли билан қилинган иш эканлигини аниқлади.

Кончилик, кўнчилик, пахта тозалаш саноатида, пахтачилик селекцияси ишида ҳам зааркунандалик ҳоллари содир бўлди.

Бироқ, эски зиёлиларнинг кичик бир қисмигина шўро ҳокимиятига қаршилик қилди, уларнинг аксарияти ағдариб ташланган синфлар иложсиз аҳволда эканини тушуниб, аста-секин совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтди, давлат тадбирларида фаол қатнаша бошлади.

Шу даврда ишчи ва деҳқонлар орасидан мутахассис кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш, ўқув юртларининг ишини қайта қуриш вазифаси кўндаланг бўлиб турар эди. ВЦСПС Ўрта Осиё бюросининг маълумотларига қараганда, 1928 йилда бутун Ўрта Осиёда 4617 мутахассис бўлиб, уларнинг 60 фоизга яқини ўрта ва фақат 20 фоизи олий маълумотли эди. Ҳатто мамлакатнинг марказий районларида ҳам шу йилда 100 ишчига бир муҳандис

ай деңгизжеттиси. Году жумхуралык Узбекистонда ишсаб түгри келар эди. Тошкентнинг энг катта корхоналаридан бири — Ильич номли заводда 1931 йилда барча ишлаб чиқариш ходимларининг 3,8 фоизигина малакали ишчилар эди.

Узбекистонда жумҳуриятнинг V партия қурултойида қилинган ҳисобот маъruzасида Узкомпартия Марказий Комитетининг котиби А. Икромов бундай деган эди: "Хозир биздаги ҳар 5 та корхонага бир муҳандис түгри келади. Муҳандисларнинг миллый составига қарасангиз, ўзбек муҳандислари барча муҳандисларнинг бор-йўғи I фоизини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг миллый-техника зиёлиларини кўпайтириш учун эски техника ўқув юртлари қайтадан ташкил этилди ва янгилари барпо қилинди.

1930—1934 йилларда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг янги қоидаларига биноан Узбекистонда барпо этила бошлаган олий ўқув юртлари, ишчилар факультетлари ва техникумлар маҳаллий миллат фарзандлари орасидан муҳандистехника ходимларини тайёрлай бошлади. 1931 йилда темир йўл транспорти муҳандислари институти, 1932 йилда тўқимачилик, қурилиш институтлари, Ўрта Осиё электр-техника ва геология-разведка институтлари ҳамда Ўрта Осиё саноат академияси ташкил қилинди.

1934 йилда қурилиш институтида 385 талаба, Ўрта Осиё электр техника институти 339, геология-разведка институтида 35, шу жумладан муҳандислик-геология факультетида 17 ва гидрогеология факультетида 18 талаба таълим олар эди. Тошкент тўқимачилик институти ташкил топган биринчи йилда 128 киши, саноат академиясида 103 толиб олди.

Муҳандис-техника кадрларини тайёрлашда Ўрта Осиё давлат дорилфунуни ҳамон катта роль ўйнар эди. 1930 йилларнинг бошларида дорилфунунда муҳандислик-мелiorация факультетидан ташқари теплотехника, электр техника, кончиллик ва муҳандислик-кимё бўлимлари барпо этилди. 1930—31 ўқув йилида дорилфунуннинг бир қанча факультетлари негизида мустақил институтлар ташкил топди.

Ўзбекистонда 1934 йилда бўлиб ўтган VI партия съезди совет идоралари зиммасига ишлаб чиқариш жамоаларини корхоналарнинг техникавий қувватларини тезроқ ўзлаштиришга меҳнаткашларни сафарбар қилиш, айниқса маҳаллий миллатларга мансуб ишчиларни ва муҳандис-техника кадрларини тайёрлашни йўлга қўйиш вазифасини юклади.

Малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этишга нисбатан қўйилган янги талабларга мувофиқ жумҳурият олий ва йўрта

махсус ўқув юртларининг фаолиятини такомиллаштириш соҳасида катта иш қилинди. Янги мутахассисларни тайёрлаш суръатлари ва усусларида кескин бурилишга эришиш лозим эди. Бу вазифани ҳал қилишда жумҳурият олий ўқув юртлари ва хусусан олий техника билим юртлари катта қийинчиликларга дуч келдилар.

1932 йилнинг декабрида Ўрта Осиё бюросида Тошкент, Самарқанд ва Ашхобод жамоат ташкилотлари вакилларининг, олий ўқув юртлари ва техника олий ўқув юртлари директорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш олий мактабларга талабалар қабул қилишни уюштиришдаги камчиликларни қайд этиб, Ўрта Осиё бюросининг хотин-қизларни олий ўқув юртларига жалб этиш тўғрисидаги қарори бажарилмаганини, жумҳуриятда олий таълимни кенгайтириш учун шароит яратишида Халқ маорифи комиссарлиги билан касаба уюшмалари дуруст иштирок этмаганини кўрсатиб ўтди.

Олий ўқув юртларига талабаларни яхшироқ танлаб олиш учун маҳсус қабул комиссиялари тузилди, бу комиссиялар биринчи галда ишчиларни ўқишига танлаб олди. Шаҳар ва район партия комитетлари олий ўқув юртларига кирадиган ёшлар орасида тушунтириш ишларини ўтказиш учун Ўрта Осиё жумҳуриятларининг шаҳар ва районларига ўз вакилларини юбориб турдилар. Бу вакиллар ёш ишчилар орасида олий ўқув юртларида таълим олишига қобилиятли йигит ва қизларни аниқлайдилар. Айрим институтларда талабалар сони анча кўпайди: 1936—37 ўқув йилида Ўрта Осиё политехника институтига талабалар қабул қилиш вақтида 100 та ўринга 332 та ариза берилди, шундан 227 киши қабул қилинди, уларнинг 94 нафари маҳаллий миллатларнинг фарзандлари эди. Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларига биноан биринчи галда ишчилар ва колхозчилар қабул этилар эди.

Жумҳурият олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари кадрларнинг илмий ва умумий сиёсий тайёргарлик даражаси ошди, лекцияларнинг сифати яхшиланди, талабаларнинг мустақил ишни ва ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганиши тартибга солинди. Масалан, Ўрта Осиё индустрисал институти (САИИ) талабалари шаҳар саноат корхоналарига бориб тажриба ўрганар эдилар. Тажриба ўрганиш даври тугагач, улар диплом ишлари (лойиҳалари)ни тақдим этишлари ва давлат малака комиссияси ҳузурида ўз ишларини ёқлашлари зарур эди. Институтнинг ўзидағи амалий иш яхши йўлга қўйилди. 1934 йилда индустрисал институтда 14 та ўқув хонаси ва 8 та лаборатория бўлган бўлса, яна 8

йилдан кейин улар қарийб иккى баравар кўпайди. 1936 йилдан бошлаб дарслар иккى тилда — ўзбек ва рус тилида ўтила бошлаганлиги, дарсликлар чиқариш кўпайтирилганлиги студентларнинг фанларни яхшироқ ўзластириш ишларига кўмаклашди.

Ўрта Осиё индустриал институти Ўзбекистон учунгина эмас, Ўрта Осиёнинг барча жумҳуриятлари учун ҳам муҳандис-техника кадрлари тайёрлайдиган асосий олий ўқув юрти эди. 1934 йилда унда 1182 талаба, шу жумладан энергетика факультетидаги 209, қурилиш факультетидаги 553, геология факультетидаги 316 талаба таълим олар эди. Талабалар орасида 202 нафар қиз бор эди.

1934 йилда Ўрта Осиё индустриал институти 82 нафар мутахассис етиштириб берган бўлса, 1934—1941 йиллар мобайнида 1488 нафар муҳандис мутахассис етиштириб чиқарди. шу институтни битириб чиққанлар орасида кўпгина қобилиятли муҳандислар бор эди. Кейинчалик улар таникли олим бўлиб стишидилар. Шу институтда таҳсил кўрган Х. М. Абдуллаев эса Ленин мукофотига сазовор бўлди ва Ўзбекистонда Фанлар академиясининг президенти лавозимигача кўтарили.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти муҳандис-техника кадрларини тайёрлаш билан шуғулланиб, 1934—1941 йилларда 890 нафар мутахассис чиқарди. Уни битириб чиққан кўп кишилар йирик давлат ва хўжалик лавозимларида ишладилар ва ишламоқдалар. Улар орасида Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи лавозимигача кўтарилиган Социалистик Мехнат қаҳрамони А. Қодиров, Қозогистон темир йўли бошлигининг ўринбосари С. Бейжонов, Ўзбекистон ССРда Хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби В. П. Хачатуров, мазкур институтнинг проректори С. Д. Степанов, Ўзбекистон Госплани транспорт ва алоқа бўлими бошлигининг ўринбосари А. И. Икромов, Ўзбекистон металлургия заводининг директори Муҳамедов, Ўрта Осиё темир йўли бошлигининг ўринбосари В. Х. Хўжаев ва бошқа кўп кишилар бор.

Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг мутахассислари ишлаш учун ҳар йили жумҳуриятга келиб туришди ва жумҳуриятдан бу шаҳарларга талабалар юборилди. Чунончи, 1934 йилда Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртларида ҳамда темникумларида Ўзбекистондан борган 300 йигит ва қиз таълим олди.

Ишлаб чиқариш раҳбарларини тайёрлаш соҳасида қилинган жуда катта ишлар натижасида Ўзбекистон саноатидаги муҳандис-техник ходимлар сони 1928—29 хўжалик йилидаги 574 кишидан 1932—33 ўқув йилида 2443 кишига стди ёки 4 баравардан зиёл

кўпайди. Улар орасида 35 нафар бинокор муҳандис, 470 нафар механик, 135 нафар электрик бор эди. Муҳандис-техник ходимлар орасида ўзбеклардан 209 киши бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Мутахассисларнинг кўпчилиги Совет ҳокимияти йилларида тарбиялаб вояга етказилган ёшлар эди.

Иккинчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда миллй ишлаб чиқариш-техник зиёдлари — электриклар, бинокорлар, геологлар, механиклар, ирригаторлар, механизаторлар, агрономлар, зоотехниклар оммавий равишда тайёрлана бошлади. Шу йилларда вояга етган юқори малакали мутахассислар жумҳурият саноатини ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшидилар. Ўзбекистонда беш йиллик охирига бориб 10869 нафар олий малакали мутахассис бўлса, уларнинг ярмисини маҳаллий олий ўқув юртлари, шу жумладан 3000 кишини техника олий ўқув юртлари етиштириб берган эди.

Бироқ, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари тармоги жадал ўсишига қарамай, улар жадал ривожланиб бораётган саноат ва қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини қондира олмас эди.

1933 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ва саноат-муҳандис-техника ходимлари малакасини ошириш институти ташкил этилди. Бу илм даргоҳи Ўрта Осиё институти таркибига қўшилди.

Ўзбекистон Компартиясининг V қурултои қарорларига биноан ина бир неча янги маҳсус ўрта ўқув юртлари ташкил этилди, улар ҳалқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаб беришга киришди. Электр-механика, техника, тўқимачилик, политехника, механика ва қурилиш техникумлари шулар жумласига киради. Фарғона тўқимачилик техникумида 1934 йилда тўқимачилик саноати учун тайёрланган барча кадрларнинг 90 фоизи туб жой аҳолининг фарзандлари эди. 1934 йилда бу техникумда 220 ўқувчи таълим олди.

Наманган қишлоқ хўжалиги ишчилар факультети 1933 йилда қишлоқ хўжалик техникумига айлантирилди, чунки Наманган тумани ўрта малакали кадрларга эҳтиёж сезаётган эди.

Тошкент политехникумидаги 1934 йилда 950 ўқувчи таълим олар эди, уларнинг 629 нафари туб миллатларнинг фарзандлари, 366 нафари эса қиз-жуононлар эди. Тошкент индустриал техникуми дастлабки беш йиллик даврида 263 нафар мутахассис етиштириб берди, улардан 172 киши маҳаллий миллатларга мансуб эди. Иккинчи беш йиллик даврида техникумни битириб чиқувчилар 339 кишига, маҳаллий миллатларнинг фарзандлари 236 кишига стди.

Иккинчи беш йилликда мазкур ўқув юртлари маҳаллий

миллатларнинг вакиллари орасидан етиштириб берган ўрта малакали кўпгина мутахассислар олий ўқув юртларида ўқишини давом эттиридилар. Тошкент қурилиш техникуми 1938 йилнинг бошларида 41 нафар бинокор техник, Тошкент механика техникуми 93 механик етиштириб чиқарди. 1932—1937 йилларда техникумлар ҳаммаси бўлиб 1721 мұхандис тайёрлаб берди, уларнинг 40 фоизи маҳаллий миллатларга мансуб кишилар эди.

Техника ўқув юртларида саноат учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам мутахассислар тайёрланар эди. Мазкур ўқув юртларидаги ишчилар қатлами анча кўпайиб, уларнинг баъзиларида 60 фоизга етди.

Агар 1930—1931 йилларда Узбекистон халқ хўжалигига олий маълумотли 4612 мутахассис ва ўрта маълумотли 10036 мутахассис ишлаган бўлса, 1932 йилда олий маълумотли мутахассислар 7000 кишига ва ўрта маълумотли мутахассислар 16 минг кишига етди. Туб жой миллатларга мансуб мутахассислар, айниқса мұхандислар ва иқтисодчилар нисбатан сурроқ кўпайди.

Олий малакали мутахассислар орасида ўзбек аёллари жуда кам эди. 1931 йилда уларнинг улуши атиги 7 фоизни, 1932 йилда 8 фоизни ташкил этди. Ўрта малакали аёллар бирмунча кўпроқ — 37 фоиз эди.

Ишлаб чиқариш-техника зиёлилари олий мактабни битирган кишилардангина эмас, шу билан бирга корхоналарнинг амалиётчи ходимларидан, малакали ишчилардан, ишлаб чиқариш илгорларидан ҳам ташкил топади, деб уқтириди партия. Шу мақсадда Тошкент, Бухоро, Фарғона, Андиконда ишчилар дорилфунунлари ташкил этилди.

1932 йилга келиб, Тошкент ишчилар дорилфунуни анча мустаҳкамланиб қолган ва бир неча ихтисос бўйича мутахассислар тайёрлаб чиқараётган эди. 1933 йилдан бошлаб дорилфунундаги таълим уч босқичда олиб борила бошлади. Катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган малакали ишчилар ўқувчиларнинг асосий туркумини ташкил қиласр эди. 1932 йилнинг кузидаги таълим олган 1009 кишининг 85 фоизи корхоналардан келган эди. Партия аъзолари 25 фоиз, комсомоллар 11 фоизни, туб миллатларнинг ишчилари барча ўқувчиларнинг 42 фоизини ташкил қиласр эди, ўқишига янги қабул қилингандарнинг 73 фоизи маҳаллий миллат фарзандлари эди. Бу маълумотлар ўзбек ишчиларининг маданий савияси ўстсанлигидан мұхандис-техник кадрлар етиштиришни кўзда тутивчи миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилганидан далолат беради.

Оғир саноат халқ комиссарлигининг ўқув юртлари миллий

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш соҳасида айниқса кўп иш қилди. Беш йиллик мобайнида улар Ўзбекистон учун минглаб мутахассислар етиштириб беришли.

Корхоналарнинг ўзида ишлаб чиқариш-техника кадрларини тайёрлаш бениҳоя мұхим аҳамият қасб этди. Биринчи беш йиллик мобайнида шу йўл билан 60 минг малакали ишчи тайёрланди. Чунончи, Первомайск устахонасида мұхандис Туркансий 1931 йилнинг декабрида машинкада ёзувчиларни тайёрлайдиган ўқув гурӯҳини ташкил этди, ўша йили ёк бу ерда 27 киши қасб ўрганди. 207 киши техника ўқувига жалб этилди. Бошқа йирик корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш техника кадрлари шу усулда тайёрланди. Қизил Шарқ заводи, пахтачилк бош бошқармасининг механика заводи, Ильич номли завод малакали ишчилар, усталар, техниклар ва ҳатто мұхандисларни оммавий равишда тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган ўзига кос дорилфунунларга айланди.

Жумҳуриятнинг техника соҳасидаги зиёлилари янги саноат корхоналарини лойиҳалаш ва қуришда, ишлаб турган завод ва фабрикаларни таъмирлашда, мавжуд машина-ускуналарни такомиллаштириш ва ёшартиришда, малакали ишчи кадрлар тайёрлашда фаол қатнашилар.

Шундай қилиб, буржуазиядан қолган техника зиёлилари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва корхоналарга техника раҳбарлигини амалга ошириш вазифасини бажариш билан чекланган бўлса, янги совет техника зиёлилари ишлаб чиқаришни бошқаришдан ташқари социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятларидан келиб чиқадиган янги вазифани — ишчилар синфининг маданий-техникавий савиясини ошириш вазифасини ҳам ўз зиммаларига олдилар.

Ўзбекистоннинг юқори малакали саноат кадрлари вояга етказилган шароитнинг ўзига хослиги шундан иборат бўлди, бу ерда йирик саноат, мұхандис-техник ходимлари кадрлари деярли ингидан вужудга келтирилди. РСФСР марказий саноат районларининг қардошларча ёрдами билантина бу муаммо мувваффақиятли ҳал этилди. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши муносабати билан Москвадаги Фрунзе номли фабрика ва Октябрь инқилоби номли Малахов фабрикаси ўзбек ёшлари орасида тўқимачи мутахассисларни тайёрлаб бериши. 1932 йилнинг атиги 8 ойи мобайнида шу фабрикаларда 127 киши қасб ўрганиб, уста тўқимачи бўлиб етиши. Урал заводлари Узбекистон корхоналари учун металлургларни, штамповкачилар, қуючилар ва бошқа қасб усталарини етиштириб берди.

Бошқа бир жараён ҳам амалга оширилди — мамлакатни саноат марказларидан мутахассислар Ўзбекистонга келиши. Масалан, 1930 йилнинг июнида Москва, Ленинград, Иваново ва бошқа шаҳарларда 300 нафар малакали тўқимачи, 1931 йилда 1500 нафар муҳандис-техник ходим Тошкентга келдилар. 1931 йилнинг охирида Москва ва Ивановодан Фарғона тўқимачилик фабрикасига 140 нафар малакали муҳандис ва техник юборилди. Ленинграддан Тошкентга келган 40 нафар металличи бўлажак қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи ишлаб чиқариш жамоасининг ўзагини ташкил этди. Чирчиқдаги заводда ишлаш учун Ленинграддан яна шунчак мутахассис келди.

1927 йилдаёқ мамлакатда саноат академияси ташкил қилингани эди. Бу — социалистик қурилиш тажрибасида мутлақо янги тоифадаги ўқув юрти эди. Унинг зиммасига бевосита корхоналарда раҳбар ва хўжалик ходимларини тайёрлаш вазифаси юклатилган эди.

1931 йилда пахта ва ипакни дастлабки ишлайдиган, ишнинг йигирадиган, тўқийидиган ва бошқа мутахассислар тайёрлаш учун Ўрта Осиё саноат академияси очилди. Уч йил мобайнида Академияда муаллимлар жамоаси шаклланди, улар орасида 7 профессор ва 22 доцент бор эди. Биринчи бор ўқишга кирган тингловчилар бошлангич маълумотли кишилар эди. Улар ўқиш билан айни бир вақтда қурилиш иншоотларida ишладилар.

1933 йилда саноат Академиясида ўн тўрт миллиатга мансуб 52 тингловчи, шу жумладан 16 нафар ўзбек йигити таълим олди. Ижтимоий таркиби жиҳатидан уларнинг деярли ҳаммаси аҳолининг меҳнаткаш табақалари фарзанди эди. Туб миллатларга мансуб кишиларнинг улуши йил сайин кўпайиб борди. 1934 йилда туб миллат фарзандлари барча тингловчиларниң 70 фоизи, жумладан ўзбеклар — 32, тожиклар 4,2, туркманлар 10,8, рус бўлмаган бошқа миллатлар — 24,3 фоизини ташкил қилар эди. Ўзбек тилида дарс ўтиладиган бир неча гурӯз очилди.

Умумий таълим даражаси пастроқ бўлган тингловчилар учарим йил мобайнида ўрта мактаб ҳажмида таълим олиб, олий маҳсус маълумотли бўлиб чиқар эдилар. Уни битириб чиқсанлар орасида 36 нафар ташкилотчи муҳандис бор эди.

Ўрта Осиё саноат Академияси социализм ишига садоқатли ва ривожланиб бораётган саноатга техниковий раҳбарлик ҳила оладиган ишчилар синфи вакилларидан техника зиёлиларини тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. Уни битириб чиқсан кишилар ўзларининг амалий ишларида билимлари, куч-гайратлари ва бор

тажрибаларини жумҳурият саноатини янада ривожлантиришга сарфладилар.

1937 йилга келиб саноат Академиясида 2 та факультет — тўқимачилик ва қурилиш факультетлари, 9 та кафедра, 12 та лаборатория ва кабинет бор эди. Ана шу олий ўқув юрти қуизида малака ошириш институти очилди, унга пахта заводларининг директорлари, тайёрлаш пунктларининг бошлиқлари ва маишӣ хизмат ташкилотларининг ходимлари ўқишга юборилар эди.

Халқ хўжалигини тиклаш даврида республикада минглаб малакали ишлаб чиқариш ходимлари вояга етди. Дастлабки беш йилликлар даврида улар ишлаб чиқариш — техника зиёлиларининг ўзагини ташкил этди.

1931 йилда жумҳурият саноатининг турли тармоқларидаги маъмурий-хўжалик лавозимларида 21 нафар ўзбек аёли ишлар эди. Масалан, Фарғона пиллакашлик фабрикасидаги етакчи иш соҳаларида эркаклардан кўра ўзбек хотин-қизлари кўпроқ ишлар эди. Уларни корхоналарга жалб қилиш учун ишлаб чиқариш артеллари ташкил этилди. Шаҳрисабзда мана шундай ҳужум артели барпо қилинди. Ҳозир у фабрикага айлантирилган.

Меҳнаткаш ўзбек аёллари ўртага ташлаган "Хотин-қизлар — ишлаб чиқаришга" шиорига лаббай деб жавоб бердилар. 1934 йилдаёқ Ўзбекистон ишчи ва хизматчилари орасида 115400 аёл бор эди. Улар ишловчиларнинг 21,7 фоизини ташкил қиласар эди. Ишлаб чиқариш-техника зиёлиларининг сафлари ишлаб чиқариш илгорлари, рационализаторлар ва стахановчилар орасидан раҳбарлик ва хўжалик лавозимларига кўтарилиган кишилар ҳисобига тўлиб борар эди. 30-йилларда ўзбек хотин-қизларини раҳбарлик ишига кўтариб қўйиш айниқса кенг қулоч ёди. 1934 йилнинг бошларида Тошкент тўқимачилик комбинатида 56 киши, шу жумладан 35 нафар ўзбек аёли раҳбарлик ишига кўтариб қўйилди.

Иккинчи беш йиллик солномаси пастдан кўтарилиган, стахановчилик ҳаракатига қўшилган кўпгина шонли ўзбек аёлларининг номларини сақлаб қолган. Чунончи, Марғилоң пиллакашлик фабрикаси директорининг ўринbosari Давлатнисо Жалилова 1936 йилда Тошкентдаги Ўрта Осиё саноат академиясини мувоффақиятли битириб чиқиб, ишак саноати муҳандиси дипломини олди. Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлик заводида Сулаймонова ишлаб чиқариш аълочиси ҳисобланар эди.

Бўёқчи Тўлаганова ишлаб чиқариш нормасини мунтазам равишда бажарар эди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг

стахановчиси Мавжуда Абдураҳмонова 1938 йилда СССР Олий Советининг депутати этиб сайланди. Мамлакатнинг машҳур темирийўлчиси Зинаида Троицкаянинг ташаббуси билан Ўзбекистонда аёлларнинг паровоз машинисти малакасини эгаллан ҳаракати авж олиб кетди.

Башорат Мирбобоеванинг номи бутун мамлакатта донг таратди: у Ўзбекистон хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб парашютда сакрай бошлади ва биринчи бўлиб паровоз ҳайдашни киришди. Кейинчалик машинист-муҳандис бўлиб қолди.

Техника зиёлиларининг миллый кадрлари Ўрга Осиёда яшай турган бошқа миллатларга мансуб муҳандислар ва техниклар билан мустаҳкам ҳамдўст бўлиб, бир-биридан ўрганиб ва бир-бирининг илгор тажрибасини ўзи жорий этиб, ўз фидокорона меҳнати ва ижоди билан минтаقا халқ ҳўжалиги ва саноати қиёфасини ўзгартиришга салмоқли ҳисса қўшилар.

Урушдан олдинги беш йилликлар даврида ишлаб чиқариш техника зиёлиларининг миллый кадрларни тайёрлаш катта қийинчиликларга дуч келди. Олий техника ва қишлоқ ҳўжалиги ўқув юртларида ўқиш учун лаёкатли талабалар етишмас эди, миллый тилларда ўқитадиган профессор-муаллим кадрлар ҳаддан ташқари оз эди, маҳаллий тилларда дарсликлар ва адабиётлар йўқ эди.

Шу йилларда тобора кучайиб борган маъмурӣ-бюрократик раҳбарлик услуби ҳам салбий таъсир қиласи эди. Сийқаси чиққан бир хил социалистик мажбуриятларни қабул қилиш одат тусниги кириб борганилиги, турли-туман рекордлар сунъий равишда кўз кўз қилиниб, уларга эргашиб учун зўр бериб даъват қилишни киришилганлиги ҳам омманинг ташабbusини бўғар ва зиёлиларнинг ҳафсаласини пир қиласи эди.

Шунга қарамай, умуман 30-йилларда янги техника зиёлилари сон жиҳатдан кўпайди, ижодий жиҳатдан ўсиб, камол топди. Агар 1929 йилда жумҳuriятда атиги 232 нафар муҳандис-техник ходим бўлган бўлса, 1932 йилда улар 2443 кишига етди, 1937 йилда эса улар б минг кишидан ҳам кўпайиб кетди. Улар орасида 740 нафар ўзбек бор эди. Ўзбекистон саноати, қурилишида ва машина-трактор станцияларида 1940 йилнинг бошлирида ҳаммаси бўлиб маҳаллий миллатларга мансуб 2960 муҳандис ва техник хизмат қиласи эди. Жумҳuriят саноати муҳандис-техник ходимларининг ёш таркиби ҳам ўзгарди. 1938 йилга келиб, мутахассисларнинг салкам 70 фоизини ёшлар ташкил қиласи эди.

Халқ ҳўжалигини қайта тиклаш ва таъмирлаш даври

Ўзбекистонда техника зиёлиларини камол топтиришининг, зиёлилар сафларини ўстириш ва ривожлантириш учун мустаҳкам таълим-ишлаб чиқариш негизини вужудга келтиришининг муҳим босқичи бўлди. Ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар оратидан етишиб чиққан янги раҳбар кадрлар жумҳuriят саноатига, транспорти ва қурилишларига техникавий раҳбарликни таъминлаган ҳал қилувчи кучга айландилар.

Мамлакатнинг йирик саноат корхоналарида муҳандис-техника ходимларини тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган турли-туман курслар ҳамда мактаблар очилди, ишчилар унумли меҳнатдан кейин шу курс ва мактабларга кириб ўқиб, малакали кадрлар бўлиб етишдилар. Шу усулда кўпгина раҳбар ходимлар тайёрланди ва қайта тайёрланди.

Кўриниб турибдик, халқ ҳўжалигини таъмирлаш даврида жумҳuriятда кўпгина муҳандис-техник кадрлар тайёрланди. Шу тифайли жумҳuriят саноати, қурилиши, транспорти ва алоқасининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи асосан қондирилди ва мамлакатни саноатлаштириш вазифалари мұваффақиятли равишда амалга оширилди.

Юқори малакали қишлоқ ҳўжалик кадрларини, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчилари ва йўлбошчиларини, механизаторлар, муҳандис-техник ходимлар, турли касб мутахассисларини вояга етказмай туриб совет қишлоғини йирик социалистик ҳўжалик изига мұваффақиятли равишда ўтказиб бўлмас эди. Улар қишлоқ ҳўжалигини тубдан қайта қуришда, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини ишлаб чиқаришдагина эмас, айни вақтда Совет қишлоғидаги маданий революцияни амалга ошириш, меҳнаткаш деҳқонлар кенг оммасининг гайрат-шижоатини ва меҳнат фанлигини оширишдек тарихий вазифаларини ҳал этишда ҳам фаол қатнашдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси социалистик қишлоқ ҳўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларининг кўпдан кўп кадрларини тарбиялаб вояга етказиш масалаларига кўп ўтибор берилишини олдиндан белгилаб берган эди.

Масаланинг шу тарзда кескин қўйилиши мутлақо табиий эди, чунки қишлоқ ҳўжалигига мутахассислар етишмасди. Дастрабаки беш йиллик бошлирида қишлоқ ҳўжалиги учун юқори малакали мутахассисларни Ўрга Осиё давлат дорилфунуни тайёрлар эди. Биттагина олий ўқув юрти мутахассисларга, айниқса агрономларга бўлган зўр эҳтиёжни қондира олмас эди, албатта. Ша пайтларда дорилфунунинг қишлоқ ҳўжалик факультетини йилига атиги 111 киши битириб чиққан эди. Ҳолбуки, 1929

йилнинг бошларида пахтачилик бош бошқармаси, колхозлар маркази ва бошқа қишлоқ хўжалик мұассасалари турли соҳалар учун 511 нафар агрономга талабнома берган эди.

Шу йили Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг мутахассис кадрлар тайёрлаш мұаммосига бағишиланган конференцияси бўлиб ўтди. Унда "халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режасини амалга ошириш учун Ўрта Осиё жумҳуриятларига камида 2000 агроном кераклиги таъкидланди. Шу агрономларнинг 60 фоизга яқини пахтачилик районларига юборилиши зарур эди.

1930 йил 13 январда Марказий ижроия комитети билан халқ комиссарлари кенгаши "халқ хўжалиги учун техника кадрлари тайёрлаш тўғрисида", ўша йил 23 июлда эса "олий ўқув юртларини, техникумларни ва ишчи факультетларини қайта тузиш ҳақида" қарор қабул қилдилар. Бу ҳужжатлар умуман мамлакатда ҳам, хусусан Ўзбекистонда ҳам социалистик қишлоқ хўжалигининг раҳбар ва мутахассис кадрларини тайёрлашини ташкил этишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

1929 йилнинг ёзида ВКП кенг соҳали олий техника билимгоҳи—Ўрта Осиё политехника институти ва унинг еттита факультети барпо этилди. Ўрта Осиё давлат университетининг мұҳандис-мелиоратив факультети бу илм даргоҳининг техника факультетларини ташкил этиш учун асос бўлди. Кейинчалик Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника институти деб атала бошлаган бу илм масканинг кўпгина соҳалар учун юқори малакали кадрлар — агрономлар, ирригаторлар, гидротехниклар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашни бериши лозим эди. 1933 йилда ёки уни дастлабки талабалар битириб чиқди. 2614 киши олий маълумот тўғрисида диплом олди, улар орасида маҳаллий миллатларга мансуб бўлган 373 киши бор эди. Ёш мутахассислар Ўрта Осиёнинг барча жумҳуриятларига ишга юборилди.

Мазкур институт кенг соҳали мутахассислар етиштирувчи маконгина бўлмай, шу билан бирга кўп факультетларни ўз ичига олган янги олий ўқув юртларини барпо этиш учун негиз ҳам бўлди. Унинг асосида Ўрта Осиё жумҳуриятларида, жумладан, Ўзбекистонда бир неча мустақил институт ўсиб етишди. 1930 йилда Самарқандда Куйбишев номли Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалиги институти очилди, у мол дўхтирлари, зоотехниклар, агроном-ҳосилотлар, луб экинлари агрономлари, соҳибкор ва сабзвавоткор агрономларни тайёрлай бошлади.

1941 йилга келиб бу институт йирик ўқув марказига айланди,

унда 16 миллат фарзандлари бўлган сал кам 500 талаба ўқир эди.

Дастлабки йилларда институт юқори малакали 782 мутахассис тайёрлаш чиқарди, улардан 300 киши агроном-ҳосилот, 12 киши агроном-полизчи, 32 киши мұҳандис-механик, 193 киши зоотехник ва 245 киши мол дўхтири эди. 1936 йилда институт ҳузурида зоотехниклар ва хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган курслар очилди.

Қишлоқ ёшлиари орасидан бўлажак талабаларни яхшироқ танлаб олиш учун институт ҳузурида тайёрлов бўлими ташкил этилди. 1930 йилда бу бўлимда 200 киши шуғулланди. Туб миллатларга мансуб талабаларнинг 68 фоизи колхозчи-дэҳқонларнинг фарзандлари эди.

1930 йилнинг май ойида Тошкентда Ўрта Осиё дорилфунунинг қишлоқ хўжалиги факультети негизида янги олий ўқув юрти — Ўрта Осиё (кейинчалик Тошкент) қишлоқ хўжалиги институти ташкил этилди. Бу институт ташкил этилгач жумҳурият қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни анча жадаллаштириш имконияти очилди. 1930 йилда ёки қишлоқ хўжалиги институтига 550 нафар талаба ва қишлоқ хўжалиги техникумларига 1715 ўқувчи қабул қилиш кўзда тутилган эди.

1934 йилда Ўрта Осиё пиллачиллик институти Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига қўшилди. Бу институтни битириб чиққанлар орасидан кўпгина давлат арబлари ва атоқли олимлар стишдилар. Улар орасида қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди М. Каримов ва К. Мирпўлатов, биология фанлари доктори Р. А. Олимжонов ва бошқа кўплаб иқтидорли кишиларни кўрсатиш мумкин.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти мустақил ишлай бошлаганидан кейин 1939—1941 йилларда 1657 нафар турли ихтиносдаги агрономларни стиштириб берди.

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти 1934—1941 йилларда 552 нафар мұҳандис-гидротехник, 4380 мұҳандис ва қишлоқ хўжалиги механигини стиштириб чиқарди.

Тошкент тўқимачилик институтининг фаолияти жумҳурият қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик билан чамбарчас боғлиқ эди. Мазкур олий техника ўқув юртини 1940 йилда 265 нафар мұҳандис тамомлади. Улар орасида 182 киши пахтани дастлабки ишлаш бўйича, 37 киши пахтачилик, 33 киши тўқувчилик ва 13 киши ипак технологияси бўйича

мутахассислар эди. Битириб чиққанлар орасида 26 киши ўзбек, 82 киши аёл муҳандис эди.

Бошқа илм даргоҳларида бўлганидек, Ўзбекистондаги мана шу жуда катта олий техника билим юртида ҳам малакали муаллимлар ва илмий ходимлар вояга етди, жумҳурият ҳалқ ҳўжалиги учун жуда муҳим бўлган фан ва техника соҳалари муваффақиятли ривожланди. Чунончи, материаллар қаршилиги ва назарий механика кафедрасига техника фанлари доктори академик профессор М. Т. Урозбоев, марксизм-ленинлизм кафедрасига фан доктори О. М. Аминов, химия ва физика кафедрасига А. А. Алимов мудирлик қилдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Академиги, техника фанлари доктори М. А. Ҳожинова кўп йиллар давомида институтта раҳбарлик қилди, у ҳам ўз вақтида шу институтнинг аспирантурасини битирган эди.

Шундай қилиб, 1930—1935 йилларда Ўзбекистонда бир ҳанча мустақил тармоқ институтлари ташкил топди. Уларнинг ташкил қилиниши туфайли талабалар анча кўпайди. Олий ўқув юртлари талабаларининг миллий таркиби ҳам ўзгара борди. Масалан, 1930/31 ўқув йилида ирригация институти талабаларининг 36 фоизи, пахтачилик агрономия факультети талабаларининг 47 фоизи, ирригация ва қурилиш факультети талабаларининг 37 фоизи маҳаллий миллатларнинг фарзандлари эди. Талабалар орасида ишчилар, батраклар ва камбағалларнинг саломги 50,3 фоизни ташкил қилди.

Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтида эса 1937 йилда туб миллатга мансуб талабалар 13,2 фоизни ташкил этди. Бироқ, миллий муҳандис-техника ва қишлоқ ҳўжалиги кадрларини тайёрлаш мураккаб шароитда ўтди. Маҳаллий тилларни биладиган малакали муаллимлар етишмас эди. Она тилида дарслклар йўқ эди. Дарслар фақат рус тилида ўқитилар эди, бу эса маҳаллий миллат талабаларининг ўзлаштириш даражасини юқори кўтариш имконини бермасди. Аммо илмга чанқоқ талабалар бир-бирини қўллаб-қувватлаш йўли билан фан сирларини бир амаллаб эгаллашга интилар эдилар. Профессорлар ўқиган лекцияларни рус тилини яхши биладиган талабалар ўзбек тилига таржима қилиб беришар, таржима матнидан кўп нусха кўчириб рус тилини билмайдиган талабаларга тарқатишар эди.

Техника ўқув юртларининг студентлари ва муаллимлари амалий иш билан шугулланиш орқали олинган билимларни мустақамлар ва шу тариқа малакасини тобора оширап эдилар. Улар жумҳуриятдаги қишлоқ ҳўжалиги ишларида мунтазам

қатнашар эдилар, экиш ва ҳосилни йигишириб олиш даврида турли топшириқларни бажарар эдилар, тракторлар ремонтининг сифатини текширишда, трактор культиваторларини синааб кўришда қатнашар эдилар.

1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг 300 талабаси ва 18 профессор-муалими қатнашди. Институтининг илмий ходимлари ва юқори курс талабалари пахта териш машиналарини лойиҳаловчи конструкторлик бюроси ишида қатнашдилар.

Ўша йилларда мавжуд бўлган 9 та олий ўқув юртидаги 6734 талабанинг 2352 нафари, яъни учдан бир қисми маҳаллий миллатларга мансуб эди. Бу — партия билан ҳукumatнинг ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасида зўр гайрат билан амалга оширган ташкилотчилик ва тарбиявий ишларининг катта муваффақияти бўлганилиги шубҳасиз.

Бироқ қишлоқ зиёдлари фақат олий ва ўрта ўқув юртларини битириб чиққан кишилардангина шакллангани йўқ. Ўзининг билим ва маданий савиёсини мустақил равишда ёки курсларда оширган илгор тажрибакор колхозчилар ҳисобига ҳам уларнинг сафи тўлиб борди. 30-йилларда бунинг учун имкониятлар анча кенгайган эди. Раҳбар ва ҳўжалик лавозимларига кўтарилиган омилкор ишлаб чиқариш ходимларининг сиёсий ва амалий малакасини ошириш учун шароит яратилган эди. Шундай лавозимга кўтарилиган кишилар коммунистик қишлоқ ҳўжалиги мактабларига, районлардаги колхоз мактабларига, ишчи факультетларига, турли курсларга, институт ва техникумларнинг сиртқи бўлимларига ўқишига юборилар эди.

Шу усуллардан фойдаланиш туфайли Ўзбекистонда иккичи беш йилликда қишлоқ ҳўжалиги учун кадрлар тайёрлаш кенг қулоч ёзи. Шу тариқа колхоз ва овхозлар учун кўпдан-кўп кадрлар, район ташкилотлари ва бошқармаларининг ходимлари тарбиялаб етиштирилди.

Дастлабки беш йиллик мобайнида ўрта қишлоқ ҳўжалик ўқув юртларининг тармоғи анча кенгайди. 1928 йилда Ўзбекистонда 9 та, 1929 йилда 12 та қишлоқ ҳўжалиги техникими ташкил этилган бўлса, 1930 йилда уларнинг сони 18 тага етди. Улардаги ўқувчилар сони шу йилларда 1254 кишидан 3445 кишига етди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида жумҳурият ўқув юртлари сал кам 400 нафар қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларини етиштириб берди. Бундан ташқари қисқа муддатли курсларда 1931 йилнинг кўкламги экиш мавсумигача

тажирибали деҳқонлар орасидан 20 мингта яқин деҳқончилик ишбошилари ва 400 га яқин агротехник тайёрланди.

Иттифоқ деҳқончилик ва совхозлар халқ комиссарликлари миллий жумҳуриятлар учун қишлоқ хўжалиги кадрлари тайёрлашни кенг миқёсда йўлга қўйдилар. Жойларда улар 287 та қишлоқ хўжалиги техникумларини барпо этишди, улардаги талабаларнинг учдан икки қисми маҳаллий миллатларга мансуб кишилар эди.

Агрономия ва техника кадрлари тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш билан бирга сиёсий жиҳатдан саводли, юқори малакали қишлоқ хўжалиги ташкилотчилари ва раҳбарларини тайёрлашга жуда катта аҳамият берди.

1940 йилда жумҳуриятда бешта — Самарқанд, Наманган, Янгийўл, Урганч ва Тўрткўл ўрта қишлоқ хўжалиги таълими мактаби барпо этилди, учинчи беш йиллик мобайнида бу ерда 12 та янги техникум ва турли соҳалар учун кадрлар тайёрловчи билим юртлари ташкил қилинди. Улар етиштириб берган малакали кадрлар колхоз тузумини қарор топтириш ва мустаҳкамлашда кўп иш қилдилар.

1932 йилда Ўзбекистонда деҳқончилик халқ комиссарлигининг ўқув тармогида 5 та олий ўқув юрти, 23 та техникум, 4 та кундузги ва 6 та кечки ишчилар факультетлари, олий ўқув юртларига талабалар тайёрловчи 5 та курс бор эди. Шу ўқув юртларига 1932 йилда 5563 киши қабул қилинди. Қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг 7142 ўқувчиси орасида 4895 ўзбек ва 1071 бошқа миллат вакиллари, шу жумладан 772 хотин-қиз бор эди. Уларнинг 332 нафари коммунист, 2220 нафари комсомол эди.

Туб миллатлар орасидан аёл кадрлар тайёрлашга алоҳида зътибор берилди. Уларнинг энг фаоллари раҳбарлик лавозимларига кўтарилиди. Чунончи, 1933 йилнинг бошларида 619 аёл қишлоқ хўжалик артеллари бошқарувларининг аъзолари, 7 аёл колхоз раислари, 113 аёл тафтиш комиссияларининг аъзолари, 14 аёл район колхоз уюшмалари бошқарувларининг аъзолари эди. 1934 йилда колхозларнинг раислари орасида 34 нафар, раис ўринбосарлари орасида 59 нафар, бригадирлар орасида 257 нафар хотин-қиз бор эди ва ҳоказо. 1938 йилга келиб колхозларнинг раислари орасида аёллар 267 нафарга, тафтиш комиссияларининг раислари орасида 171 нафарга, бригадирлар ва ферма мудирлари орасида 1074 нафарга, агрономлар ва зоотехниклар орасида 19 нафарга етди.

Шу йилларда район, шаҳар, вилоят партия комитетларидаги раҳбарлик ишида 65 аёл ишлар эди, Ўзбекистон республикаси Олий Советининг депутатлари орасида 53 нафар хотин-қиз бор эди.

Салима Нуғмонова хотин-қизлар орасидан стишиб чиққан дастлабки агрономлардан эди. У Ленин районидаги Носиров номли колхозда бригадир бўлиб ишлар эди. Тупроқни ишлаш ва ўғит солиш соҳасида ўз усулини яратганлиги, ишларни механизациялаштирганлиги, айниқса культивацияни жорий этиб, мўл ҳосил олинганилиги учун С. Нуғмонова 1936 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Шу тариқа Ўзбекистон хотин-қизлари хўжалик, сиёсий ва маданий қурилишга тобора фаол қўшила бордилар.

1939—1940 йилларда Ўзбекистонда янги сугориш каналлари ва сув омборлари қуриш ҳаракати авж олиб кетди. Фаргона вилоятининг колхозчилари бу ишнинг ташаббускорлари бўлдилар. Улар ҳашар усулида бир неча кун давомида 32 километрли Лоғон каналини қурдилар.

46 та йирик ва 275 та майда гидротехника иншоотлари бўлган 270 километр узунликдаги Катта Фаргона каналини Ўзбекистон ва Тоҷикистон меҳнаткашлари 1939 йилда 45 кун ичида битказиб ишга туширилар. Шимолий ва Жанубий каналлар, Тошкент канали ва Кампирравот тўғони ҳашар усулида қурилди.

Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларини битириб моҳир мутахассислар бўлиб етишган олиму лойиҳачилар янги сугориш каналлари ва сув омборлари қурилишига катта ҳисса қўшдилар. Улар қурилишларни лойиҳа хужжатлари билан ўз вақтида таъминладилар, техниковий раҳбарликни амалга оширидилар. Илгор меҳнат усуулларини жорий қилдилар, қурувчилар орасида социалистик мусобақани йўлга қўйдилар. Каналлар ва сув омборларининг барпо этилиши минглаб ерларни экинзорларга айлантириш, ҳосилдорликни ошириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни хом ашё билан таъминлашни яхшилаш имконини берди.

Дастлабки агрономлардан бири А. М. Мирдадаев 30-йилларда жумҳурият қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ўз меҳнат фаолияти давомида кўплаб малакали мутахассислар етиштириди, жумҳурият қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланди.

Ана шу меңнатлари учун у Ленин, Мәңнат Қизил Байроқ, "Хурмат белгиси" орденлари ва кўпгина медаллар билан мукофотланди. Унга "Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном" Фахрий унвони ҳам берилди.

Шундай қилиб Совет Ўзбекистонидаги қишлоқ хўжалигининг кўпгина малакали мутахассислари, совхозлар ва МТСларнинг муҳандис-техник ходимлари вояга етди, улар мамлакатнинг пахта мустақиллиги учун курашга, жумҳурият қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуришга катта қисса қўшилар.

Халқ фарзанди бўлган Ўзбекистоннинг қишлоқ зиёлилари ўзининг синфий ва касб-кор таркиби, мақсадлари ва вазифалари, фаолият тури ва маънавий-сиёсий қиёфаси жиҳатидан инқилобдан аввалги оз сонли қишлоқ зиёлиларидан мутлақо фарқ қиласди. Билим доираси кенг, маданий савиаси юқори бўлган янги қишлоқ зиёлилари камол топганлиги маданий инқилобнинг ажойиб ютуқларидан бири бўлди. Улар колхоз қишлоғининг қудратли сиёсий ва маданий кучига айланди, колхозчиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушига раҳбарлик қила бошлади.

Маданият, алабиёт ва санъат соҳасидаги ижодкор зиёлилар фаолияти

Социалистик қурилишда фанинг ўрни ва аҳамияти ортиб, илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида илмий тадқиқот институтларининг тармоғи тез кўпайиб борганинги илмий кадрлар тайёрлаш суръатларини янада жадаллаштириш ва шаклларини такомиллаштиришини талаб қилиди. Гарчи, беш йиллик бошланган пайтда илмий кадрларни вояга етказишга катта қадам қўйилган бўлса ҳам, инқилobдан аввалги даврга нисбатан бундай кадрлар сони анча кўпайиб, жумҳуриятдаги илмий ходимлар минг кишидан ошган бўлса ҳам фан ва техника учун кадрлар тайёрлашнинг мавжуд системаси мамлакатнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ эмас эди, уларни вояга етказиш суръатлари эса илмий муассасалар тармогининг ривожланиш суръатларидан орқала қоластган эди.

Халқ хўжалигини социалистик негизда янгилаш миқёси кенгайиши муносабати билан янги мутахассислар ва ёш илмий ходимлар тайёрлаш масалалари ҳукуматининг фаолиятида муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолди.

Мутахассис кадрлар тайёрлашнинг бутун системасини тубдан яхшилаш, "Янги мутахассислар тайёрлашни яхшилашда", ҳақиқатан ҳам фан ва техниканинг энг янги ютуқлари даражасида турувчи мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш йўлларини белгилади, "ёш илмий ходимлар тайёрлашни қисқа муддатларда кенгайтириш (аспирантура), уларни танлашни ва илмий ишга раҳбарликни, шунингдек уларнинг моддий шароитини тубдан яхшилашни кўзда тутди. 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида қабул этилган бошқа бир қанча қарорлар ҳам илмий кадрлар тайёрлаш системасини узил-кесил тартибга солишга кўмаклашди.

Шўро ҳокимиятининг иккинчи ўн йиллиги бошланган пайтда мамлакатда илмий кадрлар тайёрлашнинг бир неча шакли мавжуд эди.

Мамлакатни саноатлаштиришга ва қишлоқ хўжалигини колективлаштиришга ўтиш, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаларини амалга ошириш туфайли Ўзбекистонда илм-фани ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашда ҳам янги босқич бошланди.

Университет ва педагогика олий ўқув юртлари зими масига табиий-илмий ва физика-математика ихтиослари бўйича педагог кадрлар тайёрлаш вазифаси юқлатилган эди. 1932 йилда Самарқанддаги педагогика Академияси ҳузурида ва Ўзбекистонда халқ комиссарлари кенгашининг илмий тадқиқот институти ҳузурида аспирантура ташкил этилди.

Ўзбекистонда маҳаллий шароит ва имкониятларни назарда тутиб аспирантларни танлаб олишида бошқача йўл тутилди. Бу ерда ҳатто олий маълумотга эта бўлмаган кишилар ҳам аспирантурага қабул этилди. Масалан, олий ўқув юртлари юқори курсларининг маҳсус фанлардан мубаффақиятли синовдан ўтган талабалари аспирантурага қабул қилиниши мумкин эди. Улар учун маҳсус курслар ёки тайёрлов гуруҳлари тузилар эди. Юқори малакали педагог кадрларга эҳтиёж жуда кучли эканлиги ва бундай кадрлар мутлақо етишмаётганлиги, шунингдек илмий фаолиятга қобилиятсиз эканлиги маълум бўлиб қолган кўпчилик аспирантлар кетиб қолаётганлиги сабабли умумий қоидаларни мана шундай истисно этишга тўғри келди.

Аспирантурага талабаларнинг очиқ йигилишларида танлаб олинар эди. Шу тариқа 1935 йилда Ўрга Осиё давлат дорил-фунунининг аспирантурасига 49 киши, 1939 йилда 83 киши қабул қилинди. Тошкент тиббиёт институтида 1930 йилдан то 1942 йилгача аспирантурага 82 киши қабул қилинди, уларнинг 54 нафари маҳаллий миллатларга мансуб эди. Шуларнинг 47 нафари номзодлик диссертациясини ёқлади.

Самарқанддаги Ўзбекистон давлат дорилғунунида уч йил (1933—1936 йиллар) мобайнида 38 аспирант диссертация ёқлади, уларнинг 26 нафари ўзбек миллатига мансуб эди. Иккинчи беш йилликнинг 4 йили мобайнида тил ва адабиёт илмий тадқиқот институти 23 нафар илмий ходим тайёрлаб берди.

Мамлакатнинг марказий шаҳарларида ҳам жумҳурият учун илмий кадрлар тайёрланди. 1935—1936 йилларда Ўзбекистон ҳалқ комиссарлари кенгаши ҳузуридаги фан комитети марказий шаҳарларга 15 нафар ўзбек аспирантини юборди, улардан 9 киши Москвадаги қизил профессорлар институтида таълим олди. Бундан ташқари 1939 йилнинг охирларида беш нафар тилшунос аспирант Ленинграддаги Н. П. Марр номли тил ва тафakkur институтига юборилди, Москва ва Ленинград олий ўқув юртларида 22 нафар илмий ходим тайёрланди.

Марказий комитетининг котибиияти 1936 йил 23 марта фан-техника соҳасидаги миллий кадрларни танлаб олиш ва тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Умумиттифоқ аҳамиятига молик ўқув юртларида иттифоқдош жумҳуриятларнинг вакиллари учун жой сақлаб қўйиш системасини давом эттириш зарур, деб топилди.

Ўша пайтда олий ўқув юртлари ҳалқ маорифи комиссарлиги ихтиёрида бўлғанлиги сабабли бу комиссарликка мазкур қарорнинг ижросини назорат қилинши кучайтириш ва институтларни муваффақиятли битириб чиқсан маҳаллий миллат вакилларини аспирантурага жалб қилишга алоҳида ётибор бериш тавсия этилди.

Миллий кадрлар тайёрлашнинг бу усули ўзини тўла-тўқис оқлади. У миллий жумҳуриятларда ҳам, умуман мамлакатда ҳам янги Совет зиёдларини камол топтиришлек жуда мураккаб муаммони ҳал этишини жадаллаштириди. 1934 йилнинг ўзида Москва ва Ленинград олий ўқув юртларида Ўзбекистондан борган 800 нафар талаба таълим олар эди. 1934 йилдан 1938 йилгача мамлакат марказий шаҳарларининг олий ўқув юртларини битириб чиқсан 400 нафардан кўпроқ юқори малакали мутахассис жумҳуриятга ҳайтиб келди.

1935 йилда фан комитетида Москва ва Ленинградга юбориш учун аспирантларнинг 15 кишидан иборат дастлабки туркуми қабул қилинди. Шунингдек, комитетнинг ўз муассасаларидаги аспирантурада ўқиш учун 125 киши танлаб олиниди. 1936 йилда эса яна 36 ва 28 киши аспирантурага қабул қилинди. Москва ва Ленинградда таълим олган аспирантлар орасида О. С. Содиқов, F. A. Мавлонов, N. A. Кансарин ва бошқалар бор эди. Кейинги йилларда X. Раҳматуллин, Р. Алимов, X. М. Абдуллаев ва бошқа кўп кишилар ҳам мамлакатнинг марказий

шаҳарларидаги аспирантурада таълим олдилар. 1935—1938 йилларда Ўзбекистондаги аспирантураларни 25 киши битирди, улардан 17 киши диссертация ёқлади. 30-йилларнинг охирига келиб жумҳуриятда илмий ходимларнинг юқори малакали кадрлари ўсиб вояга етди. Кейинчалик улар ўз фани соҳасидаги янги ўналишларга асос солдилар.

Улар орасида математиклардан Т. Н. Қориниёзов, Т. А. Саримсоқов, физиклардан С. Умаров, И. И. Исломов, ботаниклардан К. З. Зокиров, С. С. Сахобуддинов, Х. М. Муродов, геологлардан Х. М. Абдуллаев, И. М. Исамуҳамедова, зоологлардан Т. З. Заҳидов, А. Т. Тўлаганов, химиклардан А. Шамсиев, Ю. Т. Тошпўлатов, О. С. Содиқов, С. Ю. Юнусов, файласуфлардан И. М. Мўминов, В. Й. Заҳидов, тарихчи-археологлардан Я. Е. Гуломов, В. А. Шишкян, филологлардан Х. Т. Зарипов, О. Шарофитдинов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг кўплари кейинчалик ССРР Фанлар Академияси ва Ўзбекистон Фанлар академияларининг ҳақиқий аъзолигига сайландилар.

Ўзбек олимларининг саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳамдўстлиги тобора кенгайиб, хилма-хил тус ола борди. Уларнинг кўплари ҳалқ хўжалигидаги ва ижтимоий соҳадаги муҳим муаммоларни ҳал этиш учун илмий тадқиқот билан шугулландилар. Чунончи, Ўрта Осиё давлат дорилғунуни олимларининг фаол иштироки билан қишлоқ хўжалиги, хусусан унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик муаммолари, даштларни ўзлаштириш, баланд тоғлардан самарали фойдаланиш масалалари ишлаб чиқилди. Ўрта Осиё тупроқлари ўрганилди, чорвачиликнинг ем-хашак ресурсларини кўпайтириш имкониятлари қидириб топилди.

Селекциячи олимларнинг ингичка толали ва узун толали пахтанинг серҳосил навларини етиштириш соҳасидаги ишлари муваффақиятли бўлиб чиқди.

Олимлар билан мутахассислар ғўза терадиган машинани ясадилар ва ишлаб чиқаришга жорий этдилар. 1938 йилда "Ташсельмаш" заводи 200 та мана шундай машинани ишлаб чиқарди. Кўчма кўсак чувийдиган машина ва бошқа механизмлар ҳам яратилди.

Пахтачилик соҳасидаги олимларнинг куч-гайратлари билан 1939 йилда ғўзани парвариш қилиншининг узунасига ва кўндалангига ишлаш деб аталған ва фақат механизмлар ёрдамида бажариладиган усули ишлаб чиқилиб, 60 гектар ерда жорий этилди. Бу усул меҳнат сарфини 2—2.5 ҳисса камайтириш ва мўл ҳосил олиш имконини берди.

Бироқ, илмий ходимлар сон жиҳатдан анча кўпайган бўлишига қарамай, ҳали ҳам уларга бўлган эҳтиёж тўла-тўкис қондирилмаган эди. Шу муносабат билан 1936 йилда ҳалқ комиссарлари кенгаши олий ўқув юртлари ва олий техника ўқув юртлари кафедраларининг раҳбарлари зиммасига муаллим кадрлар тайёрлаш билан бирга, илмий кадрлар тайёрлашни кучайтириш вазифасини ҳам юклади.

Илмий ишларни мувофиқлаштириб туриш ва уларга раҳбарлик қилиш учун Ўзбекистонда Марказий ижроия комитети ҳузурида 1932 йилда таъсис этилган фан комитети 1940 йилда ССРФ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига (ЎзФАН) айлантирилди.

Илмий изланишлар асосида қишлоқ хўжалик машиналарининг янги турлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шу туфайли пахтачиликдаги ва бошқа тармоқлардаги ишлар механизацияштирилди ва қишлоқ хўжалигини бирмунча юксалтиришга эришилди.

Бутуниттироқ пахтачилик илмий тадқиқот институти гўза ҳосилдорлигини ошириш соҳасидаги ютуқлари, илмий тадқиқот ишларини муддатидан аввал, юқори сифатли қилиб бажарганинг учун 1940 йилда Ленин ордени билан мукофотланди. Шу институттинг 84 нафар ходими ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди. Жумладан, икки киши Ленин ордени, уч киши Меҳнат Қизил Байроқ, тўрт киши "Хурмат белгиси" орденлари билан ва 36 киши Ўзбекистон Олий Советининг факрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

География, астрономия, математика, органик кимё, геология, ирригация каби соҳалардаги тадқиқотлар давом этирилди. Уларнинг ҳаммаси илмий кадрлар ўстанлигидан, илм-фан ривожланганинг далолат берар эди. Энди республика иқтисодий тараққиётининг янги истиқболлари очилган эди.

Тарихчиларнинг кадрлари ўсиб вояга ета бошлади. 30-йилларда мамлакат марказий олий ўқув юртларини битириб келган тарихчи олимлар уларнинг сафига қўшилди.

Археология тадқиқотлари жабҳаси кенгайди, илмий экспедициялар ташкил этилди. Стратиграфия кузатувларидан фойдаланиб ва бошқа фан маълумотларини жалб этиб, хусусан табииёт фанлари кўмаги билан археологияда янги усул ишлаб чиқили (М. Е. Массон, В. А. Шишкін, Я. Ф. Фуломов, М. Х. Воронец ва бошқалар). Тобора янги-янги жойлардаги қадимий ёдгорликларни тадқиқ қилишга киришилди ва жаҳон миқёсида аҳамиятга эга кашфиётлар қилинди.

Маҳаллий миллатлардан илмий кадрлар тайёрлаш суръатли-

рини жадаллаштириш учун қатъий чора-тадбирлар кўрилди. 1937 йилдан 1941 йилгача Ўзбекистоннинг илмий ва ўқув муассасаларидағи аспирантлар иккى баравар кўпайиб, 17 минг кишига стай деб қолди.

Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари билан 1928 йилда маҳаллий аҳолидан 288 аспирант ўқир эди. 1941 йилга келиб республикадаги 79 та илмий тадқиқот институти ва лабораториясида 3238 илмий ходим ишлар эди.

Ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллатлар орасидан дастлабки фан докторлари стишиб чиқди. 1939 йилда Т. М. Қориниёзовга физика-математика фанлари доктори, 1940 йилда М. Ф. Абдуллаевга тиббиёт фанлари доктори илмий даражаси берилди. Республикада ҳаммаси бўлиб 109 фан доктори ва 510 фан номзоди ишлар эди.

Шу вақтга келиб, дастлабки аёл олимлар туркуми пайдо бўлди: Ўзбекистондаги биринчи врач аёл Зулфия Умидова (профессор, ССРФ медицина фанлари академиясининг ҳақиқий Ѣзоси). З. Сайдносирова (профессор, кимё фанлари номзоди), С. Х. Миркамолова (профессор, геология-минералогия фанлари доктори), биологлардан М. А. Орифхонова, Ф. Ёқубова, тарихчилардан Юсупова, Ф. Йўлдошева, Мангушева ва бошқалар шулар жумласидандир.

Филолог олимлар аввало ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги соҳасида кўпгина тадқиқотлар ўтказиши.

Шундай қилиб, 30-йиллар Ўзбекистон табиий ва ижтимоий фанларини қарор топтириш ва ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди. Республикада илм-фани ривожлантиришда эришилган мұваффақиятлар туфайли 1937 йилда Ўзбекистон олимларининг I съездини чақириш имконияти туғилди.

Шу билан бирга 30-йилларда социализм принципларидан чекиниш содир бўлганлиги илм-фанинг ривожига ҳам таъсир қилмай қолмади. Кўпгина олимлар қатагонлар қурбони бўлди. 30-йилларда Германияда ўқиб келган йирик кимёгар олим, педагог Саттор Жабборов қатагонга учраганларнинг дастлабкиларидан эди.

У ватанга қайтиб келгач, 1932—1934 йилларда Тошкент тиббиёт институти ноорганик кимё кафедрасининг илмий ходими бўлиб ишлади, сўнгра 1935—1937 йилларда шу кафедрага мудир этиб тайинланди. Саттор Жабборов кимёга оид 20 тадан кўпроқ илмий иш ёзди. Кимё дарслигини немисчадан рус ва ўзбек тилларига таржима қилди. 30-йилларнинг бошларидаги олим Ф. Энгельснинг "Табиат диалектикаси" асарини таржима қилганлиги жумҳуриятда илм-фан соҳасидаги катта

воқеа бўлди. Саттор Жабборов бир қанча химик олимларни тайёрлаб стишиди. Улар брасида академик, Ленин мукофоти нинг лауреати Ёлқин Тўрақулов, Эргаш Отаконов, Собир Шамсiev, йирик кимёгар олима Зарифа Сайдносирова, Абдураҳим Шамсiev, Маҳмуд Ҳакимовлар унинг ўзбек тилидаги лекцияларини тинглаганлар. 1937 йилда у ватан хонни, космополит деб ўзлон қилиниб, йўқ қилиб юборилди. Саттор Жабборов 1989 йилда оқланди.

1924—1930 йилларда ўзбек зиёлиларининг бошқа намояндалари — Солих Муҳаммади, Сайдамин Усмоний, Аҳмад Шурийлар ҳам Германияда ўқиб келган эдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, урушдан олдинги давр Ўзбекистонда илмий кадрларни вояга етказишда муҳим босқич бўлди. Республикада илм-фанни янада ривожлантириш, турли тармоқлар бўйича юқори малакали мутахассисларни вояга етказиш учун шароит яратилди. Бу олимлар республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш 30-йиллардаги ижтимоий-маданий вазифалар орасида энг муҳимларидан бўлди. Умумий еттийиллик ва ўрта таълимни жорий этиш режалари бажарилмай қолишига айни миллий педагог кадрларининг етишмаслиги кўнжиҳатдан сабаб бўлган эди. Ҳатто мамлакатдаги миллий районларнинг бошлангич мактаблари ҳам малакали муаллим кадрлар билан таъминланмаган эди.

Муаллимлар тайёрлаш муаммоси миллий жумҳуриятларда айниқса ўткир масала эди. Ўзбекистон Компартиясининг V съездига (1930 йил) буни маданий қурилишнинг энг мураккаб муаммоси деб атади.

Мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоси биринчи даражали аҳамиятга эга эди.

Совет муаллимлари қўпайиб, уларнинг ижтимоий таркибида рўй берастган жиддий силжишлар қўпчилик мактаб ўқитувчиларининг малакаси даражаси ўсишидан илдамроқ борар эди. Улар асосан қисқа муддатли курсларда тайёрланар, бу курсларга эса баъзан саводсизликни тугатиш мактабларидан тўппа-тўғри келиб киради. Бу эса ўқувчиларнинг ўзлаштиришига, билимининг сифатига салбий таъсир қиласи эди. Ўқитувчиларнинг сиёсий саводини ошириш иши ҳам унчалик юқори савияда олиб борилмас эди. Умумий бошлангич таълимни амалга оширишга киришилган пайтда жумҳурият ўқитувчиларининг 52,8 фоизи бошлангич маълумотли эди.

Ўзбекистон маориф ҳалқ комиссарлигига педагогика ўқув

юртларининг моддий аҳволини мустаҳкамлашни, талабалар учун стипендиялар миқдорини кўпайтиришни топшириди, унинг зиммасига олий ва ўрта педагогика ўқув юртларида дарс бериш савиясини кўтариш вазифасини юклади, талабаларнинг муаллимлик тажрибасини ўрганишини яхшилаш, педагогика институтлари ва техникумларини профессор-муаллимлар билан мустаҳкамлаш зарурлигига уларнинг ўтиборини қаратди. Шу билан зйни бир вақтда ўқитувчиларнинг ижтимоий таркибини яхшилашга катта ўтибор берди.

Иттифоқдош жумҳуриятлар ҳалқ комиссарлари кенгашлари ва деҳқончилик ҳалқ комиссарликлари зиммасига меҳнаткашлар учун педагогика ўқув юртлари ҳузурида 3—4 ва 6—10 ойлик тайёрлов курсларини ўютириш вазифасини юклади, шу курсларни битириб чиқсан кишилар педагогика институтлари ва техникумларига киришлари лозим эди. Эски ўқитувчи кадрлар учун заруратга қараб қисқа муддатли малака ошириш курслари ва сиёсий саводхонлик курслари ўютирилди. 1931 йилдан 1937 йилгача шундай курсларда 35608 киши тайёрланди.

Дастлабки беш йиллик даврида педагогика таълими ёхтиёжларига сарфланадиган маблағ оширилган, педагогика техникумлари ва институтлари тармоғи кенгайтирилган ва улардаги ўқувчилар қўпайтирилган эди. Дастлабки иккита беш йилликнинг ўзида бу ишга иккى миллион 900 минг сўм сарфланган эди. 1926—27 ўқув йилида 17 та педагогика техникуми бўлиб, уларда 2865 талаба таълим олган бўлса, 1932—33 ўқув йилида 27 та техникумда 5090 киши таълим олди.

Ўзбекистон Компартиясининг V съезди бундай деб таъкидлadi: "Шу пайтда педагог кадрлар муаммоси маданий қурилишнинг энг мураккаб муаммосидир. Бир ва иккى йиллик педагогика курсларини ташкил этиш йўли билан янги кадрларни зўр бериб тайёрлаш, шунингдек мавжуд кадрларни сиртқи таълим системаси орқали қайта тайёрлаш зарур".

Тегишли малакаси бўлмаган ишлаб турган ўқитувчilar асосий ишдан ажралмаган ҳолда ўқишилари учун педагогика техникумлари орқали ўқитувчи кадрларни сиртдан тайёрлаш системаси ҳам янада ривож топди.

1932 йилнинг августида Ўзбекистонда маориф ҳалқ комиссарлигининг қарори билан ўн иккита кундузги педагогика билим юрти ҳузурида сиртқи педагогика билим юртлари очилди. Шу тариқа қишлоқ ўқитувчиларининг малакасини ошириш учун қуляй шароит вужудга келаи.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши давлатдан катта маблағ талаб қилди. 1934 йилдан 1936 йилгача сиртқи билим юртларида,

педагогика институтларида ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўзига 294.663 сўм сарфланди.

1937 йилда 13 мингта яқин ўқитувчи кечки ва сиртқи педагогика ўқув юртларида малака ошириди. Мана шуларнинг ҳаммаси мактабларда дарс бериш сифатини яхшилашга кўмаклашди.

Умумий бошлангич таълим жорий этилгандан кейинги дастлабки йилларда ўқитувчиларнинг сафлари асосан турли курсларни битирган ва старли умумий таълим билимига эга бўлмаган кишилар ҳисобига тўлиб борган бўлса, иккинчи беш йилликнинг охирига келиб, мактабларга педагогика ўқув юртларини тўла ҳажмда битириб чиқсан, ишлаб чиқаришда тажриба ортирган ва давлат имтиҳонларини топширган анча билимдон ўқитувчилар юборила бошлади.

Самарқанд педагогика институти талабалар қабул қилишни йил сайин кўпайтириди. Унинг моддий негизи йил сайин мустаҳкамланди. 1927 йилда унда 55 талаба ўқиган бўлса, 1930 йилда 415 киши таълим ола бошлади, уларнинг салкам 70 фоизи ўзбеклар ва бошқа туб миллатларнинг вакиллари эди. Шу йилларда институт муаллимлари 48 кишидан 173 кишига стди, яъни тўрт баравар кўпайди. 1930 йилдан бошлаб у Ўзбекистон педагогика академиясига айлантирилди, сўнгра унинг негизида 1933 йилда Ўзбекистон давлат дорилфунуни ташкил қилинди. Бу илм даргоҳи Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятларнинг олий ўқув юртлари ва мактаблари учун педагог кадрлар тайёрлаши лозим эди.

1930 йилда Бухоро ва Фарғонада педагогика институтлари, Андижонда кечки педагогика институти очилди (охири институт 1940 йилда ёпилди). 1931 йилда яна иккита кечки педагогика институти Самарқанд ва Қўқонда ташкил қилинди (1939 йилда ўқитувчилар институтига айлантирилди). Олий ўқув юртларига биринчи галда деҳқонлар ва ишчилар синфининг намояндлари қабул қилинар эди.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари, шу жумладан Ўзбекистон учун муаллим кадрларни аввало маҳаллий миллатлар вакилларидан тайёрлаб бориша ўрта Осиё давлат университетининг аҳамияти катта. 10 йил мобайнида — 1920 йилдан 1930 йилгача бу илмгоҳ Ўрта Осиё коммунистик дорилфунунини ҳисобга олмагандан бирдан-бир дорилфунун эди. Бу ерда илмий ходимлар билан бирга малакали ўқитувчилар тайёрлаш йил сайин кўпайтириб борилди.

Ўзбекистонда педагогика институтларини ташкил этиш кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. Ўзбекистон педагог кадрлари таркиби кўп миллатли эди.

Бошлангич мактаб ўқитувчиларининг кўпчилиги — 58,4 фоизи ўзбеклар, 26 фоизи оз сонли миллатларнинг намояндлари ва 15,6 фоизи европаликлар эди.

Ўзбекистон компартиясининг VIII съезд (1934 йил январь) муаллимлар тайёрлаш масалаларига катта эътибор берди. Съезд жумҳуриятда ҳалқ таълимими ривожлантиришда педагог кадрлар тайёрлаш ҳал қилувчи шартларлан бири эканлигини кўрсатди. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларнинг ижтимоий маниший аҳволини яхшилашга эътиборни кучайтириш талаб қилинди. Съезд педагогика олий ўқув юртларининг профессор муаллимлар таркибини мустаҳкамлаш, уларнинг малакасини ва гоявий-сисий савиясини ошириш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Шу анжуманларнинг тавсияларига биноан республикада педагогика таълимими янада ривожлантириш юзасидан бир қанча қўшимча чора-тадбирларни кўрди, педагогика олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш режаси амалга оширилди. Тошкентда янги педагогика институти ва Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Бу институт педагогика билимларининг, мактаб таълиммининг долзарб муаммоларни ишлаб чиқиши ва ўқитувчи кадрлар тайёрлашда ёрдам бериши лозимлиги таъкидланди. 1934 йилнинг ўзида педагогика техникумлари, институтларига ва ишчилар факультетларига 4440 киши қабул қилинди, уларнинг аксарияти маҳаллий миллатларга мансуб меҳнаткашларнинг фарзандлари эди.

1935 йилнинг январида Ўзбекистонда 1930—1934 йилларда педагогика техникумлари ва қисқа муддатли курсларнинг кенг тармоғи орқали 10 мингта яқин ўқитувчи тайёрланганлитини қайд этди. Съезд мактабларда таълим сифатини оширишни ва иккинчи беш йиллик охиригача жумҳурият шаҳарларида етти йиллик мажбурий таълимни жорий этишни талаб қилди. Шу муносабат билан янги кадрлар тайёрлашга ва эски муалимларнинг малакасини оширишга катта эътибор берилди.

Янги ўқитувчиларни тарбиялаб, вояга етказиш учун республика вилоятларининг марказларида ва Тошкентда турли-туман курслар ва бешта ўқитувчилар институти ташкил этилди. Ўзбекистонда янги ташкил қилинган ўқитувчилар институтларига профессор-муаллим кадрлар билан, маблағ, ўқув ва кўргазмали қўлланмалар билан ёрдам бериб турдилар.

Институтларнинг талабалар қабул қилиш ва турли ихтисослардаги ўқитувчиларни тайёрлаш режаси йил сайин оширилди. Олий педагогика ўқув юртларининг талабалари кўпчилиги маҳаллий миллатларнинг фарзандлари эди. Масалан, 1936 йилги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон давлат дорилфунуни сту-

дентларининг 60 фоизи ўзбеклар ва бошқа туб миллатларнинг вакиллари эди. 1935 йилда дорилғунунни тамомлаб чиқсан 179 киши орасида ўзбеклар 69, тохиклар 13 ва қозоқлар икки киши эди.

Зарборд ўқитувчиларнинг 1934 йилда бўлиб ўтган биринчи умумъузбекистон слётида ҳам ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди. кўпчилик ўқитувчиларнинг умумий ва маҳсус тайёргарлиги етарли эмаслиги ва шунга қарамай, аксарият ўқитувчилар ўз малакасини ошириш ва гоявий-сиёсий савиясини кўтариш учун зарур даражада сабот билан курашмаётгандиги мактаб иши сифати қониқарсизлигининг энг катта сабаби эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистоннинг 16 мингдан кўпроқ ўқитувчисидан вакил бўлиб келган слёт қатнашчилари ўз зиммаларига малакани мунтазам ошириш, дарс бериш услубини такомиллаштириш, унга ижодий тус бериш, мактабларнинг моддий-техникавий базасини сақлаб қолиш ва яхшилаш, лабораториялар, ўқув хоналари барпо этиш ва уларни ривожлантириш учун тинимсиз курашиш мажбуриятини олдилар.

Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ва уларнинг энг малакалиларига алоҳида унвонлар бериш муаллимлар маҳоратини оширишини рағбатлантирувчи муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Аттестация 1936 йилда бошланди. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 19238 ўқитувчи аттестациядан ўтказилиши лозим эди. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги шаҳарлarda ёз фаслида, мактаблардаги ўқув йили тугаганидан кейин очиладиган қисқа муддатли курсларда қайта тайёргарликтан ўтиб, билим савиясини оширган эди.

1934 йилда кечки ва қундузги педагогика мактабларида ҳамда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш қисқа курсларида 15268 киши таълим олди.

Агар ўқитувчиларнинг кўпчилиги (63 фоизи тайёрлов курсаридан ўтган бошлангич маълумотли бўлса, 8 фоизи тўлиқсиз ўрта маълумотли, 26 фоизи ўрта маълумотли ва фақат 2,6 фоизи олий маълумотли кишилар эди. 1935 йилга келиб, бошлангич ва курс маълумотини олган ўқитувчилар улуши 55 фоиз, тўлиқсиз ўрта маълумотли ўқитувчилар саломоги 14 фоиз ва олий маълумотлилари 3,9 фоиз бўлди.

1937 йилда педагогика техникумлари негизида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқишига мўлжалланган шаҳар ўқитувчиларнинг тайёрлайдиган кечки педагогика билим юртлари ташкил қилинди. Шу билим юртларини битириб чиқсанлардан Илҳом Одил, Гани Ҳошимов ва бошқа кўп кишилар кейинчалик Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлдилар.

Шундай қилиб, 30-йилларда республика ўқитувчилари сон жиҳатидан кўпайди ва уларнинг сифати яхшиланди. Бу ўзгаришлар паст малакали ўқитувчиларнинг бошқа ишларга ўтиши ҳисобига ҳам, шунингдек ёш муаллимларнинг камолга этиши ва асосан эски ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва ўз маълумотини мустақил ошириши йўли билан уларнинг маълумот даражасини кўтариш ҳисобига рўй берди.

Улуғ Ватан уруши арафасидаги йилларда республика партия ташкилотлари ва ҳалқ таълими идоралари маҳаллий миллатларга мансуб талабалар ва мактаб ўқувчиларнинг рус тилини ўрганиши сифатини ошириш соҳасида катта иш қилдилар. Умумияплат аҳамиятига эга бўлган мана шу катта вазифани муваффақиятли бажариш учун аввало малакали муаллимлар тайёрлаш керак эди. Ўзбекистон давлат дорилғунунида, Тошкент давлат педагогика институтида, Фарғона ва Бухоро педагогика институтларида, Андижон, Қўқон, Урганч ва Тўрткўл ўқитувчилар институтларида тил ва адабиёт факультетлари ҳузурида рус тили муаллимларини тайёрлайдиган бўлимлар ташкил қилинди.

1938 йилнинг ёзида қайта тайёрлаш курсларида 2266 киши таълим олди. Рус тили муаллимлари институтлар ҳузуридаги курслар ва сиртқи бўлимлардагина эмас, иш жараёнда, мустақил равища ҳам ўз малакаларини оширидилар.

Шу даврда ўқитувчиларни ижтимоий таъминлаш масалаларига катта аҳамият берилди. Ўзбекистон ҳалқ комиссарлари кенгашининг 1938 йил 1 июнь қарорига биноан қишлоқ ўқитувчиларига иситиладиган ва ёритиладиган турар жойлар бепул бериб қўйилди, иш ҳақига маҳсус устамалар белгиланди.

Ўзбекистон маориф ходимлари кўп минг кишилик туркумининг энг яхши намояндлари Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланди, Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутатлари этиб сайланди. Болаларга таълим ва тарбия бериш, омма орасида маърифат тарқатиш соҳасидаги намунали ишлари учун юзлаб ўқитувчилар ҳукуматнинг юксак мукофотларига ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига сазовор бўлдилар. Улар орасида Жўра Алимов, Ҳакимали Усмоналиев, Олимжон Курматов, Мукаррам Қодирова, Нўймон Усмонов, Оқилхон Шарафиддинов ва бошқа кўп кишилар бор эди.

Шундай қилиб, ҳалқ хўжалигини реконструкциялаш даврида миллий ўқитувчи кадрларини вояга етказиш соҳасидаги жуда катта ишлар давом эттирилди. Бу жараён асосан уч йўлдан: меҳнаткаш ёшлиарни Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг педагогика ўқув юртларида ўқитиш йўли билан, илгари

қисқа муддатли курсларда тайёрланган ўқитувчиларни қалып тайёрлаш ва малакасини ошириш воситаси билан, шунингдай бошқа республикалардан муаллимлар, айниқса рус тили ўқитувчиларини таклиф этиш ҳисобига ниҳоясига етказилди.

Бироқ шуну айтиш керакки, бутун жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб турган бўйруқбозлилк-маъмуриятчилик системаси педагог кадрлар тайёрлаш вазифасини тўла-тўкин амалга оширишга ҳам имкон бермади.

Ижтимоий турмушнинг бошқа кўпгина соҳаларида бўлганидек, Ўзбекистон халқ маорифи системасида кадрларни вояга ства зиша ҳам одат бўлган дабдабозлилк, хўжакўрсинчилк, ялини ёндашув, ҳақиқатни бежаб тасвирлаш иллатлари ишга салбии таъсири қилди. Сифат силжишлари жуда суст борар эди. Қонунийлик, социалистик тартиб-қоидалар бузилғанлиги ёш анилдинг тарбиясига катта маънавий зиён етказди.

Шу даврда санъаткор зиёлиларнинг дунёкарашида катта ўшишлар рўй берди. Улар орасида маданият соҳасининг совет халқи манфаатлари билан чамбарчас боғлиқлиги тушунчани тобора мустаҳкамланди. Янги жамият қуришга фаол кўмаклашни муддаоси кучайди. Адабиёт ва санъат инсоннинг маънавий дунёсини тўғри ва эҳтиросли тарзда акс эттириши лозим ади. Бунинг учун бадиий тафаккурнинг янги қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, турмушни тасвирлашнинг янги ғоявий-эстетик системасини қарор топтириш зарур эди.

30-йилларда адабий-бадиий жараён мураккаб ва зиддияти шароитда кечди. Бу — Сталин диктатураси даври эди. Ўн томондан бу даврда адабиёт ва санъат соҳасида катта ютуқларни эришилди, совет бадиий классикасининг асарлари дунёга келди, иккичи томондан бадиий ижодиётда катта камчиликлар, бузилишлар, баъзан эса бадиий ижодкорликнинг ленинча қоидалари ва месъморларини сохталашибдириш ҳоллари рўй берди.

Ўзбек совет адабиётига 30-йилларда вояга етган ёш шоирлар ёзувчилар, драматургларнинг катта бир туркуми кириб келингекса зиёлилар қаторига қўшилди. Шу даврда Гафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ойдин, М. Собирова, Абдулла Қаҳон, Ўгун, Комил Яшин, Шайхзода каби шоир ва ёзувчиларнинг ижоди камолот довонига кўтарилиди. Ёш ўзбек совет ижодчи зиёлиларнинг ўзагини ҳосил қилган шу қаламкашлар ўз ижодлари билан адабиётимизни янги мазмун, янги тасвир воситалари билан бойитдилар.

Ўзбек халқининг ўз озодлиги, хотин-қизларни холос этиш йўлидаги инқилобий кураши, шўро ҳокимиятнинг шаҳар ва қишлоқдаги ютуқлари мавзуи, қардош халқларнинг бирлиги

юз ҳуқуқлари учун, янги жамият қуриш йўлидаги кураши мавзуи адибларнинг диққат-марказида бўлди.

Шу йилларда ҳам шеърият ўзбек адабиётининг етакчи жанри бўлиб, ўтмишдаги буюк шоирларнинг анъаналарини давом эттириди, рус совет шеъриятининг энг яхши тажрибасини ва новаторлик руҳиятини ўзига синглирди. Тарихий ва турмуш мавзуларига багишланган романнавислик, гражданлик поэзияси, сиссий ҳажвия каби ўзбек адабиёти учун янги бўлган жанрлар ҳам вужудга келиб, ривожлана бошлади.

Уруш арафасидаги беш йилликлар даврида адабиёт майдонига чиққан ўзбек драматурглари яратган асарлари ўзбек халқининг қаҳрамонона ўтмиши, унинг ҳозирги ҳаёти тасвирлаб берилди. Комил Яшиннинг "Тор-мор", "Ўртоқ", "Номус ва муҳаббат", Назир Сафаровнинг "Ўйғониш", З. Фатхулиннинг "Ғунчалар", "Сотқинлар" ва бошқа асарлари шулар жумласига киради. Комил Яшин опера либреттоси каби янги жанрда ижод қила бошлади. Ўгун, И. Султонов, К. Яшин, В. Шкловскийлар дастлабки киносценарийларни ёзиб беришdi.

Жанрларнинг хилма-хиллиги бадиий асарларнинг кўпайишига олиб борди. 1929 йилга нисбатан уларнинг сони 1933 йилда 4 баравар кўпайди. 1941 йилнинг ўзида 15 та пьеса, юзтадан кўпроқ қўшиқ яратилди.

Ўша даврдаги гоят мураккаб ижтимоий-сиёсий ва адабий жараёнлар Ҳамид Олимжоннинг "Таълим ва тарбия мashaққатлари" (1932), "Марксизм ниқоби остидаги меньшевизм" (1932), "Адабиётимизнинг зўр кўтарилиш даври" (1934), "Фитратнинг адабий ижоди ҳақида" (1936) мақолаларида ўз ифодасини топди. Чуқур мазмунли бу мақолаларда совет адабиётининг юсий назарий масалалари аниқ мисоллар билан таҳлил этиб берилган.

Муаллиф ўзбек совет адабиётининг ғоявий соғлиги ва бадиий қиммати учун курашади, рус ва чет эл адабиётининг энг яхши намуналаридан ибрат олишга чақиради, ўзбек маданияти ва адабиётига багишланган сермазмун мақолалар ёзди. Ўгун билан биргаликда ёзилган "Социалистик реализмни эгаллаш йўлида" (1933), "Жадидлар адабиётининг синфи мөҳияти тўғрисидаги масалага доир" (1935), Ўзбек совет адабиётининг дастлабки даври" (1935) сарлавҳали илмий-танқидий мақолаларида, шулкунгидек "Улуг Октябрь социалистик инқилоби ва ўзбек аксилингилобий буржуа адабиёти" монографиясида унинг адабиётта оид фикрлари ўз ифодасини топган.

Ҳ. Олимжоннинг ўзбек адабиёти тарихи ва назариясига оид асарлари ўзбек филология фанининг илмий асосларини яратиб

берди, Ўзбекистон адабиётшунос олимларини тарбиялаши кўмаклашди.

Ҳамид Олимжон ва ўзбек ижодкор зиёлилари бошқа таниқли намояндаларининг адабиёт ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт бобидаги бундай фаоллиги буржуа миллатчиларининг газабини қўзғаганини табиий. Улар Ҳамид Олимжонни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасидан ўчиришга уриниб кўрдилар. 1938 йилда Ҳамид Олимжоннинг иши муҳокама қилинаётган пайтда у Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига хат ёзиб, ҳар қандай таъқибларга қарамай, ўз даврининг олий мақсадларига, ўз халқига содик бўлиб қолишини билди.

Халқнинг, кенг шеърият муҳлисларининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган шоир ва олим Ҳамид Олимжон ганимларини кирдикорларига қарамай, 1939 йилда ёзувчилар уюшмасини раҳбари лавозимига сайланди ва умрининг охиригача (1944 йил июлигача) Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби бўлиб ишлади.

Шу даврда адабиётшунослик фаолияти кенг миқёсда ривож топди. Ўзбек адабиётининг дастлабки тадқиқотчилари асосан жуда бой оғзаки халқ ижодиётини ўрганишга киришдилар. Ходи Зарипов ўзбек фольклори тарихига бағишлиланган кўпгина асарлар яратди, баҳшилар оғзидан халқ достонларини ёзиб олиб, нашр эттириди. Ҳ. Ёқубов, Ю. Султонов, Ҳ. Ҳусаинов, Ҳ. Сулаймонов, О. Шарафиддинов, Р. Мажидий, С. Султонов, С. Қосимовлар адабиётшуносликка катта ҳисса қўшдилар.

Урушдан олдинги даврда жумҳурият маориф халқ комиссарлиги ҳузурида Самарқанд илмий тадқиқот институти барои этилди. Бу илм даргоҳи илм-фанинг турли соҳаларида, шу жумладан адабиётшунослик бўйича илмий кадрлар тайёрлаши ва тадқиқот ишлари олиб бориши лозим эди.

Кейинчалик бу институт Ўзбекистон маданий қурилиш илмий-тадқиқот институтига айлантирилди ва Тошкентта кўчирилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Марказий ижроия комитети ҳузуридаги фан комитети таркибида Ўзбекистон тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Бу институтда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ўйгун, Ходи Зарипов, Б. Каримов ва бошқа таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар ишладилар.

1939 йил апрелида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига олти нафар янги аъзо ва 11 нафар номзод қабул қилинди. Миллӣ зиёли кадрларни гоявий ва ижодий жиҳатдан ўстиришнинг ўзине хос мактаби бўлиб хизмат қила бошлаган бу уюшма муттасис

негайиб, мустаҳкамланиб борди. Уруш арафасида Ўзбекистондаги 1625 адабиёт арбоби ва матбуот ходими орасида 298 отин-қиз бор эди.

30-йиллар Чўлпон ижодиётидаги жуда сермаҳсул давр бўлди. Унинг долзарб мавзуга бағишлиланган, мазмун тузилиши ва ижтимоий низоларни ҳал этиш принциплари жиҳатидан янгича силган ҳикоялари пайдо бўлди. Унинг "Золим", "Ўртоқ Ҳаршибоев" номли пьесалари ўзбек театрлари саҳнасига қўйилди. Кечак ва кундуз" номли романининг биринчи қисми босилиб ишди. Бу романда ўзбек халқининг ўтмишдаги "тун" зулматидан ислажакдаги "кун" сари босиб ўтган йўли ёрқин бўёқлар билан исвиранган.

Чўлпоннинг 30-йиллардаги шеърияти гоявий жиҳатдан терапишиди ва бадиий камолот чўққисига кўтарили.

Юқорида айтганимиздек, Фитрат асарлари каби Чўлпон асарларининг ҳам кўп қисми шу пайттacha ўз аҳамиятини йўқотган мас. Улар тарихни билиш учунгина муҳим бўлиб қолмай, шу билан бирга гоявий-бадиий, илмий-тарбиявий аҳамиятга ҳам мөлиқдир. Уларнинг ижодиётини эътиборга олмай ўзбек совет адабиёти тарихини ёритиш бир томонлама ва тўлиқсиз бўлурни.

Атоқли жамоат арбоби, олим, адабиётшунос Отажон Ҳошимов нахста сигиниш даврининг қурбонлари қаторида вафотидан сўнг 1957 йилда оқланди. Тошкентлик деҳқоннинг фарзанди, шўро Ҳошимияти даврида билим олган, бир неча чет тилни ўрганганд, ўр иқтидор этаси бўлган бу инсон миллатчилик, аксилиниклиблигидан айбланиб, Тошкент қамоқхонасининг ергўласида отиб ишланган эди.

О. Ҳошимовнинг жамоат фаолияти ва ижоди машқатли ва ишдиятли 20—30-йилларда ўсиб улгайди. У инқилобни бажо-нидил табриклаб кутиб олди, комсомол сафига кирди, Москвадаги ўзбек маориф институтини битириб чиқди. 1926 йилда Ҳошимов Самарқандада жумҳурият маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги фан комитети илмий кенгашига, сўнгра комитетнинг ўзига бошчиллик қилди. У илмий иш билан кўп шугууллансан ам, адабиёт жабҳасини тарқ этмади, Ўзбекистон инқилобий ўзчи ва шоирларининг "Қизил қалам" жамиятини ташкил ишувчилардан ва унинг раҳбарларидан бири бўлди. "Қизил қалам" нашр этган иккита тўпламга (1928—1929 йиллар) ишариррилик қилди. Унда Чўлпон ва Фитрат билан бир қаторда ўзбек совет адибларидан Ойбек, Ўйгун, Ҳ. Олимжон, Миртемирнинг асарлари ҳам босилган эди. Отажон Ҳошимов ССРФ Фанлар академияси Ленинграддаги шарқшунослик инсти-

тутининг аспирантурасида ўқиёди, 1932 йилдан Ўзбекистонда Фанлар академиясининг куртаги бўлмиш фан комитетига бошчilik қилади. Айни вақтда у тил ва адабиёт институтига раҳбар этиб тайинланади, "Социалистик "иш ва техника" ойно масининг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

20-йилларда ўзбек классик адабиёти хазинасини ҳимоя қилган олиммининг позицияси бениҳоя мард инсоннинг позицияси эди, албатта. Отажон Ҳошимов ва унинг маслакдошлари адабиёт ва санъатдаги ўткинчи ҳолатларни эмас, балки юксак бадини, умумбашарий қалпиятларни ҳимоя қиласар эдилар. Улар адабиётдаги ақидапарастиликнинг қатъий душманлари эдилар. Уларнинг фикрлари теварагида ўткир, баъзан жазавали мунозаралар бўлиб турганлиги табиий.

Ёш истеъодли наср ва назм соҳиблари, драматурглар ва адабий танқидчилар билан тинимсиз тўлиб турган Ўзбекистон санъаткор зиёллари, маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасининг зуғумларига мардана бардош бериб илҳом билан меҳнат қиласар, совет адабиётини янада ривожлантиришга тобора салмоқли ҳисса қўшиб борарди.

Ўзбек совет адабиёти рус халқининг ва бошқа қардош халқларнинг адабиёти билан ҳамнафас бўлиб ривожланди. Барча қардош адабиётлар намояндадарининг учрашувлари, уларнинг тобора маҳкам яқинлашуви, тажриба ва ижодий режаларни ўзаро баҳам кўриши қардош халқлар ўртасидаги дўстликни ҳам мустаҳкамлар эди.

Социалистик миллӣ санъатни бунёд этиш ва ривожлантириш, ўзбек санъаткор зиёлларини шакллантириш ва гоявий-назарий жиҳатдан чиниқтириш қийин ва машақкатли иш бўлди. Айни 30-йилларда санъатнинг айрим турлари ва жанрларини ривожлантиришдаги қолоқликни бартараф қилиш учун зарур шаронит яратишга муваффақ бўлинди. Ўзбек санъаткор зиёллари қардош халқларнинг ҳар томонлама ёрдамига таяниб, ўз маданий месросидан фойдаланиб, қадам-бақадам социалистик санъат пойдеворини яратдилар, халқ оммасини санъатга ошно қилдилар, туб миллиятларнинг фарзандлари орасидан кўпдан-кўп истеъодларни вояга етказдилар.

Таҳлил этилаётган давр бошларида Ўзбекистондаги професионал театрнинг муайян анъаналари вужудга келган, режиссёр ва бошқа санъат усталарининг кадрлари вояга етган эди.

Ҳамза номли труппа 30-йилларда мустаҳкам оёқга туриб олди. Москва студиясида таҳсил кўрган ва ўзбек театри ассоцилари орасидан муносаб ўрин олган О.Жалилов, М.Мироқилов, М. Кузнецовалар билан бирга истеъодли ёшлилар Ш.Бурҳонов,

Раҳимов, А. Турдиев ва бошқалар кўзга кўриниб қолди. Шу йилларда труппа мураккаб гоявий-бадиий вазифаларни ҳал ишга қодир бўлган жамоа эканини билдири. Тез орада Ҳамза номли театр Вильям Шекспирнинг "Ҳамлет" трагедиясини ҳоналаштириб, бу фикрни рўй-рост тасдиқлади.

Ўзбек санъатининг кўпгина иқтидорли арбоблари бутун мамлакатда эмас, чет элларда ҳам донг таратди. Улар орасида Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Назира Аҳмедова, Лутфихоним Саримсоқова, Розияхон Каримова, Ҳалим Ҳўжаев ва бошқалар бор эди.

Мамлакатнинг марказий шаҳарлари олий ўқув юртларида аниъат сирларини ўрганиб келган саҳна ва мусиқа заҳматкашлари кумхуриятдаги кўпгина театр жамоаларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда жонбозлик кўрсатдилар.

Халқ комиссарлари кенгашининг қарорига биноан 1936 йилда барпо этилган Тошкент давлат консерваторияси малакали санъат ходимларини тайёрлашда кўп иш қилди. Бу ерда маҳаллий мусиқа билимдонлари, шунингдек мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган малакали муаллимлар ишлай бошладилар. Бининчи йилда консерваторияда 36 талаба таълим олди. Уруш арафасида консерваторияни битириб чиқсан 100 дан кўпроқ мутахассис ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантиришда хайрли ишлар қилишиб, улар орасидан бастакорлар, мусиқашунослар, лирижёлар, созандалар, хонандалар этишиб чиқдилар. Ўзбек консерваториясида тарбия кўрган яккахонлар Ўзбекистоннинг академик театрида ва опера колективларида ишлай бошладилар.

Тошкентда катта ёшдагилар учун мусиқа мактаби очилди, унда 1938 йилда ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда 120 киши таълим олди. Самарқанд, Фарғона ва республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай мактаблар очилди. 1936—1937 йилларда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Қўқон, Хоразмда етти йиллик мусиқа мактаблари ташкил қилинган эди.

Шу даврга келиб, ўзбек бастакорларининг ёрқин бир туркуми ўсиб этишиди. Халқ куйлари аниъаналарини давом эттирган истеъодли бастакор Тўхтасин Жалилов улар орасида алоҳида ажralиб турарди. Юнус Ражабий, Толиб Содиқов, Мухтор Ашрафий ва бошқа кўпгина бастакорлар қўшиқчилик ва мусиқавий драма жанри соҳасида меҳнат қилиб, ўзбек миллӣ мусиқасини ривожлантиришга ҳисса қўшидилар. Миллӣ санъатнинг илгор анъаналари улар ижодида янги мазмун касб этди.

Театр ва мусиқа санъатини ривожлантириш учун шарқ ва гарб мусиқа анъаналаридан яхши хабардор бўлган ўзбек мусиқа усулларини мукаммал биладиган мутахассислар керак эди. 1937—

1940 йилларда республиканинг 16 та бадиий ўқув юртига 600 ўқувчи қабул қилинди ва улар ҳаммаси бўлиб 2243 кишига стди. Шу даврда болалар учун бешта мусиқа мактаби, колхоз-совхоз театрлари учун режиссёrlар тайёрлайдиган тўрт ойлик курслар, Москвадаги театр санъати давлат институтига режиссёrlарнинг уч ойлик курслари ташкил қилинди. Бундан ташқари 1940 йилда театр санъати давлат университети ҳузурда 40 киши ўқийдиган ўзбек студияси очилди.

Жумҳуриятдаги маданий қурилиш жараённада тасвирий санъатинча ўди ва бойиди. 1938 йилнинг май ойида Ўзбекистон рассомлар уюшмаси тузилди. 1940 йилда унинг 120 нафар аъзоси бор эди. Уюшма рассомларни кўп жиҳатдан жисплостириди, ижодий ўзаро ёрдамлашувни кучайтириди, тасвирий санъатни реализм асосида ривожлантириш ўйлани ўтказди.

Рассомлардан Р. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Х. Насридиновларнинг маҳорати ошиди. 1938 йилда Тошкент тасвирий санъат билим юртини битириб чиқсан биринчи ўзбек рассом аёли Ш.Хасанова ижодининг камолоти шу даврга тўғри келади. Унинг истеъоди кейинги йилларда янада сайқал топди.

Тошкент ва Самарқанд тасвирий санъат билим юртларида кўпгина рассомлар вояга стди. 1940 йилда Тошкентда очилган жумҳурият расмлар кўргазмаси шу пайтгача босиб ўтилган йўлни якунлади ва Ўзбекистонда тасвирий санъатни янада ривожлантиришнинг кенг имкониятлари борлигини кўрсатиб берди.

1938 йилнинг охирида Ўзбекистонда меъморлар уюшмаси тузилди. 48 аъзодан иборат бўлган бу уюшма меъморларнинг ижодий ишини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш, шаҳар ва қишлоқлардаги иморатлар ҳамда маҳаллаларни, айrim меъморчilik ишоотларини лойиҳалаб бериш соҳасида катта иш қилди. Уюшма таркибида ижодкорлар сафи анча кенгайиб, 1940 йилда уларнинг сони 100 кишига стди.

Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг 1937 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган 10 кунлиги ўзбек санъаткор зиёлилари учун етуклик имтиҳони бўлди. Ўзбекистоннинг 200 дан кўпроқ артисти ва мусиқачиси Москвага мусиқали пъесаларни, кўпдан кўп қўшиқ ва рақсларни олиб бориб, намойиш қилди. Москва кинотеатрларида биринчи ўзбек товушли кинокартинаси — "Қасам" муваффақиятли намойиш этилди.

Театр санъати соҳасидаги катта хизматлари учун ўзбек артистларидан Сора Эшонтураева, Тамараҳоним, Мукаррама Турғунбоева, Маҳсума Қорисева, Раҳимова, Каримова ва Ингомовалар Совет Иттифоқининг орден ҳамда медаллари билан

мукофотланди. Ҳалима Носировага СССР халқ артисти унвони берилди. Мана шуларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг маданияти ўстанидан, ўзбек совет санъати равнақ топганидан далолат берар эди.

30-йилларда кино санъати тинимсиз ривожланиб, малакали кинематографиячилар вояга стди. Шу йилларда улар биринчи марта гоят сермазмун фильмлар яратса бошладилар. Кинематографиянинг миллий кадрларини жумҳурият ўқув юртлари ва мамлакат марказий шаҳарларида институтлар тайёрлаб беришли. Масалан, ўзбек киносининг машҳур арбобларидан Й. Аъзамов, С. Искандаров, М. Раҳимова, А. Умарова, Р. Пирмуҳамедов, М. Расулов, Р. Аҳмедова кабилар Москва ва Ленинградда таҳсил кўриб келиши.

Ўзбек кино санъатининг баъзи арбоблари — П. Ганиев, С.Хўжаев, К. Ёрматов, М. Қаюмов, Э. Ҳамроевлар қардош кинематографиячилари бидан биргаликда ишлаш жараённада кино санъати сирларини эгалладилар.

Журналист кадрлар тайёрлаш ишига ҳам эътибор берилди, матбуотда партиянинг омма орасидаги сиёсий-тарбиявий ишлари кенг ёритила бошлади. 1938, 1940 йилларнинг ўзида марксизм-ленинизм классикларининг 135 га яқин алоҳида асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, 2 миллион 860 минг нусхада нашр қилинди.

Шу йилларда юзлаб янги клублар, кутубхоналар ва маданият саройлари қурилди. Уларда ишлайдиган малакали кадрлар керак эди. Бундай кадрларсиз кутубхоналарнинг самарали ишларини йўлга қўйиб бўлмас, клублар ва маданият саройларининг маданий-маърифпарварлик ишини жонлантиришнинг иложи йўқ эди.

Тошкентда 250 киши ўқийдиган республика сиёсий маориф мактаби, 235 киши ўқийдиган Андижон сиёсий маориф техникиуми барпо этилди. Қуий тармоқнинг сиёсий маориф ходимларини тайёрлаш учун Андижон сиёсий маориф техникиуми ҳузурда 70 кишилик кутубхона ходимлари бир йиллик курслари ташкил этилди.

Бундан ташқари Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хивада 1938 йилда клублар учун 260 ходим тайёрлаб берадиган бир йиллик курслар очилди.

Ўзбекистонда 1938—1939 йилларда ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар ва меъморларнинг ижодий уюшмалари барпо этилиши янги ташкилий шаклга асос солди, санъаткор зиёлиларни бирлаштиришга ва уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришга сўради, берди.

Ўзбекистон санъаткор зиёлиларининг, айниқса професионал

санъат намояндаларининг таркиби кўп миллатли эди, бу эса мамлакатда, хусусан, миллий жумҳуриятларда маданий инқилюни амалга оширишда халқларининг қардошларча ҳамкорлигидан, ўзаро ёрдамидан далолат берар эди.

Юқорида баён этилганлар асосида шундай холоса чиқариш мумкин: бу даврда санъаткор миллий зиёлиларнинг асосий ўзаги камол топиб ўзбек халқининг маънавий турмушида катта ижодий куч бўлиб қолди. Бироқ миллий санъатнинг айrim турлари (тасвирий санъат, хореография) соҳасидаги малакали кадрларни тайёрлаш иши эндиғина бошланган эди.

30-йилларда санъаткор зиёлиларнинг ижодий фаоллиги анча ошиди, кенг меҳнаткашлар оммасининг онгига социалистик дунё-қарашни узлуксиз шакллантириш уларнинг асосий вазифаси бўлиб қолган эди.

Санъаткор зиёлиларнинг кучлари жислаштирилганлиги, улар социалистик мағкуруни ўзлаштириб одамларни адабиёт, театр, мусиқа, кинематографияни муваффақиятли ривожлантириш учун асос бўлди. Воқеликни бадиий нуқтаи назардан идрок этиш, социализм гояларини қарор топтириш санъат ва адабиёт усталари ижодиётининг негизига айланди.

Шу даврга келиб касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхоналар, болалар боғча ва яслилари тармоғи мамлакатнинг барча районларида кенгайиб бораётганлиги сабабли тиббиёт ўқув юртлари уларни малакали мутахассислар билан таъминлаб туриши лозим эди.

Ихтисосликларидаги турлича бўлган табобат ходимларининг сафлари кенгайиб борганлиги юқумли касалликларга ҳужумни кучайтириш имконини берди.

Бироқ миллий тиббиёт ходимларининг кўпайиши мамлакатнинг эҳтиёжларини ҳали ҳам тўла-тўқис қондира олмас эди. 1937 йилда жумҳуриятда 160 нафар ўзбек тиббиёт ходими ишлар эди.

Малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашга катта аҳамият берилди. Бу иш Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг зиммасига тушди. 1931 йилда ҳукуматнинг кўрсатмасига биноан тиббиёт факультети дорилфунун таркибидан чиқарилиб, Ўрта Осиё тиббиёт институти ташкил қилинган эди, бу институт 1935 йилда Тошкент медицина институти (ТошМИ) деб атала бошлади.

Нисбатан қисқа мuddат ичida илмий-ўқув ва тажриба-табобат муассасаларининг кенг тармоғи ҳам барпо этилди. Шу ишларнинг натижасида 1932 йилда жумҳуриятда 1659 врач ишлаган бўлса, 1938 йилда уларнинг сони 2136 кишига етди.

Талабалар сони кўпайиши билан бирга профессор-муаллимлар

сафи ҳам кенгая борди. 1940 йилда 127 нафар муаллимдан 7 нафари маҳаллий миллатларга мансуб кишилар эди.

Самарқанд медицина институтининг олимлари самарали муаллимлар ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Улар орасида нормал анатомия профессори М. П. Холқўзиев, машҳур гистолог профессор З. Х. Раҳматуллин, профессорлардан юқумли касалликлар кафедрасининг мудири И. К. Мусабоев ва рентгенология кафедрасининг мудири Д. М. Абдурасуловлар бор эди.

1935—1945 йиллар мобайнида институт асосан маҳаллий миллат фарзандларидан 533 нафар малакали шифокор етиштириб чиқарди, улар Ўрта Осиёдаги барча жумҳуриятларга ишлаш учун юборилди.

1930 йилдан 1941 йилгача ТошМИнинг аспирантурасига 82 нафар врач қабул қилинди, улардан 45 фоизи (54 нафари) маҳаллий миллатларга мансуб эди. 47 киши аспирантурани муваффақиятли тугаллаб, табобат фанлари номзоди илмий даржасини олиш учун диссертация ёқладилар. Улар орасида кўпгина истеъододли ёшлар бор эди. Д. М. Абдурасолов, Д. А. Одилов, Э. А. Отаконов, С. Б. Бобоҷонов, Т. З. Заҳидов, Маърупов, Д. И. Максумова, Ш. С. Маликов, Ё. Х. Тўрақулов, Х. У. Усмонов, В. Ш. Шамсиев ва бошқалар СССР медицина фанлари академиясининг докторантурасига юборилди ва улар медицина фанлари доктори илмий унвони билан қайтиб келдилар. Бу олимлар Ўзбекистонда медицина ва биология фанларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

30-йилларда жумҳуриятда ўрта тиббиёт ўқув юртлари тармоғини ривожлантириш ҳамда врачлар ва ўрта малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш соҳасида катта ишлар қилинди. Йўлдош Оҳунбобоев номли Тошкент тиббиёт билимгоҳи Ўзбекистоннинг биринчи ўрта тиббий ўқув юрти бўлди.

1940 йилда Ўзбекистон даволаш муассасаларида ўрта маҳсус маълумотли 1 минг тиббий ходим ишлар эди.

Ҳар йили юзлаб кишиларнинг ёстигини қуритган ва айниқса гўдакларни нобуд этган ич терлама, кўййутал, тепкили терлама, чечак, бўғма каби касалликларни камайтириш учун 1932—1938 йиллар мобайнида қилинган ишлар яхши самара берди. Аҳолининг, айниқса чақалоқларнинг нобуд бўлиши камайди.

Жумҳурият шифокорлари сони 1940 йилга келиб 3158 кишига, ўрта малакали медицина ходимларининг сони 12200 кишига етди. Табобат ходимлари кўпайиши туфайли халқ соғлигини сақлаш ва ижтимоий таъминот иши анча яхшиланди.

Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг табииёт факультети ва кейинчалик Тошкент медицина институти уруш бошлангунга

қадар 3 мингта шифокор тайёрлаб берди, уларнинг 700 дан кўпроғи ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат намояндадари эди.

Қишлоқ жойларда 400 тадан кўпроқ даволаш муассасалари, 800 га яқин фельдшерлик пунктлари ташкил этилди.

1939 йилда Тошкентда қишлоқ врачларининг биринчи қурултойи бўлди, унда тиббиёт ходимларининг энг зарур эҳтиёжлари мұхокама қилинди, қишлоқда соглиқни сақлаш режалари белгиланди.

Шу билан бирга уруш бошлангунга қадар тиббиёт ходимларини тайёрлашдаги муайян муваффақиятларга қарамай, жумхуриятнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжи тўла-тўқис қондирилгани йўқ. Шу сабабли ўрта ва олий малакали тиббиёт ходимлари асосан четдан таклиф этилган ва жумхуриятимизга ишлаш учун келган мутахассислар ҳисобига таъминланди.

Натижада 1940 йилда умуман иттифоқда шифокорлар (тиш дўхтириларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 1913 йилга нисбатан 5,5 баравар, Ўзбекистонда эса 22 баравар, Қирғизистонда 29, Тожикистонда 34 баравар, Кавказ орти жумхуриятларида қарийб 11 баравар кўп эди.

Шуни айтиш керакки, таҳлил этилаётган давр охирига келиб асл шифокорлар жумхурият соглиқни сақлаш муассасаларида устунлик қила бошладилар. Чунончи, 1927 йилда Ўзбекистондаги 974 нафар шифокордан 398 нафари аёллар, 1930 йилда 1539 нафар шикофордан 676 нафари аёллар бўлган бўлса, 1939 йилда 3150 шифокордан 1800 нафари (салкам 60 фоизи) хотин-қизлар эди. 1939 йилда вилоят, шаҳар ва район соглиқни сақлаш бўлимларининг мудирлари лавозимига кўтарилган 128 нафар шифокордан 37 киши аёллар, шу жумладан 3 киши ўзбек аёллари эди.

Умуман, қардош ҳалқларнинг доимий ёрдами натижасида ўрта ва олий малакали зарур тиббиёт мутахассисларини вояга етказиш натижаси асосан бажарилар эди.

Бироқ 30-йиллар зиддиятли бўлганлигини таъкидламоқ керак. Бир томондан ҳалқнинг саботли меҳнати, жамиятни ўзгартириш, кўп миллатли Совет миллатини мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона кураши натижасида барча соҳаларда катта ютуқларга эришилган бўлса, иккинчи томондан шахсга сигиниш ва қатагон сиёсати қарор топиши натижасида миллионлаб кишилар ҳалок бўлди. Шахсга сигиниш оқибатларининг ижтимоий турмуш барча соҳаларига салбий таъсирини тан олиш билан бирга шу даврда совет жамиятини ривожлантириш соҳасида қилинган ижбий, амалий ишларни ҳам таъкидламоқ керак.

Ҳалқ ҳўжалигини реконструкциялаш, мамлакатни саноатлаш-

тириш, қишлоқ ҳўжалигини колективлаштириш даврида маданий инқиlobнинг кенг дастурини амалга ошириш туфайли Ўзбекистон ҳалқ зиёлиларининг кадрларини вояга етказиш жараёни кучайиб борди. Мамлакатни тубдан ижтимоий-иқтисодий ўзгартириш муҳандис-техника ва қишлоқ ҳўжалиги зиёлиларини тайёрлаш вазифасини айниқса долзарб вазифа қилиб қўйди, айниқса шу даврда бу вазифани ҳал қилиш биринчи даражали аҳамият касб этиди.

Ўзбекистонда янги-янги илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва уларнинг бўлимлари очилди, айниқса техника зиёлиларини тайёрлаб берадиган илмгоҳларга катта аҳамият берилди, уларнинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланди, ўқув режалари ва дастурлари қайта ишланди.

Аҳолининг умумий маданий савиаси ўсиб, ҳалқ таълими, айниқса мактаб маорифи кенг ривожланганлиги маданият кадрларини, фан, ҳалқ таълими, маданий-маърифий муассасалар ходимлари ва санъаткор зиёлиларни тобора кўпроқ талаб қиласи эди.

Янги зиёлилар таркибида хотин-қизлар салмоқли ўрин олдилар.

Зиёлиларнинг ўз қасбини вижданан бажариши ва ижодий фаоллиги ҳалқнинг, совет давлатининг таҳсина газовор бўлди. Кўпгина фан-техника, маданият арбоблари, муаллимлар мўътабар ҳокимият органларига сайдандилар, фахрий увонлар, ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Совет зиёлилари ўсиб камол топганлиги ижбий натижаларга олиб келганлиги шубҳасиз. Улар совет маданиятини ривожлантиришда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий турмушини ўзгартиришга самарали ҳисса қўшдилар.

* * *

Совет зиёлилари бениҳоя қийин ва мураккаб шароитда тарбияланиб камол топдилар. Бу пайтда жамият маданий турмушининг барча соҳаларида золим синфларининг ўтмишдаги ҳукмронлигини тутатиш, кенг меҳнаткашлар оммасини маънавий маданият бойликларига ошно қилиш, тарбиялаш каби туб ижтимоий, сиёсий ва мағкуравий муаммолар ҳал қилинади.

Эски зиёлиларни социалистик қурилишга жалб қилиш билан айни бир вақтда аввало илғор ишчи ва деҳқонларни раҳбар фирқа, шўро, ҳўжалик ва маданий-маърифий ишга кўтариш йўли билан янги кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш тадбирлари амалга оширилди. Бу — фақат совет воқелиги шароитида рўёбга

чиқиши мүмкін бўлган чинакам ҳалқ зиёлиларини тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги йўли бўлди. Кадрларнинг, айниқса пастдан кўтариб қўйилган тажрибакор мутахассисларнинг малакасини ошириш учун қисқа муддатли курслар ва турли-туман мактаблар системаси барпо этилди.

Олий ва ўрга маҳсус мактаб орқали янги кадрларни тайёрлаш системаси асосан 30-йилларда таркиб топиб, расмийлашди.

Бироқ, 20-йилларда ёки барпо этилган Туркистон давлат дорилфунуни жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистондаги қўпгина олий ўқув юртлари илмий муассасаларнинг тўнгичи бўлган бу илм даргоҳи совет миллий зиёлиларини кўплаб стиштириб берди.

Ўзбекистон учун олий малакали мутахассислар, айниқса илмий ва техника зиёлиларини тайёрлаш ҳалқ хўжалигини социалистик асосда янгилаш йилларида айниқса кенг тус олди. Бу даврда республика саноатлашиб, қишлоқ хўжалиги колективлашиб, маданий қурилишнинг катта программаси амалга оширила бошлаган эди. Бу ерда иқтисодий ва маданий тараққиёт мамлакатнинг марказий районларига нисбатан тезроқ суръат билан давом этиди, шу тариқа Ўзбекистон ҳалқларининг ҳақиқий тенгисизлиги тутатиди.

Ўша пайтда умуман республикада шаклланган олий ва ўрга маҳсус таълим, тури курслар ва ҳунар таълимни мактаблари кенг системаси ҳалқ хўжалиги ва маданиятнинг барча тармоқлари учун керакли мутахассисларни сон ва сифат жиҳатидан ўстиришни таъминлади. Энди олий ва ўрга маҳсус ўқув юртлари Ўзбекистон миллий зиёлиларини камол топтиришнинг асосий манбаи бўлиб қолган эди.

Мамлакатнинг олий ўқув юртларига муаллимлар ва мутахассислар ўқиши ва тажриба ўрганиши учун юборилди. Москвада ва бошқа марказий шаҳарлarda миллий кадрларга таълим бериш учун маҳсус ўқув юртлари ва факультетлар ташкил этилди. Уларни битириб келган мутахассислар жойларда зўр ташкилотчилик ишларини бошлаб юбордилар, ёшларга таълим ва тарбия бера бошладилар.

Ўзбекистон зиёлилари миллий кадрлари сон жиҳатидан уз-луксиз қўпайиб, саломоги ошиб бориши билан бирга уларнинг сафлари тобора кўп миллатли бўлаверди.

Миллий совет зиёлиларининг аёл кадрлари тарбияланиб, камол топғанлиги ҳам катта ютуқ бўлди.

Ўзбекистон совет зиёлилари жамиятнинг моддий ва маънавий маданиятнин ривожлантиришда катта бунёдкор куч бўлиб қолдилар. Улар ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар билан

биргаликда мамлакатнинг жамоат ва давлат турмушида катта роль ўйнадилар.

Тадқиқ этилган даврда Ўзбекистоннинг миллий зиёлиларини камол топтириш жараённи ҳали тўла-тўқис ниҳоясига етказилмаган эди. Уларнинг таркибида ҳали туб миллат намояндадарининг улуши нисбатан оз эди. Маданий-маърифий муассасаларнинг ходимлари, раҳбар арбоблар етарли бўлса ҳам, олимлар, муҳандислар, техниклар, агрономлар оз эди. Айниқса маҳаллий миллат аёлларининг саломоги мутлақо етишмасди.

Иттилоқ зиёлиларининг миллий отрядларига хос бўлган баъзи камчиликлар Ўзбекистон зиёлиларида ҳам учраси эди. Мазкур ижтимоий тоифа кишиларини тез суръатлар билан вояга етказиш жараённида табиий равишда баъзи бир нуқсонларга ҳам йўл қўйилган эди.

Зиёлиларнинг касб-кор даражаси бирмунча пастлиги муаммоси шу камчиликлардан бири эди. Кўпчилик зиёлилар пастдан юқори кўтарилигани ишли ва деҳқонлардан ва тажрибакор кишилардан иборат бўлиб, улар мунтазам маҳсус билим олмаганилклари бунинг асосий сабаби эди.

Аммо олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб чиқсан қўпгина кишилар ҳам касб-кор тайёргарлигининг етарлича юксак даражасини таъминлайдиган билим ҳажмига эга эмас эдилар. Бир қанча сабабларга кўра (талабаларнинг умумий таълим савиаси пастлиги, ўқув юртларининг моддий базаси заифлиги, тажрибали профессор-муаллимлар етишмаслиги, ўқув жараёнини ташкил этишдаги камчиликлар, сиртқи ва кечки таълимнинг саломоги юқори эканлиги кабиларга кўра) айниқса дастлабки беш йилликлар даврида олий ва ўрга маҳсус мактаблар ҳар томонлами билимдон мутахассисларни тарбиялаб бера олмас эди.

Ўзбекистонда зиёлиларни камол топтириш муаммоси мураккаб ва қийин даврда кечди, ўзбек ҳалқи ўз зиёлиларини вояга етказиш йўлида қўпгина тўсиқларни бартараф этишга тўғри келди. Бу йўлда ортирилган тажриба эса социалистик ривожланиш йўлига кирадиган барча мамлакатлар учун жуда ибратлидир.

Ўзбекистон зиёлиларини тарбиялаб вояга етказишнинг 20—30-йиллардаги тарихий тажрибаси ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмую тубдан қайта қурилаётган ҳозирги даврда катта аҳамият касб этади. Ниҳоятда машаққатли ўтиш давридаги шу тажрибани ижодий идрок этиш, ўша даврнинг ҳақиқатан ҳам сўнмас қадриятларидан қайта қуриш ва жамиятни согломлаштириш манфаатлари йўлида фойдаланиш — таҳлил этилган даврда Ўзбекистон ортирилган тарихий тажриба самарасини рўёбга чиқаришидир.

11/216.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Инқилоб ва Ўзбекистонда зиёлиларга муносабат масаласи	7
Янги ижтимоий-сийесий муҳитда Ўзбекистон зиёлиларининг мавқеи	7
Мутахассис кадрлар тайёрлаш жараённининг илк босқичи	21
Ўзбекистонда 20-йилларда зиёлилар гуруҳларининг шаклланиши	37
Ижтимоий-иқтиносидий вазият ва зиёлилар	37
Педагогика, илмий, маданий-маориф ва бошқа соҳалар мутахассисларини тайёрлаш	46
Ишлаб чиқариш — техника зиёлиларининг таркиб топиши	65
Адабиёт ва санъат арбоблари	75
Ўзбекистон зиёлилари 30-йилларда	84
Янги яратувчилик изланинглари	84
Муҳандис-техника мутахассислари ва қишлоқ зиёлилари	91
Маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги ижодкор зиёлилар фаолияти	110

Мухаббат Алимджановна Гуламова

ФОРМИРОВАНИЕ УЗБЕКСКОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон" — 1992, 700129, Ташкент, Навои, 30.

Кичик муҳаррир Н. Умарова
 Бадний муҳаррир А. Деконхўжаев
 Тех. муҳаррир А. Горшкова
 Мусаҳид М. Йулдошева

ИБ № 5619

Теришга берилди 18.11.91. Босишга рухсат этилди 27.01.92. Қозоз формати 60x84 1/16 №2 босма қозозига "Таймс" гарнитурда оғсет босма усулида босилди. Шартли бос.л. 7,90 Шартли кр.-отт. 8,03 Нашр.л. 8,38
 Тиражи 1000. Заказ № 186/1069

"Ўзбекистон" нашиёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30. Нашр № 162-91.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий ва программавий воситалар базасида тайёрланниб Тошкент
 "Ўзгипроузем" Картфабрикасида босилди. Муқимий кӯчаси, 182.

Ношир
162-91